



Аҳмад АЪЗАМ

ТИЛ НОМУСИ



4000



Аҳмад АЪЗАМ

Ёзувчи, мунаққид, сценарист, тележурналист. 1949 йили Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Ғазира қишлоғида туғилган.

«Ойнинг гардиши», «Бу куннинг давоми», «Асқартоғ томонларда», «Соясини йўқотган одам», «Ҳали ҳаёт бор» насрий асарлари, «Масъуд сўз» номли адабий-танқидий мақолалар тўплами, «Ўзи уйланмаган совчи», «Рўё ҳуд Ғулистонга сафар» романлари чоп этилган.

ISBN 978-9943-4119-3-7



9 789943 411937

Аҳмад АЪЗАМ

ТИЛ НОМУСИ

Эссе, мақолалар, суҳбатлар

Тошкент

«Akademnashr»

2013

УЎК: 811.512.133-4

КБК: 81.2Ў36

A95

A95

Аъзам, Аҳмад

Тил номуси / А. Аъзам. – Тошкент: Akademnashr, 2013.
– 88 б.

УЎК: 811.512.133-4

ISBN 978-9943-4119-3-7

КБК: 81.2Ў36

Таниқли адиб, адабиётшунос Аҳмад Аъзамнинг мазкур рисолага жамланган мақолаларида она тилимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида муаллифнинг кузатишлари, фикр-мулоҳазалари, узоқ йиллик изланишлари натижалари баён этилган. Китобни ўқиб ҳар бир миллатдошимизнинг руҳида тилимиз тақдирига нисбатан кунюнчақлик, шуурида сергаклик ва жонсарақлик, қалбида эса номус уйғонишидан умидвормиз. Зеро, тил номуси миллат номусидир.

ISBN 978-9943-4119-3-7

© Аҳмад Аъзам «Тил номуси»

© «Akademnashr», 2013

БУЗУҚ ТИЛ ҲАВОСИ

Мен вақти-вақти билан луғат варақлашни хуш кўраман. Энг яхши кўрганим эллик тўққизинчи йили чиққан «Ўзбекча-русча луғат» эди, уни роман ё қисса ўқигандек берилиб ўқийман. Сўзлар оҳанрабодек ўзига тортади. Эллик йил олдин одамлар қанақа гаплашган, тилимизнинг аҳволи қандай бўлган, бугуни билан солиштирганда нима ўзгаришлари бор — луғатни ўқиб бу ҳақда анча тасаввур олиш мумкин. Тилимизнинг ярим аср илгариги манзараси бугунни ҳам ёритиб, нималар қилишимиз зарурлигини таъкидлаб туради. Мазкур луғатда қадимдан келаётган беқиёс гавҳарлар қаторида давр, мафкура тақозоси билан тўқилган шағал тошларигача акс этган. Унда баъзи сўзлар бор, маъно теранлиги, ифода товланишлари одамни ҳайратга солади, лекин бугунга келиб тасарруфдан чиқиб кетган, таржима-паржимада ишлатилиб қолмаса, қўлланилмайди; айрим ибора ё атамалар борки, тилимиз тийнатиға ёт, сунъий кўчирма, лекин кўп фойдаланилгани учун қулоққа қуйилиб, қўллаш одатга айланиб, авом тилидан, кейин луғатдан ҳам жой олиб қолган, энди чиқиб кетиши жуда қийин.

Шўро даврида тил ривожини турғунликда кечди, ҳа, ривожнинг ўзи ҳам турғун эди. Шу турғунликни даврнинг луғатида яққол кўрасиз. Бугун ўқиганда луғат ҳам мафкура қуролига айланганига таажужланасиз. «Миллион йиллар ўтганда ҳам, тошга йўнилган хатлар ўчганда ҳам, Ленин кишиларнинг кўнглидан ўчмайди» (Ўзбекча-русча луғат. 1959. 594-бет). Бир вақтлар мазкур гаплар ҳикматдек ўқилган, бугун эса унга ёш бола ҳам ишонмайди, тўғрироғи, билмайди. Сиёсат экан-да, нима дейсиз, «барқарорлик» сўзига мисол тарзида «совет сўмининг барқарорлиги» деб мисол келтирилган, бугун ғашингиз келади.

Ҳар ҳолда, оқар сувни тиндириб ичиш зарур бўлгани-

дек, луғатни ҳам мафкура лойқасини чўктириб ўқийсиз, унда замон қуйқаси бисёр. Шўро даври исқотига айланган бўлса-да, авом тилининг мағзи-мағзига сингиб, ҳали-ҳануз урфда бўлиб келаётган ёт сўз, сўз бирикмалари, атама, ибора ва тушунчалар сон-мингта. Тушунча деганим шуки, бир нарсга ёки ҳодисани, масалан, русча эшитсангиз, сиз ҳам уни русча ишлатсангиз, у ҳақдаги тушунча ҳам русча бўлади-да. Айниқса, муқобили бўлмаса. «Помидор» деб кўринг-да, ўйланг: қаёқдандир четдан келгани мудом эсингизда туради уни ҳатто «памилдори» десангиз ҳам ўзбекчалашмайди. Яссиомбирни «пласкагубси» («плоскогубцы») деб кетдик, асли, ўз тилимизда қанақалиги хаёлимизга ҳам келмайди, ўзбекча ўйлашга интилиб русча фикрлаймиз. Михни тишлаб суғурадигани Самарқанд томонларда «кампироғиз» дейилади, жуда топилган ўхшатма, иккинчидан, бу хил омбир вағони билан Московдан келтирилган бўлса-да, худди ўзимизнинг темирчилар ясагандек жаринглайди, лекин адабий тилда қўллашга чаккамиз тиришади: қишлоқи сўз-да. Қашқадарёда унинг «тишлоғич» истилоҳи бор, бу ҳам маълум ҳудудлардагина айтилади.

Ўтган аср ўрталаридаги луғатнинг тил манзараси бугунги кундаги муаммоларни, айтиш мумкинки, тил экологияси долзарблигини, яъни бепарволик, беписандлик, эътиборсизлик, кўп ҳолларда эса, саводсизлик туфайли гуфтуғў забонимизнинг бузилиши муаммоларини уқтириб туради. Мисоллар кўлами, табиийки, миллионлаб одам тасарруф этгани боис, жаниҳоятда кенг.

Бир ёзувчининг асарида тўғон «дамба» деб ёзилганини ўқидим; ҳаётда шундай, халқдан олинган, қаҳрамонлари шундай дейди, авом тилида ҳам, адабий тилда ҳам асли бу «дам» – сувни тўсиб, дамлайдиган жой, бу сўз рус тилига «дамба» бўлиб кўчиб, яна ўзимизга қайтиб келган, энди русча бўлиб. Яқин-яқингача Ғаллаоролдаги темир йўл бекати «Богарний» дейиларди. Болалигимдан биламан, одамлар ҳам бу бекатни «Богарний» деб келган. Тубини суриштирсангиз, бу сўз ҳам асли ўзимизники: «баҳориғи», «баҳорги», «баҳорикор»дан. «Богарные земли», «Богарные сорта» – Ғаллаоролнинг лалми-баҳорикор ерларидан ғалла олинади, расмий ёзишма, ҳукумат топшириқларининг русча бўлгани

бу толшириқларни тушунишни ҳам «зерновой совхоз» сингари руслаштириб юборган.

Тепадан тилни руслаштириш ҳақида буйруқ ё хос очик кўрсатма тушмаган, тилнинг бузилишлари аксарият ҳолда мафкура босимининг одамлар онгига таъсир ўтказиши билан боғлиқ. Бизга ҳозир бу ўз-ўзича шундай бўлгандек туюлади, авом нутқи.

Биздаги Жомбой (ҳозир шаҳарча) темир йўл ўтгандан бери аҳоли тилида «Разиз», болалигимизда «Жомбой» деган атама айтилмас (нарироқдаги бир манзил «Эски Жомбой» дейилар) эди, ҳу темир йўл битта қўш из вақтлари поездлар бир-бирига йўл берадиган бекат, уни, масалан, «Айирғич» ёки «Айирма» деса ҳам бўларди, лекин русча «Разъезд» деб аталган ва «Разиз» тарзида омма тилига сингиб кетган. Муस्ताқилликдан кейин Жомбой атамаси аслига қайтарилди, лекин «Разиз» авом тилидан буткул чиқиб кетганича йўқ.

Шу шаҳарчамиз ёнидан Катта ўзбек йўли ўтади, у билан қишлоқлардан чиққан йўл кесишган жой ҳам болалигимиздан бери жонли тилда «Пиркироска». Йўл ётқизилган пайти «Перекрёсток» деган кўрсаткич қўйилган бўлса, шундан қолган. Жами одам «Пиркироска» дер эди, яхши ҳам бу ерда бозор қурилди-да, жойнинг асл номи ўзига қайтди. Ҳозир «Шайман» ёки «Шайманбозор» «Пиркироска» билан муқобил айтилади.

Ҳа, дарвоқе, адабий тилдан фарқли равишда, жонли сўзлашув тилининг «авом тили» деган аниқ атамаси бор, «авом» бунда оми, жўн маъносини эмас, балки омма, кўплик маъносини беради. Жонли сўзлашув тилининг «қора тил», «ялпоқ (жалпоқ) тил» каби яна лўнда истилоҳлари мавжуд.

Тиллар аралашувининг жуда ғалати, гоҳида завқли ҳолатларига дуч келасиз. Қишлоқда кампирлар уддабурон, билгич одамни ёқтирмасалар: «Жуда хитир одам», — дейдилар. «Хитрый», «хитёр» сўзи ўрисчани мутлақо билмайдиган кампирларнинг тилига кириб, «айёр», «устомон» каби сўзларнинг ўрнида қўлланади. Мана ўзингиз қаранг: «Рўзғорда иканом бўлмаса, копейка», «Менга мушайт қилма», «Ҳа, катайса қилиб келдингми?», «Келинни падрушка қилиб юрибсанми?», «Шунақа палитка қилиб кетди-да» («экономия», «копейка», «мешать», «кататься», «политика» сўзларининг талаффузда турланиши)...

Шунақа истилоҳлар луғатга ҳам кириб, унинг изоҳи ҳам берилади, масалан, «катайса – катайса қилмоқ. Разг. кататься; паёк – паёк, бир ҳафталик паёк; пакет – қоғоз пакет, палатка – палатка; палатка қурмоқ, палён – полено, палитка – разг. политика, махинация...». Бу эса шундай айтганимиз тўғри деган тавсияга айланади.

Яна, масалан, «план» сўзи, ўзимизда «режа» деган муқобили бўлгани ҳолда, шўро даврида, шундай қилса маҳобатли чиқиб, тузумнинг қудратини урғулаб турармиди, айниқса, «етти йиллик план» (ҳозир унинг нималигини кўпчилик билмайди, билганлар эсламайди), ишқилиб, «план» тарзида тилимиздан ўрин олди. «Режа» ё «мўлжал» сўзларини қўллаш қолоқлик ё эскилик сарқити бўлиб қолди. Шу илдиздан «планбозлик», «планлаштириш», «планли», «плансиз», «плансизлик» каби сунъий истилоҳлар ясалиб ишлатиларверганидан улар ҳам луғатдан жой олган. Ҳозир режанинг асл истилоҳига қайтдик, лекин «план» тилимиздан буткул чиқиб кетганича йўқ.

«Банка» сўзи ўзга тилдан тайёр ҳолича олиб қўйилган, «банка», «шиша банка», вассалом! «Банка ёпмоқ», «Банка қўйиш». Бунақа истилоҳларни санайверсангиз, энса қотиб кетади – шу қадар кўп.

Даврнинг ўзгаришлари ҳам қизик, айрим сўзлар тилимизга кириб, ялпайиб ўрнашиб, томир отиб, кейин йўқолиб-йитиб ҳам кетади. Энди «батрак» деган сўз ишлатилади, у ҳам шу ҳолича таржимасиз «батрак», «батраклашмоқ», «батраклаштирилмоқ», «батраклаштирмоқ», «батраклик», «батрачком» тарзида луғатга киритилган, худди шундай айтилса, йўқсилнинг ўтмишда эзилиши урғуланиб, шўро ғоялари салмоғи кучайиб қоладигандек.

Тасарруфга бир пайтлар кириб, анча муддат ишлатилган бўлса керакки, «белат қилмоқ» («белить», «производить побелку»), «белатчи» («маляр», «белильщик») луғатдан шу ҳолича ўрин олган. Ҳолбуки, тилимизда «оҳаклаш», «оҳакчи», «оқлаш», «оқартиш» сингари ўз сўзларимиз бор. «Берилмоқ»қа мисол тарзида «Заказной хат ўз эгасининг қўлига берилади» жумласи келтирилган, чунки шу «заказной» авом тилига сингиб кетган, «тегишли» ёки «бўюртма» сўзлари қўлланмаган. Фақат «заказной» манзилга аниқ етиб борадигандек.

Муқобиллари бўлгани ҳолда, кўп сўзлар шу тарзда тасарруфда кўп қўллангани учун анча чуқур жой олиб қолган. «Белат» («билет»), «касса», «истанса» («станция»), «вокзал», «перон» («перрон»), «таварни» («товарный»), «пассажирски» («пассажирский») сингари. Баъзи сўзлар бўлади, бирон-бир ускуна ёки асбоб атамаси сифатида кириб келган ва шу нарса билан бирга чиқиб кетган. Шўро пайтида ҳамма ёқда шиорлар алвон бўлиб, «лозинка» («лозунг») деб айтилар эди. Мустақилликдан кейин алвон шиорлар билан бирга «лозунка» ҳам тилимиздан тушиб қолди. Бундан анча йиллар илгари жамоат нақлиётида (транспортида) чипта билан бирга «абонемент» кенг қўлланар, ҳар бир автобус ё трамвайда бу абонементни белгилаш учун икки ёки учтадан тешгич – «компостер» бўлар эди. Ҳозирги авлод иккаласини ҳам билмайди, бинобарин, ҳар икки сўз фаол тасарруфдан тушиб қолган. «Контролёр»нинг ҳам қисмати шундай кечди. Бекатларда қўлига қизил латта боғлаб, транспортдан тушган ҳар бир одамнинг чиптасини текшириб, «қуён»ларни тутадиган барваста хотинларни фақат катта ёшдагилар эслайди, демакки, «қуён» сўзининг чиптасиз юрган одамга нисбатан кўчма маънода ишлатилиши ҳам ҳозир ўтмиш хотирасига айланиб қоляпти.

Ғалати, жуда ажабланишли, «нақлиёт» ўзимизда ишлатилиб келгани ҳолда, «жамоат транспорти» деймиз. Транспортни «улов» демаймиз, уни фақат эшакка нисбатан ишлатамиз, гўё «улов» десак, филдираги тушиб қолиб, дум чиқарадигандек, ўзимиз қолақ андига айланадигандек.

Тил ўзгаришларини кузатган одам саргузашт асар ўқигандан кам завқ олмайди.

Шаҳар, қишлоқ, маҳаллаларда бундан атиги йигирма йил олдин жой номлари қандай бўлганини бир эсланг. Куни кечаги тарих. Юзлаб, минглаб Ленин, Ульянов, Луначарский, Фрунзе, Орджоникидзе... Яна ўзимизда маҳаллий миқёсдаги инқилобчиларимиз ҳам бор эди. Гулистон чўлларида шўро маршаллари нима йўқотган экан, ишқилиб, ҳар бири биттадан совхозни номи тагига босиб олган эди. Юрий Гагарин ҳам коинотга учиб қайтганидан кейин шўронинг бошқа минтақаларидаги каби, жумладан, Мирзачўлга ҳам муқим ўтириб қолган.

Шунақа истилоҳлар луғатга ҳам кириб, унинг изоҳи ҳам берилади, масалан, «катайса – катайса қилмоқ. Разг. кататься; паёк – паёк, бир ҳафталик паёк; пакет – қоғоз пакет, палатка – палатка; палатка қурмоқ, палён – полено, палитка – разг. политика, махинация...». Бу эса шундай айтганимиз тўғри деган тавсияга айланади.

Яна, масалан, «план» сўзи, ўзимизда «режа» деган муқобили бўлгани ҳолда, шўро даврида, шундай қилса маҳобатли чиқиб, тузумнинг қудратини урғулаб турармиди, айниқса, «етти йиллик план» (ҳозир унинг нималигини кўпчилик билмайди, билганлар эсламайди), ишқилиб, «план» тарзида тилимиздан ўрин олди. «Режа» ё «мўлжал» сўзларини қўллаш қолоқлик ё эскилик сарқити бўлиб қолди. Шу илдиздан «планбозлик», «планлаштириш», «планли», «плансиз», «плансизлик» каби сунъий истилоҳлар ясалиб ишлатиларганидан улар ҳам луғатдан жой олган. Ҳозир режанинг асл истилоҳига қайтдик, лекин «план» тилимиздан буткул чиқиб кетганича йўқ.

«Банка» сўзи ўзга тилдан тайёр ҳолича олиб қўйилган, «банка», «шиша банка», вассалом! «Банка ёпмоқ», «Банка қўйиш». Бунақа истилоҳларни санайверсангиз, энса қотиб кетади – шу қадар кўп.

Даврнинг ўзгаришлари ҳам қизиқ, айрим сўзлар тилимизга кириб, ялпайиб ўрнашиб, томир отиб, кейин йўқолиб-йитиб ҳам кетади. Энди «батрак» деган сўз ишлатилади, у ҳам шу ҳолича таржимасиз «батрак», «батраклашмоқ», «батраклаштирилмоқ», «батраклаштирмоқ», «батраклик», «батракком» тарзида луғатга киритилган, худди шундай айтилса, йўқсилнинг ўтмишда эзилиши урғуланиб, шўро ғоялари салмоғи кучайиб қоладигандек.

Тасарруфга бир пайтлар кириб, анча муддат ишлатилган бўлса керакки, «белат қилмоқ» («белить», «производить побелку»), «белатчи» («маляр», «белильщик») луғатдан шу ҳолича ўрин олган. Ҳолбуки, тилимизда «оҳаклаш», «оҳакчи», «оқлаш», «оқартиш» сингари ўз сўзларимиз бор. «Берилмоқ»қа мисол тарзида «Заказной хат ўз эгасининг қўлига берилади» жумласи келтирилган, чунки шу «заказной» авом тилига сингиб кетган, «тегишли» ёки «буюртма» сўзлари қўлланмаган. Фақат «заказной» манзилга аниқ етиб борадигандек.

Муқобиллари бўлгани ҳолда, кўп сўзлар шу тарзда тасарруфда кўп қўллангани учун анча чуқур жой олиб қолган. «Белат» («билет»), «касса», «истанса» («станция»), «вокзал», «перон» («перрон»), «таварни» («товарный»), «пассажирски» («пассажирский») сингари. Баъзи сўзлар бўлади, бирон-бир ускуна ёки асбоб атамаси сифатида кириб келган ва шу нарса билан бирга чиқиб кетган. Шўро пайтида ҳамма ёқда шиорлар алвон бўлиб, «лозинка» («лозунг») деб айтилар эди. Мустақилликдан кейин алвон шиорлар билан бирга «лозунка» ҳам тилимиздан тушиб қолди. Бундан анча йиллар илгари жамоат нақлиётида (транспортда) чипта билан бирга «абонемент» кенг қўлланар, ҳар бир автобус ё трамвайда бу абонементни белгилаш учун икки ёки учтадан тешгич – «компостер» бўлар эди. Ҳозирги авлод иккаласини ҳам билмайди, бинобарин, ҳар икки сўз фаол тасарруфдан тушиб қолган. «Контролёр»нинг ҳам қисмати шундай кечди. Бекатларда қўлига қизил латта боғлаб, транспортдан тушган ҳар бир одамнинг чиптасини текшириб, «қуён»ларни тутадиган барваста хотинларни фақат катта ёшдагилар эслайди, демакки, «қуён» сўзининг чиптасиз юрган одамга нисбатан кўчма маънода ишлатилиши ҳам ҳозир ўтмиш хотирасига айланиб қоляпти.

Ғалати, жуда ажабланишли, «нақлиёт» ўзимизда ишлатилиб келгани ҳолда, «жамоат транспорти» деймиз. Транспортни «улов» демаймиз, уни фақат эшакка нисбатан ишлатамиз, гўё «улов» десак, филдираги тушиб қолиб, дум чиқарадигандек, ўзимиз қолақ андига айланадигандек.

Тил ўзгаришларини кузатган одам саргузашт асар ўқигандан кам завқ олмайди.

Шаҳар, қишлоқ, маҳаллаларда бундан атиги йигирма йил олдин жой номлари қандай бўлганини бир эсланг. Куни кечаги тарих. Юзлаб, минглаб Ленин, Ульянов, Луначарский, Фрунзе, Орджоникидзе... Яна ўзимизда маҳаллий миқёсдаги инқилобчиларимиз ҳам бор эди. Гулистон чўлларида шўро маршаллари нима йўқотган экан, ишқилиб, ҳар бири биттадан совхозни номи тагига босиб олган эди. Юрий Гагарин ҳам коинотга учиб қайтганидан кейин шўронинг бошқа минтақаларидаги каби, жумладан, Мирзачўлга ҳам муқим ўтириб қолган.

Бизда офтоб чиқмайдими, нур сочмайдими, унда нимага юзлаб колхоз-совхозларимиз номи «Рассвет», «Заря», «Красная заря», «Заря Востока» бўлган? Майли, буларни қўяверинг, неча-неча асрлардан бери келаётган тарихий номларни ўзгартиришдан мантиқ нима? Уларнинг ўрнига хилма-хил «янги»лар, «обод»лар ясаб ташланаверган. Ҳеч ном топилмаса, «Янгиқишлоқ», «Янгиобод» деб қўя қолишган. Қўшни, масалан, Тожикистонни айтмайлик, мамлакатимизнинг ўзида нечта «Ленинобод», «Меҳнатобод» ё «Меҳнат-роҳат» атамаси бўлган экан? Топонимика билимдони Суюн Қораев буларнинг саноғини келтириб ҳайратга солган эди.

Баъзан эса сўз яшашда инсон ақлининг топқирлигидан эсингиз оғади: «Нурли қуёш» эмиш! Қаранг, худди қуёшнинг нурсизи ҳам бўладигандек. Бизни ёритиб турган ўзи битта қуёш-ку, осмонда кўринган бошқалари юлдуз, аҳли донолар нурлига аксини қайдан топган эканлар? Биз томонда бир қишлоқни ҳалигача Давлатли турмуш дейдилар. Майда колхозлар замонидан шу от қолиб кетган. Асли оти Тўтихолажон бўлган. Катта бир қишлоғимизнинг оти Пушкин, шу номдаги колхоздан қолган, асли атамаси Хитойбола дейишади.

Ҳозир эслаб одам ҳайрон қолади. «Социализм» атамаси энг кўп ишлатиладиган сўзлардан эди. «Социалистик мажбурият», «социалистик тузум», «социалистик лагер», «социалистик мамлакат». Булар тушунарли. Лекин «социалистик меҳнат»ни қандай тушунтиш мумкин? Бошқа тузумдагиларнинг меҳнати «капиталистик» ё «империалистик» бўладими? Кейин яна, ёдингиздами, пахтадан ё бошқа нарсадан ишлаб чиқариш давлат режаси бажарилса, ундан кейин «социалистик мажбурият»ни бажариш, э-э, ана шуниси шарафли бўлар эди. Уни «мажбурий» ёки «қўшимча» режа деб тўғри айтиб қўя қолса бўлмасдими? Йўқ эди, шекилли-да. Нейтрал тузумда яшайдиганларнинг меҳнати «нейтрал меҳнат» деб аталса ғалати чиқади-ку, а?

Ҳозир тушга ўхшайди: «вилоят», «мавзе» каби сўзларни қўллашдан эскилик ҳиди келар, Ўзбекистонимизни «мамлакат» деб аташ миллатчиликнинг ўзгинаси бўлар эди. Чунки мамлакат битта – боши-кети кўринмайдиган бепоён Совет Иттифоқи эди. Ҳозирги мустақил давлатнинг у пайтдаги

худудлари қоғозда бўлса-да «мамлакат» эмас, «республика», «юрт», «эл», «макон» эди. «Туман» жой, ҳудуд маъносида мутлақо ишлатилмас, фақат минг ёки об-ҳаво ҳодисаси маъносида қўлланарди. «Биринчи секретар»ни «биринчи котиб» дейиш қийин, чунки «котиб» унинг амалини пастлатиб, мафкурага зид миллий қилиб қўярди.

Шунақа, ҳар бир давр, замоннинг ўз сўзлари, сеvimли атамалари бўлади, шекилли. Ҳозирги ёшларга «дала маликаси» десангиз, ҳеч бирови билмайди, ҳолбуки, ўтган асрдаги Хрущев замонида маккажўхорининг «қанотли» атмаси шу эди. «Шонли беш йиллик»лар, «етти йиллик»лар ҳам ҳозирги ёшларга луғавий маъносидан бошқа тушунча бермайди. Булар «шонли» сўзи билан бирга ўткинчи бўлиб, тарихга чўкиб кетди.

Мактаб дарслигида Волга дарёси бўйида яшайдиган халқларнинг оғир аҳволи акс этган бир расм бўларди, «Бурлоқлар» деган. Шунинг нимага «солдов», «солдовчи» истилоҳи ўзимизда бўла туриб, русчаси («бурлаки») олинган, бадий асарлар таржимасида ҳам «бурлоқ» тарзида қўлланиб кетган — тайинли мантиқ топа олмайсиз. Тарих дарсликларида ўтмишдаги ишчилар «стачка» қиларди «стачком бошчилигида». Адабиёт дарсликларида Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби буюк шоирлар «феодал-клерикал» эди.

Яна «Разиз» масаласига қайтиб, шу аснода Жомбой тумани жонли топонимикасини мисол қиладиган бўлсак, уни тил ўзгаришлари (бузилиши) қомуси деб аташ мумкин. Мана, мен туғилган қишлоқнинг жуда қадимий бозоржойи бор, адашмасам, тумандаги икки бозорнинг бири эди. Бозоржойлиги туфайли унинг Фазира номи колхоз-совхоз бўлиб, номлар ўзгарса-да, буткул ўчиб кетмади, лекин гоҳ «Ленин йўли», гоҳ «Украина», гоҳ «Бозоров» тарзида мувозий қўлланаверди. Фазиранинг чор-атрофида Исталин, Пушкин, Мўлтип, Варашилоп, Каканович, Калелин, ундан кейин Абалин деган қишлоқлар ҳам бор эди. Карил Маркис, Энгелис, Камунизм, Охунбобойип, Маскава, Кироп, Пурунза, Партсез — буларнинг тўғриси эи ёзиш шарт эмасдир. Шу талаффуз билан аҳоли тилига сингган.

Туман харитаси устидан мисоли мафкура тўфони ҳамма

ёқни форат қилиб ўтганга ўхшайди. Ленин, Сталин, Каганович, Молотов, Ворошилов, Куйбишев, Фрунзе, Ульянов, Октябрь, Москва, Коммунизм, Ленин йўли, Партсъезд, Ленинград...

Ҳаммаси отам замонидан – бир вақтлардаги майда колхозлардан ёдгорлик, бу номлар расман ўчган, лекин авомда, хусусан, катта ёшлилар тилида сақланиб қолган.

Тўқсон тўққизинчи йили туман газетасида сайлов участкалари рўйхатида Сўхмон, Сариқипчоқ, Хитойбола, Митан, Қўлбости, Қозоқовул, Хўжа, Тегирмонбоши, Тепа, Туркман, Довчарариқ, Шерқўрғон, Оғажон, Ўрдабозор, Гўзай, Ногаҳон, Қўзигузар, Арча, Довчар, Қурми, Қангли, Қорахитой каби кўпини эшитиш тушимга ҳам кирмаган жой номларини ўқиб ҳайратда қолдим. Шунча атама шўро қазноқларида моғор босиб ётаверар, сайлов участкаларини номлаш пайтидагина офтоб юзини кўрар экан. Бу ҳам бахтли тасодиф ё бир корафта билимдон одам, балки, туман газетаси заҳматкаш муҳбири ё муҳаррири шундай коммунизму партъсездлар замонида йитмас матоҳ сифатида асл ҳолида рўйхатлаб қўйган, барака топсин!

Энди ўзбек тилига кириб қолган, бугунгача тасарруфда келаётган ёт атамаларнинг кўлами ҳаддан кенг: «истанца», «астановка», «участка», «плуг», «лемех», «атвал», «прицеп», «барана», «култивасса», «чизил», «варақачистител», «карчопка», «чиканка», «сварка», «монтёр», «монтаж» – шу бузуқ сўзларнинг ҳаммаси сўзлашув тилимизда бор.

«Ботинка», «туфли», «сапошка» деб кетдик. Ҳолбуки, «бошмоқ», «этик», «этикча» сўзлари ўз тилимизда бор. «Пайпоқ» ёки «жилоп» турганида «носки»нинг кенг ишлатилишига нима дейсиз?

Бошқа тилни мутлоқ билмайдиган кампирлар «бекат» ё «манзил» демайди, масалан, «Фалончи аптабус астанопкада симичка сотади», – дейди («семичка»ни «кунгабоқар» ё «писта» деб айтишмайди).

Бизга чой шимол халқларига нисбатан илгарироқ кириб келган, лекин унга тааллуқли айрим сўзлар кейин ислоҳга кириб, жонли сўзлашувдан ҳам жой эгаллаган. Мен болалигимда бир сўзни эшитиб ҳайрон бўлардим: кампирлар нева-

расига: «Магазиндан бир ашмишкагина чой ҳам олиб кел», – деб тайинлар эди. «Ашмишка» нима экан? Кўп ўқисам ҳам китобларда учратмаганман бу сўзни. Ўзбекчага ҳам, русчага ҳам ўхшамасди. Кейин билсам, бу «осьмушка» – «восьмушка», ярим ёки нимчорақ, саккиздан бирнинг бузилгани экан. Эсингиздами, яқинларгача Самарқанд чой фабрикасида чой шунақа ярим қадоқли, бир қадоқли қоғоз ўрамларда чиқари-ларди. Шунинг кичкинаси «ашмишка» экан. Энди қаранг тил ўзгаришларини: «дамлам» ёки «қуруқ чой» муқобили бўлгани ҳолда, «заварка», «обжўш», «қайнатма» бўлгани ҳолда, «кипиток» ҳам кенг қўлланади. Турли миллатлар орасидаги яқин муносабатлар уларнинг тиллари ўртасида кучли айир-бошлашга олиб келади. Бу ҳол тарихда туркий-араб, туркий-форсий йўналишда жуда кенг тус олган. Кейинги икки асрда ўзбек тили билан рус тили ўртасидаги муносабатларни ана шу сирага киритиш мумкин. Муқаддам уч юз йиллик тарих рус тилига ҳам таъсир ўтказди. Масалан, йирик рус турколог олими Н.А.Баскаков «Русские фамилии тюркского происхождения» (М.: Наука, 1979) китобида шундай фамилиялардан уч юзини кўрсатиб, уларнинг келиб чиқишини оилавий шажара ва герблар мисолида тарихий-филологик нуқтаи назардан таҳлил этади. Бу туркий тил босқини эмас, Россия босиб олган ўлкалардан оқ подшо хизматига ўтиб, дворянлик, князлик мартабалари, мулк, унвон ва бошқа амаллар билан тақдирланган туркий халқларнинг авлоди, туркий фамилияларнинг рус тилига кириши табиий ҳол эди. Умуман, туркий истилоҳларнинг рус тилига ўтиши халқларнинг кенг бир ҳудуддаги сиёсий, иқтисодий ва маданий бори-келдилари натижаси деб қаралади.

Бизда ҳозир бошқача ҳол кузатилади. Таълим тизимидаги ўзгаришлар, адабий тилни қувватлаб турадиган адабий жараённинг сустлашгани, ҳақиқий бадий асарлар кам яратилгани ёки санъат ўз вазифаси қолиб тўй-ҳашамларда яллачилик, базмгарлик билан чекланиб қолиши оқибатида умумтил ҳам вазминчиликка учради, санъатнинг тили олди-қочди ўлдим-кўйдимга айланди ва алал-оқибат чет таъсирларга нисбатан мўртлашиб қолди.

Ўзга тилнинг сурункали, узлуксиз таъсири тилнинг аслига ўзгалашишига олиб келади, тил ичдан емирила бошлайди ва

бунга, такрор айтаман, ўзимиз сабабчимиз, тилни асрашни, уни чет босқинлардан ҳимоялашни ўйламаслигимиз оқибатлари анча йиллардан бери одатга айланди.

Шукрки, тил жараёни бир ёқлама эмас, авом тили ўзини ўзи тозалаб боради, лекин ўзимиз била туриб ифлослантиравсак, бу тозалашдан умид қилмаса ҳам бўлади.

Социалистик тузум, компартиянинг яккахоқим мафкураси йитиб, тилимизга мустаҳкам кириб қолган «обком», «партком», «виговор», «народний контрол», «обихис», «проверка», «следовател», «исполнител» деган сўзлар келган жойига равона бўлаётир, қайтиб чиқиб кетаётир. Ҳозирга келиб, масалан, «социал хавфли унсур» – «социально опасный элемент», «буржуазия малайи» – «приспешник буржуазии» каби ҳукмдек айтиладиган иборалар ишлатилмайди.

Тил ҳам мудом ўсадиган дарахт, уни парваришлаш керак, қарамасангиз, қийшиқ ўсади, ғовлаб кетади, бачки новдалари кўпаяди. У ҳам саришталик сўрайдиган рўзғор, покиза қилиб турмасангиз, ивирсиқ босади, ислиқиб, патарот топиши бор гап.

Шунчаки бир мисол: «бешқокил» нима десангиз, камдан-кам одам билса керак, чунки қизларнинг сочини бунақа ўриш фақат луғатда қолган. Сўз бойликларидан ишлатилмагани учун йитиб кетаётгани қанча!

Луғат, табиийки, сўзлашув жараёнида тасарруф этилаётган сўзларни акс эттиради. Масалан, ўзбекча-русча луғатлар тил ўрганувчиларга мўлжалланади, биз қандай гапирсак, тилимизда қандай сўзларни қўлласак, рус тили орқали ўзбек тилини ўрганмоқчи бўлган одам буларнинг ҳаммасини шундай ўзлаштиради.

Албатта, жиддий олимларимиз, тилшуносларга рекламдан мисол келтирсангиз, шундан бошқа гап йўқми деган маънода энсасини қотиради, лекин реклама шунақа сурбет нарсаси, ҳар куни ўнларча марта такрорланади, томошабин миясига михланаверади. Яъни тасарруфга кираверади. Қулоқ нотўғри иборага ўргангандан кейин, тўғри сўз талаффузи қолоқлик бўлиб тўюлади. Тилчиларимиз кейин бунга тил ҳодисаси сифатида қарайдилар (шевада гапиришни бир олим шунақа оқим пайдо бўлди деди).

Ўнлаб мисол келтириш мумкин. Чиқиб кетган, тушиб

қолаётган сўзлар ўрнига янги-янги бегона атамалар кириб, тилимизнинг ифлосланиш жараёни тўхтамаётир.

Ўзимиз ҳар куни тасарруф қиладиган таниш сўзларнинг талай нотаниш маъноларини топиб ҳайратга тушаман. Кундалик тасарруфда жуда кўп сўзларни ишлатамиз, кўпинча унинг келиб чиқишига эътибор бермаймиз. Мана, битта «кўз» истилоҳини олайлик, қанчалар кўп маъно ва маъно товланишлари бор.

Илгари ижодкорлар, шоирми, ёзувчими, бахшими, тилни халқдан, халқ орасида юриб ўрганган, бошқа қаёққа ҳам борсин эди? Бу гап илгари «улар ҳаводан нафас олган» деганга ўхшайди. Ҳозир эса тил, хусусан, радио, айниқса, телевидение босими остида. Телевидениенинг тил ҳавоси эса жуда бузуқ. Йўқ, бугунга келиб тилга эътиборнинг сусайгани ё, ҳозир кўп айтиладиганидек, фақат шевачилиқдан билиқсиб кетаётганида эмас, ўзи телевидениенинг характери шундай – ундаги тил – иссиқхона тили, қурилган, тозаланган, қайчиланган, қаноти, панжаси қирқилиб, ниҳоят, қуш қилинган, хуллас, сунъий тил. Тил жозибаси телевидениеда йўқ. Лекин бошқа ўргатувчи ҳам йўқ: китобларнинг тиражи паст, расмий матбуот нашрлари адади жуда кам, каттароқ тиражда чиқаётган хусусий газеталарнинг ўзига тил маданияти етиб бормаган. Туман мухбирлар лашкари «мулла билганини ўқийди» қабилида оғзига келганини гапириб, ёзиб ётибдилар. Ҳай, инсоф борми, сизлар ҳам бир нарсани ўқиганмисизлар деб сўрайдиган одам йўқ. Ясама сўзлар, ғализ иборалар ғиж-ғиж, уларни битталаб санаб чиқишга умр етмайди. Кўча чет атамалар, «Мен уни хоҳлайман» (кока-кола ҳақида) каби саводсиз рекламалар билан лиқ тўла. Баъзан энди фойдаси йўқмикан, шундай кетаверадими деб кўнглинг чўқади. Кенг тарқалган нодонлик жорий донолик бўлиб қоляпти.

Бу жараён ҳозир ҳам давом этаётир, нафақат давомда, балки ўсишда пастлаб кетяпти.

Ҳали гаплашамиз бу мавзуда. Гаплашганимизнинг фойдаси йўқдир энди, лекин бир фикр олишайлик, зора...

ТИЛДА МАЧЧОЙИ САЙИЛ

Тил – шунчаки гапириш ёки ёзиш эмас, тил – одамнинг тийнати, дил ойнаси, маданияти, одам олган жами тарбиянинг ҳосиласи. Атайлаб шевада ёзиб (фарқи йўқ, кинофильмда актёрларни гапиртирамизми ёки телевизорда ўзимиз маҳаллий ватанпарварлик қиламизми) маънавий чекланганимизни, маънан қашшоқлигимизни кўз-кўз этамиз. Ўйламайликки, шу билан тилимга табиийлик бераман, ҳам-маҳаллаларимизга яқинроқ бўламан деб. Аксинча. Адабий тилни бўзишга жиноий модда қўйилмаган, чунки бунга жазо миллатнинг жавобгар аъзоси сифатида ҳар бир одамнинг ўзи билан.

Ҳозирги адабий тилимиз не-не асрлар давомида қанча минглаб ижодкорларнинг тинимсиз меҳнати ҳосиласи эканини бир ўйлаб кўрайлик. Тил тарихини гапирганда Ўрхун-Энасой ёдгорликларидан бошлаймиз, «будун», «улус», «қоон», «очун»ни ҳали ҳам билишимиздан фахр қиламиз. «Девону луғатит турк»ни яратиб бергани учун Маҳмуд Кошғарийни тил пиридек хотирлаймиз. «Қутадғу билиг» яратилганми, бинобарин, унга замин – тил ва уни китобга муҳрлаб асраш зарурати бўлган. Агар тилни қўриқлаш, унинг обрўсини жойига қўйиш, янги мартабаларга кўтариш эҳтиёжи бўлмаганда, вазири аъзамликнинг мингта, шеърятнинг юз мингта ишидан вақт ажратиб, форсу арабий тилларни сув қилиб ичган ҳазрат Навоий бобомиз туркий тил шаън-шавкати борасида «Муҳокамат ул-луғатайн»ни ёзмаган бўлур эдилар. Керак экан, она тилини қўриқлаш, босқинлардан ҳимоялаш ва ўстириш учун фидойиликлар қилинган.

Бугунги кунда биз нима қиляпмиз? Мустақиллик дедик, тилимизни мустақил давлат тили қилиш учун курашдик, шу мақомга кўтариб олдик ва... энди ўзимизники, нима қилсак ихтиёримиз деб уни ҳам ўз ихтиёрига ташлаб қўйдик. Эркин-

лик бўлди деб тилимизнинг минг йиллардан бери шаклланган қоида-қонунларидан ҳам ўзимизни эркин қилиб олдик. Тил ҳаракати қоидаларини писанд ҳам этмаяпмиз.

Бизни – тарқоқ қавмларнинг бошини бирлаштириб бир бутун туркий миллат қилган, маънавий тийнатишимизни яратиб қўйган тилимизга буткул беоқибат бўлиб қолдик. Демократия замони деб уни ўгайлаб ва ҳатто ўз ҳолига ҳам эмас, ўзга тиллар қўлига ташлаб қўйганмиз. Чет тиллар эса – мулоҳим босқинчи. Халқи нечоғлик яхши, халқларимиз орасидаги муносабат нечоғлик самимий бўлмасин, дарвоза очиқ тургандан кейин, сўрамай остона ҳатлаб тўрдан жой олаверади, ҳозирларни ўтирган ўрнидан суриб чиқараверади. Дарвозани эса ўйлаб-ўйламай ўзимиз очиқ қолдирганмиз.

Тил экологияси табиат экологиясига ўхшайди. Майнанинг мамлакатимиз қушлари тўпига қандай ғорат солгани ва солаётганини биласиз: қорамолда бўладиган бўка (сўна, ўқалоқ, қаталоқ) қуртини чўқилаб териб ер экан деб олиб келинган бу очофат емиши қолиб бошқа паррандаларнинг, катталарининг тухуми, майдаларининг палапонигача қиришга тушди, илгари шаҳар-қишлоқларда чуғурлаб турадиган сайрон қушларимизнинг бир-да ярими овлоқ чет-чопларда жон сақлаб қолганини айтмасак, уларни мутлақ кўрмай кетдик. Майна – ўз маконида ўз ўрнида бўлган, лекин кушандаси йўқ юртимизга келиб қушлар дунёси, набототдаги экология мувозанатига раҳна солди. Дарвоқе, табиатнинг бу фожиаси бизга фожиа ҳам туюлмайдиган, ҳамма ёқни қора қарға босиб, фақат мусича билан чумчуқ бечора қолганига ҳам бепарвомиз. Ҳе, майда гаплар бу деб қараймиз.

Тилимизни ўзимиз секин-аста, аммо тубдан бузиб бораётганимизга яна бир ўхшатма мисол: шаҳримизга, шаҳарларимизга бир разм солинг, қанчалар ўзгариб кетди, кўчалар, истироҳат боғлари, хиёбонларда ўзимизнинг толу теракларни кўрмайсиз, тўкилиб, «антисанитария ҳолатини юзага келтиради» деб мевали оғочларни жамоат жойларига экмаймиз, улар фақат одамларнинг боғларига қамалган: олмazor, ўрикзор маҳаллалар бармоқ билан санарли қолган. Ҳамма ёқни Оврупо дарахтлари эгаллаган. Майли, кўрк, манзара учун ўстирилади бегона оғочларнинг ўзида айб йўқ, уруғи учиб келмаган, баъзиларини олиб кела-

миз, аксарини кўчатдан кўпайтирамиз. Бунинг ўзимиз қиламиз ва, албатта, кераклиги учун. Шаҳарга, унинг кўчаю хиёбонларига замонавий кўрк бериш керак-ку. Лекин меҳмон оғочлар мезбон оғочларни ўз маконидан сиқиб чиқараётганлиги бор гап.

Майли, бунинг ваҳима жойи йўқдир (балки, зарари жуда каттадир – табиатшўнослар билади), тилимиздаги бунақа ўзгариш, тўб сўзларимиз бўла туриб, уларнинг ўрнига чет атамаларни истеймолга киритиб олганимиз – маънавий фожиа, фикрли ҳар бир одам, афкор омма кеч бўлса-да ўйлаб кўрадиган йўқотишлар.

Ҳа, бир мисол қўлиб кетмасин: акацияни биласиз-а, луғатда ўзбекча истилоҳи йўқ, «акас» деб русчадан ўзбекча талаффузга мослаб олинган, холос: қайси ўлкадан керак деб келтирилган бўлса, лекин жуда беор дарахт, одамга эргашиб қишлоқларгача кириб борган (эргашиб деганим, кўчати одамлар олиб борган-да), томорқаларгача босган. Кесиш жуда қийин, болта ўтмайди, ёғочи буронғи-биланг, фақат томга болорга ярайди, кессангиз, баттар бўлади – томиридан болалаб кетади.

Ўзга атамалар босқини ҳам шундай: мулоқот майдонини эгаллаб оляпти, болалаб кетяпти, ўз сўзларимиз, атамаларимиз, истилоҳларимизни ҳақсиз қулоқ каби ҳайдаб чиқаряпти ва бу жараён неча-неча йиллардан авжга миниб келяпти.

Тил ҳақида гапиргандан кейин мисолни майдадан – сўзлардан оламиз-да. Лекин бу майдагаплик эмас, туби жуда кенг, чуқур муаммо.

Яна дарахтлар мисолида айтсак, «дуб», «сосна», «липа» деймиз, худди ўзимизнинг «эман», «қарағай», «жўка» истилоҳларимизга куйдирги чиққандек. Бу ҳам майли, эътиборсизлик ё қулайи кўзланади дейлик, лекин бизга тил ўргатиши лозим бўлган «Русча-ўзбекча луғат»да (1983) «дуб»ни «дуб», «дубравник»ни «дубзор», «дубрава»ни «дубзор ўрмон» деб биринчи қўйиб («эман», «эманзор», «эманзор ўрмон», ҳа, арзимади дегандек, муқобил сифатида охирга қўйилган), «дубравный» фақат «дубзор ўрмонга оид» деб ўғирилган. «Липа», маъқул, «жўка» таржимаси ёзилган, лекин русча айтиш эсдан чиқиб қолмасин тагин деб, қавсда

киритиб қўйилган: «липа – жўка (липа) дарахти». Шу луғатнинг бир жойида «эман»га муқобил қистирилган «болут» истилоҳини эса тамоман унутиб юборганмиз.

«Берёза тахта» деймиз, гўё «қайин»ни билмайдигандек, «қайин тахта» демаймиз, гўё Россия тахтани атамасисиз бермайди. «Липовий мёд» ҳам шундай, ўрисча оти билан айтмасак, гўё тоти ўша ёқда қолиб кетади, бирга келмайди.

Яна табиатдан мисол: ким ё кимлардир Оврупога, жумладан, Буюк Британияга Америкадан кулранг олмахон келтирган, балки уйида эрмакка қафасда сақлаш учундир, бу ёқимтой жонивор эркинликка чиқиб, урчиб, ҳозир ўрмону хиёбонларни истило қилган ва Оврупонинг ўз малла олмахонини бешафқат ҳайдаб чиқариб, маконини ўзиники қилиб олган. Энди кулрангини камайтириб, малласини тиклаш катта бошоғриқ.

Яна шундай бир мисол: 1859 йили Австралияда уйда боқишга олиб борилган қуёндан 24 донаси эркинликка қўйиб юборилган, ов учун, 1865 йилга келиб бу ёқимтой жонивор миллионга етган ва унинг табиатга, деҳқончиликка етказётган зарарини чеклаш бугун ҳам муаммо.

Четдан кириб келган атамалар «акас» каби беор, иланг-биланг, болта ўтмайди ва қайишқоқ, тилимизга, хусусан, авом тилига бир киргандан кейин, ўзи қуримаса, чиқариб бўлмайди. Кулранг олмахон каби муҳитга мослашиб, маҳаллийларининг жойини тортиб олади. Қуён каби урчиб кетади.

Бозордаги балиқ растасига киринг, «сом», «сазан», «толстолоб», «карас», «шука», «беламур» деб «импорт» ном билан сотилади. Ҳолбуки, балиқ ўзимизнинг кўлу дарёларимиздан тутилган, балиқфурушлар ҳам ўзбек. Ҳеч ким «лаққа», «зоғора балиқ» ёки «тангабалиқ», «дўнгбош», «товонбалиқ», «чўртанбалиқ», «оқ амур» демайди, шундай деса, гўё харидор э-э, ўзимизники экан-ку деб бурнини жийиради. Майли, оддий балиқфурушлар луғат титкилаб юрадими, лекин телевидениеда ҳам шундай. Мисол: яқинда ов ҳақида бир яхши кўрсатув берилди, ҳали бу туркум бўлиб қолса керак, тили ҳам ёмон эмас, лекин балиқчи йигит бошидан-охиригача «сазан» деб гапирди, «бу балиқ сазан...» деб қармоққа илинганини кўрсатиб, «сазан»лаб таърифини

келтираверди. Балки, ўзимизда ўзбекча номи («зоғорабалиқ», «тангабалиқ») ҳам бордир деган ўй ҳеч кимнинг хаёлига келгани йўқ. Балиқ овига тааллуқли бошқа чет атамаларни айтмайман, эвида-да энди деб ўзингизнинг ҳам ғашингиз келади.

Бунақа тил бузилишлари кундалик ҳол бўлиб қолди, қулоғимиз ўрганди, ўзимиз индамай кўникдик. Масалан, шу «сазан»га ўхшаган атамалар ҳам авом тилида томир ёзиб, маҳаллийлашиб олган.

Ўзингиз тилингизда қанча чет сўз борлигини бир чамалаб кўринг, бошингиз айланиб кетмаса, мен тан. Чет атамаларни истифода қилсак жуда маданиятли кўринамиз, шекилли-да. Аслида, она тилига бунақа муносабатнинг ўзи катта маданиятсизлик!

Кўриб-билиб туриб шу аҳволни ўзимиз юзага келтирамиз, четдан ўзимиз олиб кирган истилоҳлар ўзимиздаги сўз-атамаларни сиқиб чиқаради, ўрнини мўр-малахдек босади.

Чақалоғи, жўжуқ гўдаклари бор ҳамма оналар «памперс» дейди, йигирма йил ичида шу истилоҳ тилимизга сингиб кетди. Асл номи ўзимизда «кўллик» («кўлламоқ»дан олинган, талаффузда беўхшов «кўтлик» бўлиб кетган), уни ҳамиша истифода қилганимиз – «таглик» десак ҳам бўлади, лекин «памперс» демасак қолоқ бўлиб қоламиз. Яна ҳазил мисол: «кака» деганимиз айна тили ҳали чиқиб-чиқмаган болаларнинг айтишидан олинган, ширинлик маъносидagi сўз эди, ҳозир бу сўз барча оналар тилида нима омонимга алмашиб қолди? Айтишга унча тил бормайди. Замон билан бирга одимлаш керак-да! Ҳолбуки, она тилимизнинг замони аслиги, аслидай тозалигида. «Нишаста» сўзи таомилдан буткул чиқиб кетди, ўз сўзимизни тилимизга энди мажбурлаб ҳам қайтариш мушкул, гўё тепадан ҳаммамизга буйруқ тушган: «нишаста» қатағон, фақат «крахмал» дейилсин деган.

Ҳаммамиз «простина» деб кетдик, ҳеч биримиз «хушки» демаймиз, форс-тожикча бўлса ҳам «ҳобгоҳ»имиз бор, лекин уни «спални» деймиз, «спални»даги «спални мебель»да ётмасак, уйқумиз бузилади. Одат қилдик шундай гапиришни!

«Малина» деймиз, «хўжағат» десангиз ҳеч ким тушунмайди. «Курка», «индук» деймиз, Самарқанд томонларда

«ғулғултовуқ», «ғулғул» учрайди; Қашқақдарё, Зомин шева-
ларида, қорақалпоқ тилида «туятовуқ» деб ҳам айтилади,
аммо асл номи – «улар», «Туркистон улари»ни «индюк» бут-
кул хотирамиздан ўчириб юборган. Туятовуқ билан ўрдак-
нинг чатишмаси – «индоутка» деган парранда бор, шунинг
ўрисча истилоҳидан бошқа миллий атамани билмаймиз.

Ҳозир жуда кўп одамда шахсий машина бор. Бир ўйлаб
кўринг, шу машинангизнинг «ойна»дан бошқа нечта ўзви,
эҳтиёт қисмини ўзбекча айтасиз: «рул», «педал», «муфта»,
«коробка», «багажник», «тормозной жидкость», «зажигал-
ка», «пепелница», «сиденья», «капот», «лобовой»... «Карбю-
ратор», «аккумулятор», «динамик» каби атамаларга майли
дейлик, байналмилал истилоҳлар, лекин қизиқ, «тўхтатдим»
демаймиз, «тормоз қилдим» деймиз, «ёнилғи қўйдим» эмас,
«заправка қилдим», «ўт олдирдим» ёки «қўшдим» эмас,
«завадит қилдим», «таъмирлатдим» эмас, «ремонт қилдир-
дим», «ўзиб ўтдим» эмас, «обгон қилдим», «орқага олдим»
эмас, «назад қилдим»... Ақалли эшик «ручка»сини «дастак»
десак нима қилади? Э-э, ўрганиб қолган тил бузишларимиз-
нинг санаб адоғига етиб бўлмайди.

Тилимизда қадимдан келаётган атамалар сон-мингта.
Ҳатто Африкада, Лотин Америкаси тоғ-чўллари флора, фа-
унасидаги ўсимлик, дарахт, жонзоту ҳашаротларнинг ном-
ларигача бор. Лекин кўп китобу мақола, фильму кўрсатув-
ларни рус тилидан ўгирганимиз боис, луғат варақлашга ё
ўз сўзлашув тилимизга қулоқ солишга эриниб ёхуд оддий-
гина саводсизлигимиз туфайли ўша чет тилдан тайёрини
олиб қўя қоламиз. Телевидение кўрсатувлари, ҳужжатли
фильмлар, мақолаларда сон-минг марта «кактус» атамаси-
га дуч келаман, лоақал бир марта бўлса ҳам «қуманжир»ни
эшитмаганман. Ҳолбуки, бу атама қадим замонлардаёқ ўша
ёқларга бориб, ўша тиканли кактусларнинг мевасигача кўр-
ган ота-боболаримиздан қолган.

Масалан, «тропик» «мадор» дейилган, «мадор ўрмони»,
«мадор ўлкалар», энди адабий тилга мажбуран киритилмаса
(балки, керак ҳам эмасдир), авом тилига бу истилоҳ қайтмай-
ди, «тропик»ни шу қадар сингдириб юбордик. Худди шундай
атамалардан «Баҳри Мухит Кабири» (Тинч океани), «Баҳри
Мухит Отлоси» (Атлантика океани), «Баҳри Мухит Ҳинди».

(Ҳинд океани), «Баҳри Ҳазар» (Каспий денгизи), «Шом» (Сурия) – эллик тўққизинчи йилги луғатда ҳамма сўзлари бош ҳарфда берилган шу атамалар ҳам истеъмолдан чиқиб кетган (лекин «шом» бир оз бошқа маънода айтилиб туради, «Баҳри муҳит» унда-бунда учрайди). «Лубнон», «Мажористон», «Булфористон»ни «Ливан», «Венгрия», «Болгария» деб кетдик. Эндига келиб «Ҳабашистон», «Қуддус», «Олмония» каби талай жуғрофий атамаларни русча истилоҳини қўллаш урфга айланди. Яна ўша луғатда «Монголия» деб берилган, «Мўғулистон» эса «тарихий», эскирган атама деб четга суриб қўйилган. Мана, ҳозир ўзимиз ҳам сўзлашувда «Монголия», «монголлар» деб кетяпмиз.

Ноилож, дунёнинг равиши шундай экан, кўникамиз. Кўникмаслик керак. Атамаларни эски луғат ва бошқа адабий манбаларга қараб тикласа ёки янгидан қилса бўлади. Масалан, «ўқувчи», «ўқитувчи», «олув», «қўшув», «ишчи» каби ўнлаб сўзлар ясалган, истеъмолдан ўрин олган. Лекин «ўзикайнар», «ўтомоч», «ўзиучар», «ўтарава» каби сўзлар ясалганда эскилик сарқити деб масхара қилинган. Хўш, «пулемёт»ни «ўқсочар» десак нимаси ёмон? «Пулёмёт» атамаси ҳам шу қурол кашф этилиши билан ясалган сўз-ку. «Ўзикайнар»нинг «самовар»дан нима ками бор? Ўчириб ташланмаганда аллақачон тилимизга сингиб кетган бўлур эди.

Тилчи мутахассисларимиз бу ишларни яна ўз қўлларига олишлари лозим.

Э-э, бунга қарангки, минг йил бадалида борди-келдиларда ота-боболаримиз кўрган-билган бепоён араб саҳро-си «Саҳрои кабир» (катта, улкан саҳро), энди уни шоввоз таржимонларимиз «Саҳара» деб ағдараверадилар. Қумтепалари кўп кўрингани учунми, «Саҳара саҳролари» деганларига беш кетасиз! Ўрисча «Саҳара»-да. Йўқ, беш кетманг, бу шунчаки «пустыня Саҳара»нинг янтоққа судраб таржима қилиниши.

Африканинг Ҳабашистонида чўл, сувсиз яйдоқ биёбонларида кўпроқ чўл каламуши, суғурми, юмронқозиққамаи ўхшаган жониворни тутиб кун кўрадиган дўлта бўри (баъзи шеваларда каттаси ҳам «дўлта» дейилади) бор, бир кўрса-тувда шу «Эфиопия шоқоли» деб таржима қилиняпти. Нимага «Эфиопия»? Ахир, ўзбек тилида мамлакат номи неча аср-

лардан бери «Ҳабашистон», кейин нимага «шоқол», ахир, бу аниқ-равшан кўриниб турган чўл бўриси, сал чоғроқ, лекин асло шоқол эмас. Ҳа, шундай экан, таржимада ҳар мақомга йўрғалайвермай, «ҳабаш бўриси» деса олам гулистон-ку. Барибир уни халқ «ҳабашбўри» деб ихчамлаб олади. Кейин, шу ўринда бир мулоҳаза: нимага луғатларга «шоқол» бўлиб кирган, ҳамма ерда талаффуз қилинишига қараб «шоғол» эмас? Гапирганда «шоғол» деймиз-ку. Ё биздан ўрисчага «шакал» бўлиб борганидан қайта таржимада шундай бўлиб қолганми экан? Билмадим, валлоҳи аълам, адашаётган бўлишим ҳеч гап эмас.

Таржимонлар ўқимайди, луғат варақлашга эринади, бировдан сўрашга эса бўйин ёр бермайди. Русча матнда нима дейилаётганини тусмол англаб, бизнинг томошабинга бўлаверади деб босиб кетаверади. Бир куни ҳужжатли фильмда қулоғи катта, ола-була, ҳалиги овини галалашиб «амалга оширадиган» туби ёввойи ит дарранда ҳам «шоқол» деб таърифланыпти. Шоқол тамомила бошқа йиртқич, бизда чиябўри ҳам, Америкада койот, лекин кўрсатганлари «гиено-подобная собака», яъни сиртлон, ит сиртлон, асло «шоқол» эмас. Секретариат деган пойгачи от ҳақидаги фильм таржимасида отга қўйилган лақабни «Малла» деб таржима қилдилар. Фильмда ҳеч қанақа малла эмас, балки жийрон, яна ҳам аниқроғи, жийрон қашқани кўриб турасиз. Руслар уни «рижый» дейди, тўғри, «рижый» таржимаси «сариқ», «малла», аммо бизда от «малла» дейилмайди, отнинг ҳар бир тусининг ўз номи бор: «саман», «тўриқ», «жийрон тўриқ», «қашқа тўриқ», «тўриқ саман», «бўз», «чавкар»... Ўзимиз минган тўриғимизга экранда: «Олға, Малла! Бўш келма, Малла!» деб бақариб турсак, ҳеч бир қуюшқонга сифмас бу! Шундоқ луғатни очиб кўрса, аниқ-таниқ ёзиб қўйилган истилоҳ-а! «Кечадан бери овқат емаяпти.... Бугун ҳамма овқатни еди!» – дейди фильм қаҳрамони. Фильмда эса отнинг олдида бир челақ сули қўйилгани кўрсатилади. Барака топгурлар, отнинг овқати эмас, емиши бўлади, овқатни эмас, емини қолдирмай еган бўлади-да, ахир! Нимага тилимизни бузамиз?

Мисоллардан бош айланиб кетади, лекин айтмаса, мавҳум гап бўлиб қолади. «Гепард» югурик, ёқимтой йиртқич,

унинг оҳуларни қувиб етишини мароқ билан томоша қиламиз. Мушуксимонлар оиласидан келсак, арслон пусиб келиб панадан даф қилади, ўлжасини тутган ерида ейди, сиртлон галалашиб ташланса, у шунча зўрлиги билан ҳам емтигини ташлаб қочади. Қоплон ҳам ўт-ўланга биқиниб келади, хол-хол териси билан хас-хашак орасида унча билинмайди ҳам, ўлжани тутиши билан зудликда бирон дарахт устига тортиб чиқариб олади, ўша ерда – бамайлихотир, у ёққа тайёрга айёр сиртлон чиқа олмайди, шер тармашади, лекин қоплон турган тепагача етолмайди. Гепард ҳам шунақа катта мушук, лекин сипта, ингичка-узул, ниҳоятда чопқир жонзот. Югуриши соатига тўқсон-юз, ҳатто бир юзу йигирма километргача боради. Табиийки, овини қувлаб тутади, ўлжани қоплонга ўхшаб дарахтга олиб чиқишга кучи етмайди, шер, қоплон, сиртлон ҳидини олиб етиб келгунича, тутган ерининг ўзидаёқ саранжомлашга тушади. Сиртлонни биласиз («гиена» нимагадир луғатда «сиртлон», «ёлдор бўри» деб икки хил ўгирилган, «гиена» бўри эмас, тўғри, унинг ёлдор турдоши ҳам бор, уни ҳам «ёлдор сиртлон» дейиш тўғрироқ, «ёлдор бўри» бўрининг «арлон»и, яъни эркаги), гепардга бағишланган бир фильм таржимасини кўриб ўтириб анграйиб қолдим: бемалол, шунча одам кўриши, бинобарин, билишига бефарқ, «гепард» «қоплон» деб таржима қилиняпти! Тилни билмаса нима қилади таржимага ювиқсиз қўлини уриб?

Мен ҳам гапим тушунарли бўлиши учун «гепард» деяпман, ҳаммамизни шу истилоҳга ўргатиб қўйишди, бошқа атамани билмаймиз. Лекин луғатда асл туркий номи бор гепарднинг – «чита»! Афсуски, бу атама тарих қаърига чўкиб кетган. Чита бир пайтлари саройларда, овчиларнинг уйларида шикор учун сақланган, «чита» оти ҳам ўша замонлардан қолган.

Рус тилининг қонуниятларини билмаган ҳолда таржимада чиранишларимиз, биринчидан, ўз тилимиз имкониятларини торайтирса, иккинчидан, атамаларда ҳам кўп чалкашликлар келтириб чиқаради. Русларда «снежный барс» атамаси мавжуд, тоғларда, қорда бўлади, биз буни бефарқ «қор барси» ёки билиб «қор қоплони» деб ўгирамиз, авваламбор, бу ўринда «қор» ортиқча, чунки айти шу қоплон бизда шу-

сиз ҳам фақат тоғда, тоғ қорларида бўлади, русларда эса мазкур қоплондан фарқли ўрмону тўқайда юрадиган Узоқ Шарқ қоплони ҳам мавжуд. «Қор қоплони» биздаги қоплондан бошқа яна бир тури бор экан деган чалкаш тасаввурга олиб келади. Нимагадир 1983 йили босилган «Ўзбекча-русча луғат»га кирмаган, авомда, фольклорда «илвирс» атамаси мавжуд, эллик тўққизинчи йили чиққан луғатда эса бор: «илвирс – снежный барс». Кейинги луғатларда бу истилоҳнинг учрамаслиги таржимонларни сопини ўзидан чиқаришга мажбур қилади.

Таржималарнинг қарийб барчасида гавдаси қарийб кўп-пакдек келадиган калтадум қорақулоқ «ёввойи мушук» бўлиб кетди, ҳай, ўқиб билганлар баъзан атаманинг аслини ҳам қўллаб қолади. Табиатда ҳақиқатан ҳам ёввойи мушук бор, дунёнинг ҳамма жойларига тарқалган; хонаки мушукнинг ёввойилашгани ё тескариси (яна бунинг «манул» деган тури ҳам бор, тилимизда нималигини билмайман, луғатларда кўрмаганман). Тезкор таржимонлар эса бунинг ҳам, қорақулоқни ҳам «ёввойи мушук» деб ўтказиб юбораверадилар.

Билмаслик туфайли фикрни бузадиган ўгиришлар таржима асарларда бир ғалати устуворликка эга. Шундай десак салобатли ҳам маданиятли чиқади деб ўйлайдиларми, ўзимиздан русчага ўтган атамаларни ҳам русча истилоҳида кўп қўллаймиз. Ҳимолай тоғи чўққилари устидан ошиб ўтадиган лайлакни илиб тутадиган «беркут» деган катта қуш бор экан! «Беркут» деб алоҳида ном қўйилганмикан деб ўйлайсиз. Ахир, «беркут» русчага ўзимиздан ўтган «бургут»-ку, тасвирда ҳам бургут, айнан Осиёнинг Ҳимолай бургути бўлгани учун осийча атама қўллаган руслар. Нимага биз ҳам ўз сўзимизни ўрисча айтишимиз керак? Ўзбек тилида бургутнинг қорақушими, қиронқорасими, сор шунқорими (яна талайининг номи бор тилимизда) – ҳаммасининг жам номи «бургут», лекин «беркут бургутлари» эмас-да. Агар ўша Ҳимолай бургути унинг қайси турдоши эканини билсангиз номи билан айтинг, бўлмаса, нима қиласиз тилни бузиб?

Таржималарда устоз кўрмаган шогирдлар ҳар мақомга йўрғалайверади, тезкор «тўғри» таржималарда одам гапирмайдиган жумлалар пайдо бўлади. «Ҳимолай тоғларининг баландлиги етти минг метрни ташкил этади», «Кондор

қанотлари ёйилганда уч метрни ташкил қилади» – ўзингиз шу тилда гапирасизми? Хўш, ким қандай «ташкил қилиб» берар экан, шуни «етти минг метрга етади», «уч метрга боради» деб оддий ўзбекча айтсак, отамиз уришадими?

Рус тилини билди дегани ўзбекчага таржима қилаверади дегани эмас-ку!

Сўзга чечан бўлмаган таржимонни асл матн қурбақани ром этган илондек ўз домида тутиб туради, эркин ўгиришига қўймайди, у муқобил сўзлар танлашда ихтиёрини йўқотишдан ташқари таржима этилаётган тилнинг ифода хоссаларини ўз тилига ҳам тўғридан-тўғри, «калька» йўли билан кўчиришга ўтиб олади.

Эркин ўгиришга қўймайди деганимиз, таржимоннинг, аввало, асл матндаги атама-истилоҳларнинг она тилидаги муқобилини билмай, қўлбола, мафҳуман афдаравериши. «Денгиз мушуги», «денгиз арслони», «оқ думли бургут», «оқ рангли қарқара», «кул рангли қарқара», «тоғ қўйлари», «тоғ эчкилари», «карибулар», «кабаргалар», «моржлар», «сув филлари» («-лар»га ҳали тўхталамиз) ва ҳоказо атамалар олдинги ҳамда ҳозирги таржимонлар томонидан ясалган, кейин бу сунъийлик луғатлардан ҳам жой олган. Лекин кейингилари маччойи таржимада анча илдамлаб кетган: «урғочи эчки», «эркак эчки», «урғочи қўй», «эркак қўй», «урғочи ёввойи чўчқа», «эркак ёввойи чўчқа» (кулманг, ҳазиллашаётганим йўқ, ҳар куни телевидениеда кўриб, айрим нашрларда ўқиётганингиз бу), ҳатто майда қушларнинг ҳам жинсини «урғочи» – «эркак» деб айирадилар. Майли, «совлиқ»нинг туби «соғмоқ»дан, лекин қўйнинг урғочиси «қўй», эркаги минг йилдан бери «қўчқор» деб келинади-ку, «эчки» деб фақат урғочиси айтилади, эркаги «така» – шу ҳам айтиб ўргатиладиган гапми?! Чўчқа «мегажин» – «қобон», жам номи «тўнғиз», уни «ёввойи чўчқа» дейиш ҳам «дикая свинья»дан тўғридан-тўғри калька, уларда қадим-қадимдан чўчқа хонадонда боқилган, шундан «домашная», «дикая свинья» атамалари мавжуд, бизда уни боқиш ҳам, гўшти ҳам ҳаром, уйнинг яқинига йўлатилмаган, хонакиси бўлмагани боис, «ёввойи» сифати ҳам мутлақо кераксиз.

Рус тилида жонзотларнинг жамини умумий қилиб, жинсини иккита сўз – «самец» – «самка» деб деб айирадилар,

лекин ўзбек тилида бундай эмас, кўп жониворларнинг (албатта, асосан, ўзимизда борларининг) жинси алоҳида истилоҳлар, номлар билан ажратилади. Парранда зотидан «товуқ» – «хўроз», «макиён» – «хўроз», лекин таржималарда бу атамалар инобатга олинмайди. Каттаю кичик қушларга «урғочи – эркак», «нар – мода» деб қўлланаверади. Қаранг, тилимизда бедана, чумчуқ, сўфитўрғай сингари майда қушларнинг ҳам жинси «машак» – «мажик» деб ажратилган, аммо шулардан фақат «машак» беданавозлар тилида сақланиб турибди, бошқа ўринларда луғатларга чўкиб кетган. Луғатда ҳам қизиқ. Уларда ҳам чала таржиманинг таржимаси, масалан, «гусь – эркак ғоз» деб берилган. Ҳар ҳолда, китни бир ўринда «урғочи кит» – «эркак кит», бир ўринда «нар кит» – «мода кит» деяверсак, қулоққа ғалати урилар экан. «Самка – самец» атрофида бунақа қўлбола таржималарнинг келиб чиқиши ўзи бетайинроқ, лекин «мода бойқуш» билан «нар бойқуш» бундан ҳам ўхшамаган туюлади. Гап «полярная сова»нинг «самка»си, «самец»и ҳақида кетяпти, лекин ўзимиздаги бойқуш ё бойўғлининг эркагию урғочиси нима дейилгани эсимиздан чиқиб кетган (турган гап, мен ҳам билмайман). Нимага шунақа паррандаларга ҳам «макиён» – «хўроз»ни қўлламаслик керак, тушунмайман. «Урғочи бўри», «эркак бўри» билмаганликдан дейлик, «урғочи ит», «эркак ит»га нима дейсиз? Бўрининг урғочиси «қанжиқ», эркаги «арлон» бўлади, ит ҳам шундай: «урғочи» эмас, «қанжиқ», эркаги «кўппак» (шевада «арлон» ҳам дейилади); «урғочи туя» эмас, «моя», «елмоя» «ҳарвона», «эркак туя» эмас, «нор», «нортуя» – э астағфируллоҳ, мақолаю кўрсатув, фильмлар таржимасида билмасликдан тилимизни шу тарзда ғариблантириш одат тусига киряпти! Шунақа пайтлари тилимизнинг қашшоқланиб боришига шўро замонида ва кейин босилган луғатларимиз ҳам қисман сабабчи эканига амин бўламан. Кўп сўзлар сифатсиз мафҳуман таржима ҳолида олинган. Шимолий муз океани бўйларидаги ерларда «овцебык» деган ҳайвон бор, шунинг номи ўзбек тилига «хўкизқўй» деб ағдарилган, хўп, «қўй»га майли дейлик, русларда ҳам «овец», лекин бизда «хўкиз»нинг маъноси «бык»дан фарқланади: у буқанинг ёвош қилиш, кучини арава, омоч тортишга бериши учун бичилгани. Билма-

дим, менинг гапим ҳам нотўғридир, ҳар ҳолда, бу жонивор «ҳўкизқўй» эмас, тил ҳам келишмайди, жилла қурса, «қўй-буқа» десак аслига тўғрироқ бўлур, лекин бу ҳам мафҳуман ўгириш бўлади. Ҳа-а, бир рус мультфильмида мугузи Африка буйволи (бу тур атамаси ҳам «бизон», «зубр» «тур», «лос» каби рус тилидан тўғридан-тўғри олинган) шохидан нусха олинган, беўхшов чизилган бу жонзот таржимада ундан ҳам беўхшов қилиб «қўтос», «ҳўкизқўй қўтоси» деб таърифланди, бу қўтос (як) эмас, қўтос – Осиёнинг Туркистон тизмалари, Ҳимолай тоғларида бўладиган пастак қорамол, Шимолий денгиз бўйлари унинг тушига ҳам кирмайди, менимча.

Бошқа тил, ундан билиб-билмай қилинаётган арзонқўл таржималар она тилимизнинг сўз бойликларини қўллаш, ифода имкониятларидан фойдаланишни чеклаб-чегаралаб, сўзлашув жараёни ва у орқали адабий тилга ҳам салбий таъсир ўтказди. У тилдаги ифодалар бу тилга сунъий кўчади. «Фор сувлари нафақат бузғунчилик, балки яратувчилик билан ҳам шуғулланади» – бир қарашда ҳамма сўзлар жойида, ўзбекча, лекин жуда ўнқовсиз, бўни русчага қайтариб ўгирсангиз ҳам мантиқсиз чиқади. Яна бир шунга ўхшаш жумла: «Бу ерда ҳашаротлар бемалол нектар ейишлари мумкин», «Бу тоғларда бўрилар яшашади». Бунақа деб бўлмайди-ку деб хунобингиз ошади, лекин шунақа дейиляпти, шу жумлани саҳна нутқидан таълим олган, ўзини нутқ устаси деб биладиган актёр ҳеч хижолатсиз ўқиб беряпти. Биз эса эшит-япмиз, ҳар куни миллионлаб одам, хусусан, нутқи шаклланаётган болаю ёшнинг қулоғига қуйиляпти мазкур нотўғри гап. Кейин нимага иншода ўқувчиларимизнинг тили бунақа, ёзувда нимага бунча хато қиладилар деб ажабланамиз...

Гап жуда кўп, ҳали хуллас дея олмаймиз. Хулласини тилчиларимиз айтиши лозим.

Дарвоқе, менинг ҳамма гапларим тўғри, мутлоқ ҳақиқат эмас, ўз билигимча ўйлашга тўрткилар, холос. Зеро, шу тил муҳитида яшаяпман, унинг таъсирларидан холи эмасман.

ТИЛУВЗАНИ МАҚИВОППИЗА?

Ўзбек халқ тили – улкан, у Туркистон – Марказий Осиёда катта бир ареални қамраб олган, бугун қирқ миллион, балки кўпроқ одамларнинг она тили. Адабий тил унинг ичида – мисоли давлат ичидаги давлат, бу давлатнинг асоси эса Ўзбекистонимиз, қўшни мамлакатлардаги ўзбеклар, асосан, ўз шева ва лаҳжаларида сўзлашадилар; адабий тилнинг улардаги ривожини кўп жиҳатдан биз ўзбекларга боғлиқ, бизда адабий тил давлат мақомида ҳамда қонун ҳимоясида. Бу тилни асраб-авайлаш, тоза сақлаш, чет тиллар таъсирини бир меъёрга келтириш зарурати бизнинг, кўпроқ қалам аҳлининг зиммасида.

Мақолаимиз мавзуи шу мазмунда.

Авом тилининг ривожини асрлар давомида табиий кечди, ўтган аср бошларигача арабий ва форсий тиллар билан доимий мулоқотдан бошқа унчалик таъсирларга учрамаган; адабий тил эса авом тили, қора тил (ҳам улкан, ҳам ишлов берилмаган, ёмби маъносида) чашмаларидан чиқадиган зиллоллардан йиғилиб, асрлар мобайнида оҳорланиб, сайқал топган ва бугунги замон талаби билан яна ҳам шева неъматларидан озиқланиб такомилда келаётган наҳрул ҳаёт.

Халқ тилининг насли тоза бўлади, четдан кўп оқова қўшилиб, усти лойқаланса-да, туби тиниқлигича қолади. Оқова лойқаси ҳам вақт ўтиши билан чўкиб, шу туб оқимда тинийди. Лекин кўп қуйилаверса, уни ҳам бўтана қилади, қайта тинитиш учун не-не йиллар, балки асрлар керак бўлади. Йигирманчи аср бошларидан бери тилларнинг аралашув жараёни муқаррар кечаётгани боис, нотоза сувни ичишга кўникиб боряпмиз, тил таъмини билишимиз сусайган. Бу эса тафаккурни тўмтоқлаштиради.

Халқ сарфу наҳв қоидаларини атайлаб ўрганмайди, бунинг унга зарили ҳам йўқ, унинг тили табиий туғма, у тил

қоидаларидан махсус дарс олмаган ҳолида ҳам уларга тўқис амал қилади. Яна ҳам тўғрироғи, табиий тил жараёнини илм учун биз – ...шунослар қоида-қолипга солиб ўрганамиз, назария билан мезон-меъёрларига қиёслаймиз. Айниқса, кейинги йилларда шу мезон-меъёрлар билан ҳам ишимиз бўлмай қолди.

Авом тилини, дўппини ечиб ўйласак, халқнинг ўзи бузмайди, бузадиган ёт истилоҳ-ибораларни бу тирик оқим устига биз – қалам аҳли тўқамиз, халқ эса уларни ўз талаффузига мослаб, сўзлашув нутқида қўшиб олиб ишлатаверади. Мана, масалан, «варақа», «хурушип» (кампирлар «қуруқ чўп» ҳам дейди), «карчўпка» сўзларининг асли русчада нима бўлганини бирдан англаш қийин: «варақа» «ворохоочиститель» (кўсак чувиш ускунаси)дан, «хурушип» ё «хурушчўп» – «Хрущёв»... «Карчўпка»ни болалигимда ёзанинг чўпини илдизидан қирққани учун ўзимизнинг «чўп»дан олинган деб ўйлар эдим, бу сўз «корчёвка», «корчеватель»дан экан. Ўзимиздаги сихмола матбуот тилидан «борона» бўлиб кирган, халқ «барана» деб қўллайверади. Кенг омма учун бегона сўз кириб келдими ё ўз сўзини бузиб ишлатяптими, унча фарқи йўқ, истилоҳ ўз вазифасини бажарса кифоя, луғавий маъноси сўзнинг аъмоли бўлаверади. Тилимиздаги талаффуз қонуниятлари билан ҳисоблашмай қандай бўлса шундайлигича киритилган сўз-атамаларни халқ ўз лаҳжаларига мослаб олган. Бу ҳам ғалати жараён – жуда кўп хорижий тилларда чет сўзлар тубжой аҳоли (титул миллат) талаффузига мувофиқ қилиб истеъмолга киритилади, биз эса ҳатто бошқа туркий тиллардан ҳам фарқли ўлароқ, асл ҳолида, ҳатто бирон товуш-ҳарфини ҳам ўзгартирмай оламиз: «эмпириокритицизм», «компиляция», «коммуникация» ва ҳ.к. Биз қалам аҳли «цемент» деб ёзамиз, халқ эса «смон» дейди, биз «целлофан» деб ёзамиз, авом эса «салафан» деб кетаверади. Халқнинг айтгани тўғри, чет атамани унинг талаффузига зўрлаб тиқиштирган бизники нотўғри. Япон насронийлари Исо алайҳиссаломни «Эсу Киристо» («Эсу Киристо-сама») деб ўз талаффузларига мослаб ёзадилар. Бу билан ўзлари-сигинадиган Иусус Христосга шак келтирган бўлмайдилар-ку. Биз ҳам рус тилиданми, бошқа тилларданми бизда ўзи бўлмаган, муқобил атамаси йўқ истилоҳларни тил талаффузимизга мослаб олсак бўлмайдими?

Хўп, дейлик, «целлулоид»ни ким шундай талаффуз қила олади? «Эмпириокритицизм» деган мўътабар мафкура сўзини барибир «импракратизм» деб кетган эмасмидик? Ёзмада бир хил ёзиб, оғзакида бошқача талаффуз этиб тилимизни қийнаб бораверамиз.

Чет истилоҳларни шундайича киритиш она тилимиз ифода бойликларини қашшоқлантиради. Бу бойликлар ичида товуш талаффузи ҳам алоҳида ўрин тутати. Мен бу билан ўтмишда қолган атамаларга қайтиш керак демоқчи эмасман, бунинг иложи ҳам йўқдир энди, лекин тилимизда шунақа сўзлар билан бирга уларнинг оҳори, товушининг ўзидаги қадрдон маъно кенгликлари ҳам орқада қолиб кетяпти, яъни тилимизда сўз бойликлари истеъмолдан чиқиши баробарида, ифода имкониятлари ҳам торайиб боряпти. Кўплар «Байрут»ни «Бейрут», «Баҳрайн»ни «Баҳрейн», «ўтар»ни «отар», «Балужистон»ни «Белужистон», «Тиёншон»ни «Тяншан», «Қорақурум»ни «Коракорум», «Байтуллоҳ»ни «Бетлехем», «Дамашқ»ни «Дамаск» деб талаффуз қилишда унча фарқ кўрмайдилар, худди «борларинг», «келларинг» (мас., «Бу ерда турмаларинг») адабий тилга хилоф эканини билмасликка олишдек, лекин айти шу талаффузда миллий тил оҳанглари, шу оҳанглар уйғотадиган шуурости сезимларигача бузилади. Мана, сингармонизм йўқоляпти, унинг йўқолиши тугул ўзи ҳақида тасаввур ҳам йитиб кетяпти, бунинг оқибатида фикр ифодаси камбағалланаётир.

«Германия»нинг «Олмония», «Ливан»нинг «Лубнон», «Болгария»нинг «Булғористон», «Грузия»нинг «Гуржистон» бўлгани хотирамиздан ўчяпти, энди ўзимиз ҳам «Миср»ни «Египет», «Ҳабашистон»ни «Эфиопия» дейишга ўтяпмиз. «Иерусалим» «Қуддус»ни, «Алжир» «Жазоир»ни сиқиб чиқаряпти. «Венгрия»нинг «Мажористон», венгерларнинг «мадяр», «мажор» бўлгани ўтмишга чўқди. Нимага «Ҳолландия»ни ўрисча ёзиб, ўрисча талаффуз қилиб тилимизни зўрлаймиз? Нима учун хорижий истилоҳларни рус тили орқали икки айлантириб ёзишимиз керак? Муқобили ўзимизда мавжуд атамаларнинг ҳам рус тилидагисини оламиз, ўзимизда «ҳ» бўлгани ҳолда, рус тилидаги «г» ни қўллаймиз. «Гонконг», «Гейне», «Гомер»... Бунақа ном, атамаларни санасак бир қоп бўлади.

Ўрганиб кетганимиз боис эътибор қилмаймиз: ўтган аср бошларидан русча эгалик қўшимчаси «-ов»нинг кенг ёйилиши (туркшуносликда асли бу туркий «-эв» (уй, уйи)дан олинган деган қараш ҳам бор) исми-шарифни айтишда талаффузни, ёзувда товуш ҳарфларини ўзгартириб юборди. «Орипов» деб ёзсак-да («Орифов» деб ёзмаймиз), «Орипуф» деймиз. «Фаттоҳов»ни эса эсини тескари қилиб юборамиз: «Паттахип». «-ов» қўшимчаси ўзидан олдин келади-ган истилоҳларни ҳам бузиб ёзиб, бузиб айтишга олиб келади: «Муҳаммедов», «Маҳаметов», «Аҳмедов», «Порсайип», «Ибрагимов». Мазкур қўшимча барибир эш бўлмай, «-ип», «-уп», «-уф» тарзида тилга тўғрилаб талаффуз қилинади. Нимага талаффузга ҳам босим ўтказмоқчи бўламиз, тушуниш қийин.

Олис келажакда тиллар қўшилиб кетиб, битта умум бўлиб қолади деган ишончми, луғатчиларимиз ҳам анча ўринларда тескари ғайрат кўрсатганлар. Эллик тўққизинчи йилги ўзбекча-русча луғатда «Мўғулистон» «Монголия» дейилиб, ўзбекча асл истилоҳ – «Мўғулистон» эскирган тоифага киритилиб, «монголлар», «монголга оид» деб замонга мосланган бўлса, саксон учинчи йилги русча-ўзбекча луғатда умуман тушириб қолдирилган. Яъни «Монголия» – «Монголия», вассалом! Шўро даврида зимдан юритилган тил сиёсатининг оқибатими, «Бобил» деб эскирган атамалар қаторида унутишга ҳозирлаб қўйилган. «Балтика» – «Балтика», «Бальтийское море» – «Балтика денгизи» деб ёзилиб, «Болтиқ» истилоҳи қавсга олиниб, бунинг ҳам кавуши тўғриланган.

Баъзан луғатчиларни ҳам тушунолмайсан: «мыс Доброй Надежды» – «Яхши ният буруни», «Берега слоновой кости» – «Фил суяги қирғоқлари» деб ўзбекчага ўгирилган бўлса, мас., «Драконовые горы» – «Дракон тоғлари» деб ағдарилганки, тилмочликнинг тамойил-тайини бўлганми ўзи деган шубҳага борасан киши. Бу луғатлардан мақсад ўзбек тилининг сўз бойликларини очиб беришми ё тилимизга рус тилини киритишми-деб гумонсираб, луғат заҳматкашларида миллий орият туйғуси жуда заиф эканига амин бўласан.

Талай-талай байналмилал истилоҳлар энди ўзимизники бўлиб кетди. Албатта, кўпининг тилимизда муқобили азалдан бўлмаган. Эски луғатлардан уларга муқобил ахтариш

бефойда, лекин атамани ўз тилимиз бойликларига суянган ҳолда янгидан яшаш мумкин, луғатларимизда эса бунинг терси: истилоҳни тайёр ҳолича ўзга тилдан кўчирадилар ёки муқобилини излашга эриниб ўзлари мафҳуман таржима қилиб қўя қоладилар: «гусь – эркак ғоз», «витрина» – «витрина», «магазин витринаси» («пешойна» ёки «пештахта», «дўкон»ни гўё билмайдилар).

Чет тиллар олдида ўз тилимизни, унга давлат мақомини берганимиз билан, паст кўриш урф бўлиб боряпти. Мисол учун, шаҳримиз кўчаларига бир қаранг! Учрашув, конференцияларнинг таклифнома ё дастурларини олайлик: инглизча ё русча таржимаси бор, ўзбек тилида ёзилган қисми ҳам ё инглизча, ё русча терминларга тўлиб-тошган. Йигин танаффусида бериладиган бир пиёла чойни «кофе-брек» деб кетдик, «чайтаътил» дейишга қишлоқилигимиздан уяламиз. Дориларнинг тавсиясини ўқиганмисиз? Русчасини ўқийсиз, чунки тушунарли, ўзбек тилидагиси соғ одамнинг асабини касал қилади.

Бепарвомиз. Мана, «мышка», «презентация», «лайк» («лайк қилмоқ»), «парол», «логин», «онлайн», «блог», «пост», «статус», «мобил версия», «домен», «интернет-провайдер», «оператор», «модератор», «спам», «э-мейл», «сайт-вебсайт», «чат» ва ҳоказо шундай ўнлаб атамаларни қандай бўлса шундайича ўзимиз киритяпмиз, буларнинг анчаси ўзбек тилида муқобилига эга, йўқларини эса бор сўзларимиздан яратишимиз мумкин. Лекин оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин деб четкиларга тилимиз тўридан жой беряпмиз.

Кўп хорижий атамалар адабий тилга сингиб кетган, бироқ авом тилида кам қўлланади. Бу ҳам табиийдек туюлади. Масалан, «шимол», «жануб», «шарқ», «ғарб» атамалари, асосан, ёзма нутқда, илмий маъруза, маълумот бериладиган ҳолатларда кенг истеъмолда, аммо ҳали-ҳануз сўзлашувда унча кўп қўлламаймиз («шимол» сал истисно, лекин барибир одамлар шимолни ўша томондаги бирор тоғ, катта тепалик ёхуд қишлоқни назарда тутиб айтадилар, масалан, «Ғубдинда бир булут кўринди»). Авом ҳали ҳам «кунботиш», «кунчиқиш»ни маъқул кўради, шеваларда эса ана шу тўрт арабий истилоҳнинг соғ ўзбекча муқобиллари бор: «чиқиш»,

«кунчиқиш», «ботиш», «кунботиш», «кунтуғар», «тўманбет» (ғарб), «орқабет», «орқовул» (шимол, баъзи шеваларда ғарб ҳам), «манглайбет», «ўнгбет», «кунюрар» (жануб), «обқора» (жануби-ғарбий) ва ҳоказо (мас., қозоқ тилида «шиғис» шарқ, «батис» ғарб, «ўнгтустиқ» жануб маъносини билдиради ва бу атамалар ҳозирда қўлланади: «Ўнгтустиқ Қазақистан» – Жанубий Қозоғистон). Мана бир-икки мисол: «Кун юрарга уч чақирим юрсанг етасан», «Обқоранинг шамоли турдими, ҳаво ёғади», «Кунчиқар ёришибди» – ҳар бир сўзи юқумли-суйқумли, ҳар бир товуш ҳарфи қадрдон лўнда-йиғноқ жумлалар. Адабий тилда бу хил «эскирган» истилоҳларимизни кейингилари билан мувозий тарзда, масалан, «тўманбет, яъни ғарбдан» деб ишлатсак, шу тарзда тил бойликларимизни янада тиклаб бориш мумкин-ку. Йўқ, замон талаби деб ёпишиб қолганмиз, «туппа» минг йиллик таомимиз бўлса-да, «лапша»да ой кўрганмиз, ҳар куни ўн марталаб «лапша»ни реклама қилаверамиз. Қизиқ, ўзимизда мавжуд истилоҳлар ўрнига ўрисчасини қўлламасак, отамиз уришадими?!

Телевидение, радио тили – алоҳида мураккаб тил, у кенг оммага айтилади ва омма билан доимий мулоқотдалиги боис адабий тил билан сўзлашув тили ўрталиғидаги мартабада, ундаги нутқ ишлов берилиб, тажрибадан ўтиб, туриш, ярим туриш, хатбошилардан тортиб ўқишда урғудан нафасгача жой-жойида бўлиши қоидалашган. У қанчалик равон, жонли тилга қанчалар яқин бўлса, унга ишлов берилганини тингловчи шунча сезмайди. Лекин эшитувчи сезмас экан деб сидирғасига, нафас ростламай суриб кетавериш инсофдан эмас. Атай шевада «воттилаш», «маған-саған», «буйтиб-шуйтиб», «галди-гатти» қилиш (телевидение-радиода шевада гапирган одам атайлаб қилади, чунки у мактабда адабий тилда ўқиган, балодай билади ҳам), ўзидан бошқа шеваларга беписандлик, умуман, элга беҳурматлик, «олларинг – қўйларинг» каби калтабинликдан бошқа нарсаси эмас. Шунинг учун экранда гапирган одамнинг ҳатто талаффузидаги шева ҳам эшитганнинг ғашига тегади. Ҳали бу мавзуга қайтамиз яна.

Бугунги кунда чет сўзлар ёзма адабиёт, матбуот, оммавий нашрлар, радио-телевидение, кўчанинг ёзув ва шиор-

лари, қаҳвахона, ресторан, дўконларнинг номлари, реклама матнлари орқали кириб келаётир. Бир-бир ярим аср бурун авом тили ҳар бири нисбатан ихоталанган лаҳжалардан иборат бўлиб, адабий тил, асосан, битма китобларда муҳрланган, истифодаси мактаб ва мадрасалар таъсирига боғлиқ кечган, бошқача айтсак, ахборот-коммуникация кўламининг торлиги адабий тил тараққийсига ҳам унча эрк бермаган. Тошбосма матбаанинг пайдо бўлиши газетачилик ривожига олиб келди, натижада адабий тилнинг истифода кўлами ҳам кенгая бошлади. Газета-журнал, китобларнинг кўплаб чоп этилиши, кейинроқ радио, ундан сўнг телевидениенинг пайдо бўлиши адабий тилни умумтасарруф миқёсга олиб чиқди. Жумладан, матбуот ва телевидение кенг халқ оммасини қамраб олди, ОАВ адабий тилда бўлиши лозим ва лобидлиги боис, бугунги кунда ўзи шу тил ўргатувчи мартабасига кўтарилди. Аммо адабий тил бурун битмалардан, достон, терма, халқ қиссаларидан баҳраманд бўлган эса, эндига келиб, минг афсуски, шева бойликларига қарамаймиз, фольклор тилини ҳам адабий тилдан сал мундайроқ кўрамыз, унинг хазинасига маҳлиё бўлганимиз ҳолда адабий тилда жуда кам фойдаланамиз.

Қизиқ бир ўрама халқа ҳосил бўлади. Мана, луғат изоҳида ёзадилар: «Кам қўлланадиган, эскирган, диалектал ва фольклорга оид сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжудлигини тасдиқлаш, уларнинг индивидуал қўлланишини кўрсатиш учун зарур ўринларда ўзбек бадиий адабиёти фольклор ва матбуотдан цитаталар келтирилган эскирган ва диалектал сўзлардан ўзбек совет ёзувчилари асарларида кўп учрайдиганлари, кўчма маънода ишлатиладиганлари ёки мақол ва маталлар таркибида учрайдиганларигина олинган сўзлар ёнига тегишли пометалар қўйилган». Бу изоҳнинг икки жиҳатига эътибор қилинг: «ўзбек бадиий адабиёти, фольклор ва матбуотдан цитаталар келтирилган эскирган ва диалектал сўзлардан ўзбек совет ёзувчилари асарларида кўп учрайдиганлари ё мақол ва маталлар таркибида учрайдиганларигина олинган сўзлар ёнига помета қўйилган» – яъни буларга аҳамиятсиз деган мамну тамғаси босилган: иккинчи жиҳати, луғатда сўз шунақа тоифаланган бўлса, демак, кўпи «эскирган», «китобий», «областной» си-

фатида сафдан чиқарилиб, тил бойликлари торайтирилган, оқибатда «бадий асар – луғат – бадий асар» тор ўрамаси юзага келди ва бу ўрама очилай демайди. Шеваларимиздаги сўз бойлиги ҳар бири ўз элатининг кўчасида безътибор қолган. Ҳолбуки, адабий тил шева, диалект, лаҳжалардаги сўз захиралари ҳисобига тинмай бойиб, ривож топиб бориши керак. Ишлатилмай ётган захиранинг кўлами ниҳоятда кенг. Ҳатто адабий тилга асос қилиб олинган қарлуқ-чигил шеваларининг (фонетика Тошкент, грамматикаси Фарғона шеваларидан) ўзидаги ранг-баранглик ҳам ҳали тўлиғича ўрганилмаган. Сиз Т.Нафасовнинг «Қашқадарё халқ сўзлари», Б.Тўйчибоев ва Қ.Қашқирлининг «Зоминнинг тил қомуси» деган фидойи тадқиқотларини яна бир ўқинг, не-не сўз бойликларимиз қаерларда кўмилиб ётганига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Биз эса шевада воттилаб ё гелди-геттилаб маҳалламизни дунёга олиб чиққандек ғўдаямиз. Асли бу миллатнинг бир бутунлигига қарши ишлаш, ҳа, ҳа, зарарқунандалик эканига ақлимиз етмайди ё кибримиз дилимиз кўзини кўр қилган.

Яна мисоллар оламига қайтамиз.

Айни пайтда, чет сўз, ибораларнинг ўринли-ўринсиз тарзда истеъмолга кириши, гап таркибида сунъий ифодаларнинг пайдо бўлиши, чет тиллар таъсири ва коммуникация оқибати ўлароқ тилимизнинг бузилиш ҳолатларининг авом тилигача кириб бориши ҳам шулар туфайли. Мулоҳаза учун рекламадан бир мисол: «Узоқ ва қулай ҳаёт кечиринг!» Тўртта сўз тўрт алкашга ўхшаб учиб ётибди, ўртада битта боғловчи ҳалак. Бунақа масхараси ўзига эш жумлаларни ҳар кун ишлаб марта кўрамиз, эшитамиз, фикри балоғатга етмаган болаларнинг қулоғига қуямиз (биз сўз усталари). «Истаган жойимдан ўп!» – э бетингдан бузилгур деб юборинг келади! «Бунини билишни хоҳлардим деб ўйлардим», «Аксарият бугунчалар шу ерда дунёга келишади», «Бу ҳудудда жуда иродали жонзотлар яшашади», «Улар (яъни пашша) бу ерларда кўлдан-кўлга учиб ҳаёт кечирадилар», «Оддий кўз билан ҳам бу бетакрор манзаранинг шоҳиди бўлиш мумкин», «Бу заминнинг мусаффо осмонида Анди кондорлари парвоз қилишади», «Гоби бўрилари қувлашади» (туяни), «...бўрилар фойдаланишади», «...бўрилар бўғизлашади»,

«Деворларга ишлов берилган сомон қатлами емирилиб тушган», «Қалъа деворлари лойдан тикланган»... – бу қанақа тил ўзи? Шу жумлаларни ёзган, ўқиб бераётганларнинг ўзи бирон ерда ўқиганми экан?! Ҳазабингиз келади, ҳунобингиз ошади, лекин бу жумлалар четнинг масаллигидан ўзимиз пиширган ош – ўзимиз ичяпмиз.

Ғализ жумла, хато сўзни қанча кўп гапирсангиз шунча кўникасиз, ғализ-хато экани билинмай қолади. Қулоқ ўргангани, кўникканимиз боис, шуниси табиийдек туюлади, сиртдан ўзбекча, лекин бир разм солинг: биринчиси «Я хотел бы этого знать» иборасининг жуда беўхшов ўгирилиши; ундан кейинги жумлада ҳайвон кўпликда айтиляпти, «буғучалар» деб «олёнёнки»дан шундоқ ағдариб қўя қолинган; шуни «Аксарият буғу шу ерда болалайди» деса бўлмайдими? Ундан кейингисида яна шу: ҳайвон кўплик феълида худди сизлангандек; «ирода» инсонга, ҳайвонга эса «чидамли» (яна бир-иккита чиройли сўз бор, эсимга келмаяпти) нисбатан қўлланади. «Бу ерлардаги жонзотларнинг жони қаттиқ» деса одамга сал тушунарли бўлармиди? Бўри(лар) қандай қилиб фойдаланишади? Бир нарсадан фойдаланиш учун ақл бўлиши керак-ку. Бўрилар қувлашиб ўйнашмаяпти, балки ўлжанинг изига тушган, уни қувлаяпти. Кейин, бўри туяни одамга ўхшаб пичоқ билан бўғизламайди, бўғизлаб кетади. Тўғрироғи, бўри туяга «тегинади» ёки уни «олади».

Навбатдаги жумлани ўзимиз гапиргандек осонгина қилиб «Деворнинг сомон сувоғи кўчиб тушган», охиригисини «Қалъа девори пахсадан (тикланган)» десак бўлмас эканми? Рус тилида «пахса»нинг муқобили йўқ, уларда лой ҳам, унинг қуритилгани ҳам, тупроқ ҳам «глина» дейилади («глинобитная стена» – «пахса девор»). «Оддий кўз» дегани нимаси, Анддан бошқа «Анди» тоғи ҳам борми? Кондорлар парвоз қилади, «қилишади» эмас! Пашшалар «ҳаёт кечирадилар»ми?

Бундай ўйлаб қарасанг, кўпинча муқобили бўла туриб, баъзи ҳолларда эса иложсизликдан киритилган ёт сўзларнинг унча ҳам зарари йўқдек туюлади, лойдан тикланган деса нима бўпти, одамлар тасвирда пахса эканини кўриб турибди-ку, «матрас» «тўшак»ка нисбатан тушунарли, ҳам аниқ, ҳамма нима деса, шуни қилайлик-да. Энди «барана»

(«борона»)дан «сихмола»га қайтиб нима барака топардик?! Силовсин билан қорақулоқни кўрмаган бўлсак, фарқини билмасак, иккови ҳам йўқ бўлиб кетаётган эса, уларни «ёввойи мушук» деганимиз ўнгайроқ эмасми? (Бир фильмда русча «каракал» ўзбекчага «каракол» деб ўгирилган, оппа-осон, қулай – икки тилда ҳам бирдек тушунарли! «Қорақулоқ» деб қишлоқча чўзиб юрадими?!) Олдинги луғатлардан бирида «двойник» – «ҳамафт», «ҳамбет» деб таржима қилинган экан («бетдош», «афтдош» демабди ҳам яхши). Ўшанақа таржималардан русча атаманинг ўзи яхши эмасми? Мен шу баъзи луғатларни варақлаб талай атамалар таржимаси луғатчиларнинг ўз ижоди эмасмикан деган шубҳага бораман. Масалан, «серна – тоғ кийик, қора эчки». «Серна»нинг туби туркий эмасмикин, йўқ эса қора тилда «тоғ кийик» демайдилар, кейин бу ўзи кийикми, эчкими, унинг аниқ бир атамаси бўлиши керак. Балки, турдошлиги бордир, лекин бизда кийик билан эчки фарқланади.

Ўз тилимиз, шева сўз бойликларига эътиборсизлигимиз туфайли, масалан, оҳу, кийик, марал, буғуни фарқламаймиз. Сайғоқни бир «сайгак», «кийик» деймиз, бир «оҳу», унинг номини ҳам русчадан ўзбекчалаштирганмиз (русларнинг ўзи биздан олган, шекилли), йўқ эса асл истилоҳлари бор: «бўка», «оққўйруқ» (Америка қитъасидаги оққўйруқ билан аралаштирмаслик керак). «Кийик боласи» деймиз, «қуралай» эса фолклорда қолиб кетяпти ё кўчма маънода ишлатилади («кўзлари қуралай»). Бир фильмда гну антилопаси «гну оҳуси» деб таржима қилинди. Гну – гавдаси қорамолдек, шохи ҳам буқа шоҳига менгзаш йирик ҳайвон, биз эса оҳуни нозик кийик сифатида тасаввур қиламиз. «Чиябўри ё шоқол боласи» дейилади, халқ эса «войвояк» дейди. Асл муқобилини билмагандан кейин ҳар мақомга йўргалашнинг нима кераги бор: «ҳайвонларнинг кўпайиш мавсуми» эмиш! Бу фасл луғавий маъносида ҳам кўпайиш мавсуми эмас, куйга келиш, куйикиш, илиқиш, қочиш палласи. Кўпайишнинг жониворларнинг турига қараб «қўзилаш», «қулунлаш», «кучуклаш», «болалаш» каби ўрнида қўлланадиган истилоҳлари мавжуд. Матбуот тилидаги беўхшов «қўзилатиш мавсуми»ни халқ соддагина қилиб «тўл» дейди-қўяди. «Ёмғирлар мавсуми» эмас, «ёмғир мавсуми», аниқроғи, «ёғин мавсу-

ми», яна ҳам аниқроғи, «ёғингарчилик», авом тилида бундан ҳам тўғрироқ – «хўлгарчилик».

Муаммонинг яна бир жиҳати бор. Мен ҳужжатли фильмларни жуда ёқтираман, кўп кўраман. Улар турли мамлакатлардаги одамларнинг туриш-турмуши, ҳар хил юртларнинг табиати, ҳайвоноти, набототи ҳақида. Бу фильмлар чет элларда жуда катта меҳнат, ундан кам бўлмаган маблағ билан яратилади. Бир пингвинни суратга тушириш учун қаҳратон Антарктидада ойлаб қолиб кетадилар ва бу парранда ҳақидаги жилд-жилд тадқиқотлар устида кўз нурини тўкадилар. Наҳангни тасвирга тушириш ва уни гапириб бериш учун у билан, билмайман, ҳаётни гаровга қўйиб қанча вақт бирга сузадилар. Наҳанг борасидаги жами адабиётни титкилаб чиқадилар, бошқалар яратган фильмларни кўриб оладилар. Э, хуллас, бу фильмлар минг машаққат билан юзага келади ва шу машаққатлар самараси ўлароқ тасвирлари кўримли, мазмуни маълумотларга бой, таржимасига қараб тахмин қилсангиз, яратилган тили ҳам гўзал. Хорижий телеканалларда яратилган ҳужжатли фильмларни рус тилига қилинган таржималарда кўраман, уларда ҳар бир гиёҳ, ҳар бир ашё, ҳар бир жонзотнинг ўзига хосликларини айтибгина қолмай, номигача, маҳаллий аҳолининг ўзи нима дейди, рус тилидаги муқобили қандай, барчаси аниқ-тиниқ. Лекин биз бунақа асарларни устидан суваб олашовур ағдараверамиз. Яйдоқ далами, демак, чўл, қумлими, демак, қум саҳроси, чўлми, унда чўл – вассалом! Атамаларнинг ҳар хиллиги, ифода ранг-баранглиги, сўз бойликлари нимага керак, одамлар тушунса бўлди-да! Тоққа хос сўзларни билиб, нима, тоғчи бўлармидик! «Маҳобатли», «осмонўпар» деб қўшиб қўйсак етмайдими?! Биттаси «жонсиз чўққилар» деб ўқияпти, ҳеч бўлмаса, ўрисчасини яхшилаб ўққан бўлса экан: «безжизненные скалы»ни шундай ўгириб, чўққини ўлдига чиқарибди. «Бўзқоя», «бўсқийё»ни билмасангиз, жилла қурса «яланғоч қоялар» деб ўгиринг, барака топгур!

Халқнинг ўзи қўйган атамалари аниқ-тиниқ, содда ва ихчам бўлади. Масалан, тоғнинг баланд чўққисини «осмонўпар қоялар», «кўкка бўй чўзган», «осмонга бошини тираган» деб бўяб-бежаб чўзмайди, «нурама» деб қўя қолади («нурама» қорли ё яланг чўққининг тонг ё кечки шафақда нур қайтари-

шидан олинган бўлса ҳам бордир, яна билмадим). Чўққи учи – нураманинг шакл-шамойили, ўрнига қараб «қироқ», «хор-ра», «хуччи», «сала»... каби бир нечта муқобили борки, ҳар бири муайян ўшанақа чўққи ё қоя учини билдиради. Халқ «тоғнинг қиялик жойи» деб чўзмайди, балки лўнда қилиб «эниш», энишнинг майда тошлисини «чағил» дейди («Чағил қизима ер бўлади» – бу йиғноқ ибора маъносини бериш учун қанча ортиқча сўз ишлатамиз биз). «Тоғ бағридаги ингичка йўл» битта атама билан «чизиқ» деб айтилади.

Нима бу: нуқул «тоғ», «қоя» (ё чўққи), «дара»? Тоққа тегишли бошқа атамалар йўқми деб эринмай «Зоминнинг тил қомуси» билан «Қашқадарё халқ сўзлари»ни варақладим, қаранг, қанча атама-номларга дуч келдим: «қироқ» (қоянинг усти, «Ой туғади қироқдан»), «хуччи» (қоя учи), «ширам» (узунасига чўзилган қоя), «сала» (чўққининг уч қисми), «қасноқ» (дараларининг айлана нуқтаси), «қат» (қир, чўққининг баланд учи, унда фақат архар юради), «қатал» (ёлғизоёқ йўли бўлган эниш), «чукун» (тоғли ҳудудлардаги табиий чуқурлик, яшин уриб чуқур бўлган жой), «чағил» (майда тошли қия ёнбағир), «чунгул» (дара ичида юриш қийин, чуқур-чоп жой), «қасаға» (қуйидан юқорига кетган қат-қат ясси тош уюми), «қиррак», «қисилчанг», «қоязов», «чағал», «чағат», «чийир», «чинг», «чалтов», «таранг»... етар, а?

Чўққи тоғнинг энг баланд нуқтаси, у бир тоғда битта ё бир нечтагина бўлади, қоя эса ўнлаб, минглаб ҳам бўлиши мумкин. Рус тилида «вершина» билан «скала»ни фарқлайдилар, таржимонларимиз эса аралаш қўллайверади. Худди шундай «скалыстие горы»ни «қояли тоғлар» деб ўғиравердилар, ҳолбуки, тасвирда кўриниб тургани фақат битта тоғ, уни «қояли» деб айтиш ортиқча. Ясситоғнинг эса ўзбек тилида ўз атамаси бор. Бу атамаларни, табиийки, билмаймиз, чунки тоғда яшамаймиз, ҳар куни тоққа чиқмаймиз. Шу боисдан тоғда ўсадиган «умрзоқгул», «эрбаҳоси», «эчкимчак», «шатраж», «қораяпроқ», «қарғатирноқ», «қизилпойча», «айиққулоқ», «шаппа», «белдирғон», «бирсепар», «бирчаноқ», «абрик», «далачой», «каравуш», «бўймодарон», «дармана», «дасторбош», «гулдавғач», «дўғбўйин», «қилқанот», «чиранак», «тошбақатол», «жанжабил» («зан-

жабил»), «игир» каби ўнлаб гиёҳларнинг (аксарияти доривор) номидан ҳам беҳабармиз (бу атамаларни Т.Нафасов, Б.Тўйчибоев, Қ.Қашқирлининг китобларидан тергилаб олдим ва ҳеч бўлмаса бир ёдга олиб қўяйлик деб завқ билан санаяпман)... Албатта, одам тоғчи ё мутахассис бўлмаса бунақа атамаларни эслаб юриши мушкул, шарт ҳам эмас. Лекин шу гиёҳу ўт-ўланлар ўз тоғларимизда ўсиб ётибди. Тоғ ва унинг наботот дунёси ҳақида фильм бўладими, мақола-ми, китобми, таржима қиладиган тилмоч буларни билиши, жилла қурса, луғатлардан излаши керак. Луғат тузувчилар ҳам муқобилларни ўзидан урчитмай, эски луғатларга сўяниши, шева бойликларидан изланишлари лозим.

Мана, масалан, энди кераксиздек бир мисолни олайлик. Шевада уйурбов – уюрбоғ истилоҳи бор, бунинг изоҳини қаранг: «қора уй тувурлиғининг бошига тикилган тасма». Энди бунда «тувурлиқ»ни билмаймиз. Унинг ҳам изоҳи бор экан: «Қора уй эрганаги билан тувур боғланган қисмидан кераганинг чий ёйиладиган қисмигача ёпиладиган тўрт бўлак кигиз». Энди «эрганақ» – «қора уй, мол қўра, қўтонларнинг эшиги». Хўп, «чий», «қора уй», «мол қўра»ни тусмол биламиз. Қаранг-да, қанақа истилоҳларни билмаймиз, ишлатмаймиз: «қошғари», «қушоёқ», «ғилдиравик», «қўшқанот», «қайчиқулоқ», «тўякўз», «тўдагул», «барчин», «қиягул», «турум», «тупак», «туйнукёпқич», «туйнукбов», «қўйкувшурма», «тувуқ», «тўнкарма», «увуқ», «увуқбов», «чанғароқ», «узук», «узукбов», «уйқозик», «уйарқон», «уйбоғиш»... Ўтов, қора уйга, унинг узвларига тегишли мазкур атамаларни яна ўша Т.Нафасов, Б.Тўйчибоев, Қ.Қашқирлининг тадқиқотларидан олдим. Шу бойликлар энди гўё кераксиз, оғзакида қолиб кетган эскилик!

Бунақа атама, истилоҳлар адабий тилга ҳам кирмаган, уларни ёзишга биз – қалам аҳли инжиламыз, кўпимиз билмаймиз ҳам, билиш шарт эмас деб қараймиз, лекин туби биз билан бир туркий тилли қўшнилариимиз қора уйнинг ҳар ашёсигача номма-ном биладилар, уни эҳтиром қиладилар, давлат рамзларига киритганлар. Биз нимага ўтмишимизни эсдан чиқаришимиз керак? Тил ўтмишидан юз буриш – ўзлигидан юз буриш, сўз бойликларини суррогат атамаларга алмаштириш – бу тафаккурни суррогат қолипга солиб, ада-

бий тилни муайян сиртмоқда бўғиб қўйишдир. Минг йилдан ҳам илгариги «Девону луғатит турк»дан бу ёғига ривожда келаётган (асли тарихи тўрт минг йиллигидан шаҳодат беради) тилимизни бугун нима аҳволга солаётганимиз ўзини ўзбек деб ўйлайдиган, фикр қилгувчи ҳисоблайдиган ҳар бир фуқаронинг ўз танига ақллашадиган муаммоси ва шунга бепарволиги учун ўз виждони, орияти олдида, қолаверса, давлат тили ҳақидаги қонун олдида жавоб берадиган бурчидир. Зеро, давлат қанақадир бир умумий макон эмас, у — ўзимиз, ҳар биримиз.

Ҳали бу гапларимиз ҳаммаси эмас.

ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ

Гапни бир мисолдан бошласам, мисолки, сизни ўзингиз кўриб келаётган шунга ўхшаш жуда кўп бошқа мисолларга яна рўпара қилади. Узр, шу гапим ҳам ўнқовсизроқ чиқяпти. Лекин муаммони бирга, кўпчилик бўлиб ўрганишим керак-ку, боиси унинг шунча кенг тарқалганида, ҳаммамиз бирга ўйлашимиз лозимлигида.

Хўш, янги бош директор эдим, студия ғаладониди маълум сабаблар билан беш йилми, кўпми «осилиб» ётган сценарийни ўқиб қолдим-да, дарров ишга тушириб юбордим. Киночиларга раҳбар бўлиб келишимдан илгари юзлаб кўрсатув, хужжатли фильм қилган бўлсам-да, ҳали бирор марта бадий фильмни суратга тушириш жараёни тепасида турмагандим. Бир куни каттасиниб шу фильм «съёмка»сига хабар олгани бордим, жуда мураккаб юмуш экан: «мотор-стоп», «бошладик-тўхтат!», «қайтадан кетдик», «дубл!»... Таниқли санъаткорлар ўйнаб беряпти. Улардан сал ичимда ҳайиққан-им боис раҳбардек ақл ўргатмай, чеккада қараб ўтирдим. Лекин бир жойи келди, сюжет бўйича «эру хотин» айтишиб қолади, шунда «хотин» «эри»га аччиқ қилиб сиз кетсангиз, мен ҳам биттасини топиб оламан мазмунида: «Тешик мунчоқ ерда ётмайди», – деди. Суратга олиш тез-тез тўхтаб, сахналар қайта-қайта олинади, орадаги танаффусда ўша «хотин» актрисага: «Синглим, сценарийдан чиқманг. «Тешик мунчоқ ерда ётмайди» эмас, «Тешик кулча ерда ётмайди» эди», – дедим. Актриса русча ўқиган, табиий, муомаласи, тили ҳам ўрисча эди. «Йўқ, мен шундай дейман! Мунчоқ тешик бўлади (Нет, я так говорю! Мунчаки тишик бывают)», – деб менга ақл бўлди. Оббо, мунчоқнинг тешигини билар экан, лекин шундай мақол борлигидан тубдан беҳабар! Тепадан пастга тушмаса қаёқдан ҳам билсин?! «Фалончихон, бу – кенг тарқалган халқ мақоли, ўзбекчани бузиб айтманг. Ҳа,

мунчоқ тешик бўлади, лекин майдалигидан ерга тушса ҳам, кўринмайди, ётаверади. Аммо кулча – бу нон, шунинг учун унинг тешиккулчаси ҳам ерда ётмайди. Мабодо тушиб қолса ҳам, одамлар олиб, кўзига суртади», – дедим. «А я не хочу! Из-за какое-то узбекское слово не буду изменит свой язык», – деб тил маданиятини оврупоча англлар экан, айтганида туриб олди. Шунда режиссёр акамиз қулоғимга: «Унча фарқи йўқ-у? Майли, ҳозир кўнглини хира қилманг, мунчоғини дубляжда тўғрилармиз», – деб шивирлади. Биламан, тасвирга олиш жараёнида бировнинг аралашishi, ақл ўргатиши ножоиз, ҳам актрисанинг тарбия кўрган муҳити бошқа, табиийки, халқниқидан фарқли шароитда яшаётган бу «элита» вакилига минг тушунтирган билан фойдаси йўқ, она тилини шунча янтоққа судраб гапиришини ҳам унга бир марҳамат кўрсатиш деб ўйлайди. Турган гап, мендан ранжиб қолди. Рост-да, шундоқ таниқли санъаткорни қанақадир авом сўзни айтишга мажбур қиляпман... Асли бу томорқа режиссёрники, унга сценарийдан чиқмасликни тайинлаб қайтдим.

Фильм суратга олиниб бўлди, йиғма, яъни монтаждан ҳам чиқди. Энди «овозлаштириш» («озвучивать»нинг таржима-си-да бу сўз), яъни фильмга овоз бериш, дубляж гали келди. Биласиз, актёр энди экрандаги ўзига қараб яна «ролга кириб» овозини ёздиради (ҳозир кўп фильмларда бу қоида қолиб кетган – актёр ёдламайди, матнни олдига қўйиб ўқийверади, шундан диалоглар сунъий чиқади, гап гапга қовушмайди). Хўш, шунда режиссёр акамиз ҳузуримизга қадам ранжида қилдилар: «Шу, укажон, бир илтимос: шу, актёримиз ўз шевасида гапирса!». «Гапиравермайдими, ким унинг оғзига хўжайин? Мендан нимага сўрайди?» – дедим ажабланиб. «Йўқ, фильмга ўз шевамда овоз берсам, шунга бош директордан рухсат олиб беринг деяпти». Ана холос! Қаёққа келиб қолдим?! «Сценарий тоза адабий тилда ёзилган, тилни бузиб нима қилади?» – дедим. «Ўз шевамда овоз берсам, чапанилигим самимий чиқади деяпти. Арзимас гап-ку! Йўқ деманг энди сиз», – деб ялинди режиссёр акамиз. Бу кишим ҳам актёр томонида! Рухсат сўраганига ҳам раҳмат – анов кунги баҳс эсида-да. «Ака! Давлат тили ҳақида қонун бор, бунга адабий тилга риоя ҳам киради. Қонун ҳар қандай бош директордан, ундан катталаридан ҳам баланд

туради, уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Кейин фильмда шевада гапириш чапанилик эмас, маданиятсизлик. Қаҳрамоннинг чапанилигини тил бузишда эмас, ижрода кўрсатсин эди», — дедим. Режиссёр акамиз босиқ-вазмин одам, бўлди, тушундим деди-да, чиқиб кетди. Ўзимнинг ичимдан нималар ўтганини англаб турибсиз: бу шунақа, менга бегона бир дунё экан! Ҳалиги санъаткор жўрамиз ҳам, турган гап, бош директор ошириб юборяпти, шевага қарши, мана, шевада шунча фильм олинапти-ку, биров бировдан қонунга бўйсуншни талаб қиляптими деб ёзғиради.

Овоз беришда у жумлани бузмади-ю, лекин барибир талаффузида шева сезилиб турди. Бунини тўғрилаш, албатта, мумкин эди, аммо сут билан кирганини чиқариш... ўзингиз биласиз. Кейин у барибир айтганидан қолмаган экан, сал ўтиб бир мустақил телеканалда кўрсатув олиб бора бошлади, албатта, атайин шевада ва... мана бўлмасам деб мустақил бир газетада «Мен атайлаб шевада гапираман» деган чиқиш ҳам қилдилар.

Бу ўша, етти-саккиз йил олдин урчий бошлаган, кўп одамларга арзимас туюлган ҳолатларнинг бир кўриниши эди. Эндига келиб уни юз ё мингга кўпайтиринг, ўзимиз кўниккан, кўникаётган манзара — киночилигимиз тилининг кундалик манзараси кўз олдингизга келади. Нетонгки, тил ҳам айнаиб, маънавий тарбияга зид шалоқ аҳволга тушган!

Мен бу мисолни ўзингиз биладиган муаммони яна бир ўйлаб олиш таклифида айтяпман.

Юксак минбарлардан ҳам айтиляпти, матбуотнинг ўзида гапириляпти, бонг ураётганлар чиқяпти, аммо ўз — ўзбек тилимизнинг бугуни ва эртаси борасидаги бу ташвишу даъватлар лоқайдлигимиз ботқоғига чўкиб кетаётир.

Дод деб юборинг келади — қоғозга додлайсан одам! Қоғознинг эса фақат бефарқ қулоғи бор, оғзи йўқ — садо бермайди! Ахир, ҳамдардга додлайсан-да одам!

Тилда атай бузғунчилик билан давлат қонунини бузиб, бунақа кинолару қўшиқларни ясаб ташлаётган, ҳамма ёқни чет атамалару чаласавод ёрлик, реклама матнларига тўлдираётган, алламбало алфозда жилд-жилд босмаларни босиб «бадий асар» даъвосини қилаётган, эфирда қанақадир яроқсиз «ўзбекча» вағиллаб турганлар шу лоқайдлик

ботқоғимизда гуркираб ўсаётган алафлардир ва уларни инсофга чақириш, тарбияли бўлишга ундаш, тил – бу тафаккуримиз замини, миллий бойлигимиз – ўзлигимиз, уни бўзиш эмас, қўриқлаш, асраш, тозалаб туриш лозимлигини ўқитиш ҳам бефойда. Худди мен ёзаётган шу гапларни ҳам деворга гапирётганим каби.

Албатта, шевада гапирсинлар, тўйиб гаплашсинлар, зеро, шевалар тилнинг илдизлари, тўғрироғи, булоқлари; улар ҳам қуриб қолмаслиги лозим. Лекин, афсуски, шеваларни ҳам ОАВнинг сунъий тили тангликка солиб қўйган, глобаллашувни рўқач қилиб унинг панасида ёт атама, ёт ибора, бузуқ бирикмалар халқ тилига бостириб кираётир. Ҳаётнинг равиши – кексалар ўтиб кетади, катталар кексаяди, изимиздан келаётган ёш авлод «глобаллашиб», ўз шевасини майиқ-майриқ қилиб гаплашади – бу булоқларнинг ҳам қурий бошлаганини шундан-да билса бўлади.

Гап жамоат минбари эгаси адабий тил экани ҳақида кетаётир! Миллатнинг таркиб топиш омили ва шу миллатдаги бошларни бир-бирига қовуштириб келаётган тилимиз ҳақида. ОАВ минбарига чиққан, кўпчиликка юзланган одам, агар ўзини ҳурмат қилса, марҳамат қилиб адабий тилда гапирсин! Минбарга етган одамнинг елкасида умуммиллат юки бўлиши зарур! Мактабдан олий ўқув юртларигача, мажлису йиғинлардан расмий тадбирларгача давлат тилида бўлиши лозим ва лобид! Давлатимизга мадҳу сано ўқиманг, унинг тилига амал қилинг. Ахир, кеча уни ҳимоя қилиб кўчага чиққан ўзимиз эмасми?! Ҳамма дарслар адабий тилда ўтиладиган, ўстозлар ўқувчилар шевасини адабий тилга буриб, уни ўргатадиган чиройли қонун мажбуриятлари қаерда қолди? Энди буни қилиб бўлмайди деб ўйлайсизми? Йўқ, бўлади! Мен эски шаҳарнинг қоқ марказида тураман, шу Эшонгузар маҳалламиздаги мактабда мучал тадбири бўляпти экан. Таклиф қилдилар, бордим. Икки соатча ўтириб ўқитувчиларнинг гапларини, болаларнинг сўзга чиқишлари, шеър ўқишлари ва қўйган саҳналарини томоша қилдим. Болаларнинг ҳаммаси шу атрофдан, асосан, туб тошкентлик оилалардан, ўқитувчилар ҳам шундай. Лекин бир оғиз ҳам шева эшитмадим. Ҳайрону хурсанд бўлиб ёнимда ўтирган ўқитувчи аёлга: «Қандай яхши, болалар мактабда адабий тилга риоя

қилар экан», – десам, синглимиз сапчиб тушди: «Вой, нима деяпсиз, мумкин эмас! Дарсларни адабий тилда ўтамиз, ҳовлида ҳам болаларнинг адабий тилни бузиб гапиришига йўл қўймаймиз. Ахир, бу давлат тилимиз-ку!» – деди. Мана, бўлар экан-ку! Қойил қолдим, лекин қани эди ҳамма мактабларда шундай бўлса! Афсус!

Асли, муаммонинг туби чуқурроқ, масала тилнинг сут билан қачондан кириши, боланинг она тилини қаердан ўргана бошлашида. Бешик тебратадиган келинларнинг бир қўли бешикда, икки кўзи телевизорда – алла айтиш фақат кўрик, тадбирларда қолди. Оналар рўзғордан бўшамай ҳам телевизорга қадалиб олади. Бола бир нарса сўраса, бошимни қотирма, бор, кўчада ўйна ё дарсингни қил деб ҳайдайди. Эркаклар иш билан, боласи билан гаплашиб ўтиришдан ўзини олиб қочади. У ҳам хотинига қўшилиб сериал кўради. Эртак айтиб берадиган бувилар ўзи азалдан сийрак, экранга кўзи ўтгани... бунда ҳам ўша аҳвол. Булар ҳам ўтиб кетяпти. Дастурхон устида гурунглар йўқ бўлиб кетди. Бола қаердан тил машқини олади – у ҳам ноилож телевизорга тикилади, сал эси киргани компьютерни титкилайди, суррогат нарсалар онгига қуйилаверади, жумладан, бузуқ тил ҳам.

Албатта, ота-она болаларига эга-кесим ундоқ бўлади, тил қоидалари бундоқ бўлади деб ўргатиб ўтирмайди, аксинча, боланинг тили табиий муҳитда: ўзаро мулоқот, сўзлашув, ўйинлар, ҳангомаларда камол топади. Мактабда шу тарбияни олади. Тўғрироғи, олиши лозим. Мактабларда эса тил ўқитилиши ўқувчи болалар учун оғирлик қиладиган, зерикарли қоидаю боғланишлар изоҳига ўтиб қолган. Анчадан бери шундай. Мактаблар жонли мулоқот тилини ўргатмайди, эгаю кесим, гап бўлақларини кўрсатиб беради, холос, бинобарин, тирик тилга муҳаббат ҳам уйғотмайди.

Фикр шаклланиши, тилни билишнинг яна муҳим омили – китоб, бадиий асар. Ҳозир ўқувчиларнинг аксарияти китоб ўқимайди, бадиий асарларни варақлаб кўрмайди. Устига-устак, дарслик – хрестоматиялар ҳам камбағал, улар ном санаш билан, ўтмишдаги катта адибларимизнинг ҳозирги ёшларнинг дунёқараши, қизиқиши, дунёбинлиги, кўнгил кечинмаларидан йироқ асарлари билан тўла. Ёшлар ўқийдиган нарса кам. Мана, бугунги кунга келиб шу мактаблар

экан арпа ҳосилини ўряпмиз-да, ёшларимизнинг тили мунча камбағал, мунча сунъий, нимага булар беодоб бўлиб кетяпти деб ёзғирамиз. Қўшиқ айтяпман деб алмойи-алжойи шанғиллаб ётганлар, уларга шайдойи қарсак уриб ўйинга тушаётганлар нафақат тил масъулияти, тил номуси нималигини, балки унинг ўзи нималигини ҳам билмайдилар. Ғулийликни ўзи ихтиёр қилиб танлаган ва шу билан фахрланадиган манқурт тоифа! Бу ўзимиз етиштираётган авлод.

Миллат руҳининг ифодаси бўлмиш адабий тилни бузмай, бўлакламай ривожлантириш керак. Зеро, у давлатчилигимиз асоси ҳамдир. Тўқсон икки бовли ўзбекни бирлаштирган! Энди бу ўзбекнинг ҳар элати мактабдан бошлаб ўз шевасида гапириб, ўқиб-ёзадиган бўлса, кейин адабий тилни ҳар ёққа тортқиласа, тасаввур қиласиз-ку қаёққа ўтиб кетишимизни! Ўзи шўро яхлит яшаб келаётган туркий миллатни сен алоҳида, сен алоҳида, мана сенга битта республика, камроғинга, мана, мухторият деб улусларга бўлиб, орага қутқу уруғини қадаб қўйган эди. Туркистон туркийлари ҳар бири алоҳида миллат бўлиб олди, майли, бу миллатларга ҳам барака берсин, лекин ягона туркий тил бўлакланди, ҳар бўлаги ўзича ихоталаниб олди. Бир-бирини балодай тушунган эллар бугун қон-қардошини лугатсиз англаши мушкул. Майли, ҳар бири ўз давлатида униб-ўссин, тараққий топсин, лекин умумтуркий тил бирлигини йўқотмасинлар. Бу тил Туркистондай улкан ҳудудда умргузаронлик қилаётган миллатлар тафаккури ривожининг гаровидир. Бу тил бирлигига раҳна солиш бугунги кунда ҳар бир туркий миллатнинг ўзини ичдан парчалашга ҳам олиб келади. Ўтмиш тарихларда бу неча бор қайтарилган, ялакатмағиз катта улусларни парчалаган.

Умумтуркий дарё ариқларга бўлаклаб ташлангани етмагандай, чиғатой тилини адабий тилга айлантиришда лексик бой имкониятлар яна ҳам торайтирилган, бугунги ўзбек адабий тилига асос қилиб қарлуқ-чигил шеваларигина олинган. Масалан, жуда улкан ареал – қипчоқ лаҳжаси шеваларининг аксар бойликлари адабий тилга киритилмагани бизни қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд, олтой тиллари... умуман, Россиянинг марказий, ғарбий, жанубий, шимолий ҳудудлари, Олтой ўлкалари, Мўғулистон, Хитой ҳудудларида яшаётган туркий халқ, эл-элатлардан узоқ қилиб, лек-

сикамизни ҳам торайтириб қўйган, бинобарин, тилимизнинг ифода имкониятлари чекланиб қолган. Жаҳоннинг етакчи тиллари қаторига чиқа олмаслигимиз сабабларини ҳам шу ердан излаш керак. Бу менинг эмас, тилчи мутахассислар фикри ва бу ҳақиқат. Айни пайтда, лексикографиямизга ўғуз лаҳжаси шева бойликларидан жуда оз киритилгани учун, мана, бугунги кунга келиб усмонли турк ва туркман тилларини англашимиз қийин, ўқишда эса луғатга муҳтожмиз. Бу «илмий» тадбирлар оқибатида адабий тилимизнинг сўз бойликлари камбағаллашиб, ифода имкониятлари яроқсиз аҳволга тушиб боряпти. Гап тилимизнинг чиндан-да бугунги замон талабларига жавоб бера олиши ё бера олмаслиги борасида кетаётир.

Тескари иш қиялпимизи дейман. Тепада мен келтирган мисол майда, аммо катта ҳам майдадан каттаради. Ҳозир биз ОАВ, телевидение-радио тилини ҳар биримиз ўз маҳалламиз, туман-вилоятимиз шеваларига тортқиласак, бу майдаликлар ёриғи эртага жарликка айланади, алал-оқибат ўзбек миллатининг ҳам бутунлигига таҳдид солади. Бу ваҳима гап ё муболаға эмас, энди уч бериб ўсаётган хавф. Миллатнинг ялакатмағизлигига даф қилаётган хатар! Наҳотки, бўрини кўриб туриб ўзимизни асрамасак, узоқ ва яқин ўтмишдаги бўлинишлар сабоқ бўлмаса!

Соҳибқирон бобомизнинг «Бизким мулки Турон, амири Туркистонмиз, миллатларнинг энг қадими ва улуғи туркнинг бош бўғинимиз» деган гапларини айтиб фахр қиламиз-у, бу ўғит-васиятни танзимизга олмаймиз.

Туркий чигатой, яъни ҳозирги ўзбек тилимиз ўтмишда барча туркий эл ва элатларга тушунарли бир ўзак тил эди. Турк Юнус Эмро, туркман Махтумқули, озар Фузулий, қозоқ Абай, қорақалпоқ Бердақ битта тил дарёсидан баҳра олган ва бугун уларни ўгириш ҳам унча шарт эмас. «Алпомиш», «Гўрўғли», «Манас», «Ўғузнома», «Қўрқут ота» бир тил заминида яратилган. Бу тилнинг бош бўғини – шу, она тилимиздир. Уни асраб-авайлаш, унинг шева-лаҳжалари тоза булоқларидан яна сув олиши фақат ўзимиз учунгина эмас, қардош тиллар ривожини учун ҳам ниҳоятда керак. Тилда олди-берди ўзимиз учун-да сув билан ҳаводек зарур.

Негаки тилимизнинг оҳори тўкиляпти, тақирланиб бора-

ётир. Гулу чаманзор бўлиши лозим замин сувсиз биёбонга айланаётир. Гап фақатгина чет истилоҳлар истилосида эмас, тилимиз ичдан емириляпти: «Мен ёлғиз қолишни хоҳлайман» – нима дегани бу, эри ўлиб, бева қолишни истаяптими ёки ёнимдан кетинг демоқчими? Қайси тилда бу? «Мени ўз ҳолимга (тинчимга) қўйинг», – деса бўларди-ку! Йўқ, шунақа бесўнақай гап қулоғимизга ҳар куни қайта-қайта қўйилади, шундай гапиришни одатга айлантиради. «Айиқларнинг билиш қобилиятлари жуда ривожланган», «Юзлаб шундай иплар осилиб туришади» (Форда тепадан силқиб тушадиган олтингугурт кислотаси ҳақида), «Барнео қурбақалари мана шундай имо-ишоралардан фойдаланишади», «Улар истаганча яшашимга имкон беришади» (баланд биноларга тирмашиб чиқадиған анув одам ўз оиласи ҳақида), «Ҳозир кайфиятингни кўтаришга ҳаракат қилиб кўраман», «Қайнатилган қозондаги сув бунчалик буғланмайди», «...дастлабки мағлубиятни қабул қилиб олган», «Анча паст туриш ҳолатига эга» (боксчи ҳақида), «Табиатга нооқилона муносабатда бўлиш...» – мен бу ўламса бирикмаларни эътиборингизни тортиш учун мисол келтиряпман. Бўлмаса, ўзингиз ҳам ҳар куни мудом эшитасиз. Нафақат ортиқча, сунъий сўзлар, балки жумланинг таркиби, лексикаси ҳам бузук. Шу бузуклик урфга, қоидага айланиб, тилимизни чок-чокидан сўкиб юбораётир. Баъзан Худога шукр дейман – ҳалича кўпимиз сўзлашувда шундай бурама-бурмали гапирмаймиз, тўғри, равон, оғзаки тил меъёрларига беихтиёр амал қилиб сўзлашамиз. Лекин ОАВга чиқишимиз билан тилимиз айнийдиган бўлаётир, ОАВнинг айниган тили нуқси қайтиб ўзимизга уряпти.

Оддийгина мисол: «Янги йил муборак!» Ҳамма ерда шундай ёзадиган бўлдик. «Бўлсин»ни қўшмаганимиз боис, жумла маъноси силжиб, йил бизга эмас, ўзига муборак бўлиб қоляпти. Худди гапиришга арзимайдигандек туюлади бу ҳам. Лекин шундай ёзиш ва ўқиш одатга айланиб бораётгани одамни сескантиради. Бир синглимиз чиқишини ҳе йўқ, бе йўқ, саломсиз: «Омонмисиз, азизим?» – деб бошлайди. Салом қани? Нима, биз экранга қараб ўтирганлар ур-тўполон муштлашувдан чиқдикми, омонлигимизни сўрайди. «Мен сизлар билан хайрлашаман» – гўё бизга қараб бир ўн киши гапирётган эди, шулардан биттаси биздан аразлаб

қолди! Нимага хайрлашади, юз кўрмас бўлиб кетгулик қилганимиз йўқ-ку? «Хайр» билан «хайрлашаман»нинг фарқига бормаса, «Кўришгунча, омон бўлинг», – деб қўя қолсин – шу кифоя-ку!

Демоқчиманки, ўз тилимиздаги сўз, ибора, бирикмаларнинг маънисига бормаслик кўникма бўляпти ва бу айланиб келиб ёшларнинг тилини бузаяпти.

Катталар эса эътиборсиз.

Шу гапларни айтяпман-у, лекин, масалан, менга телевизорда футбол матчини шарҳла десалар, ўзим ҳам шу «Коптокни боши билан уриб киритди», «Коптокни оёғи билан олиб қочди» каби сунъий иборалар тортанагида типирчилаб қолсам керак, чунки тинмай такрорланадиган шу «зарбаю кучли зарбалар»дан каллам гангиб, очик гап, шарҳнинг ҳақиқий тили қандай бўлишига ақлим ҳам етмай қолган. Жумла ўзбекча, шарҳловчи (шуни бемалол «шарҳчи» деса ҳам бўларди) ўзбек, сўзлари ҳам ўзбекча, лекин шарҳи ўзбекча гапиришга ўхшамайди. Футболчи оёғидан, бошидан, умуман, ҳамма ёғидан нуқул «жароҳат олади», оёғи қайриладими, лет ейдими, эти ё пайи чўзиладими, боши ёриладими, сийриладими, суяги дарз кетадими, фарқи йўқ – «жароҳат олади», тамом! Бошқа сўзни қўлламаймиз. Ҳолбуки, тилимизда «жароҳат» – очик шикаст. «Жароҳат» билан «яра»нинг ҳам фарқи бор. Хужум қилинмайди, балки, албатта, «уюштирилади» ё «амалга оширилади». Барака топгур, жилла қурса, «хужумга ўтди» де, нима қанақа «амалга оширилаётганини» кўриб турибмиз-ку. Копток тепилмайди, балки «зарба берилади». Яна қаранг, икки боксчи муштлашяпти, биттаси кўпроқ мушт еяпти, «зарбаларни қабул қиляпти» экан, чидаш беряпти, шу «ютқизиш ниятидан воз кечмоқчи эмас» деб кейин гўё тўғриланади: «Ютқизиш ниятидан чекинмоқчи эмасга ўхшайди». Эй жўра, гапинг ўхшамайди, ахир, боксчи «ютқизиш ниятида» эмас, балки ютаман деган умидда ўртага тушган. Ютқизяпти, аммо ҳали ўминини узганича йўқ. Кейин нимага у фақат «жанг қилади», уруш жабҳасида эмас-ку, «жанг уюштиради» – бир ўзи-ку, бу ишга яна нечта боксчини уюштирган бўляпти? «Урди», «муштлади», «туширди», «солди» (масалан, кутилмаган «зарба-а!»нинг ўрнига «со-ол!», «у-ур!» футболда «те-еп!»)

каби синонимлари тилимизда кўп-ку). Нуқул «зарба» билан «жанг» қиладилар бу чулчит тилида. Ҳимоя қилмайдилар, балки «ҳимояни амалга оширадилар». Бир кишига «зарба»-га нима бало бор, ўзимизда «тепки» деган сўз турибди-ку десам, э-э, энди бунақа деб бўлмайдиде деди у ишонч билан. Нимага бўлмас экан, бошдан шундай ишлатганимизда жуда бўларди-да! Ҳозир «жарима тўпини тепди» примитив туюлади-да, «жарима тўпини амалга оширди» деймиз. Завқингиз ҳам келади: «Боксёр кўп зарба қабул қилаётган бўлса-да, икки оёғи ёрдамида тик туришга эришяпти». Куласиз ҳам, қизиқчилик: «Жанг (боксда) бошқача суратда ривожланиши мумкин», «Шунда оёқларида туриб зарбаларни давом эттиряпти», «Босим уюштиришга ҳаракат қиляпти». Қизиг-а: «У ҳужумни ташкил этишга уринди» – бир боксчи ўзи билан ташкил қилади! «Тана қисмига йўлланадиган зарба ҳам ўз самарасини бериши мумкин» – бунақа гапларга гап топиб бериш ҳам қийин.

Ўн йиллардан ошиб кетди, русча «доброе утро», «добрый день», «доброй ночи», усмонли туркчадан «ийи сабаҳлар», «ийи гунлар», «ийи гежалер», «ийи акшамлар», «ийи уйкулар» («ийи» – эзгу, эзгулик; туркчада тилак билдиришнинг «хайрли...» муқобили ҳам кенг қўлланади) ёзма тилимиздан «хайрли тонг», «хайрли кун», «хайрли тун» тарзида, хусусан, телевидениенинг кино ва таржима сериаллари туфайли болалаб, ёзма тилимиздан жой олиб бўлди. Усмонли туркий бизга тушунарли, чунки туби бир тил, лекин сўз қўллашдаги тафовутларни бефарқ таржимонларимиз фарқлаб ўтирмайдилар. Энди бу «ишончим комил», «қарорим қатъий», «унинг севгисини рад этаман» каби ясамалар оғзаки тилимизга ва ҳатто шеваларга ҳам ўтиб кетаётир.

Чет истилоҳларнинг она тилимизга киришига меъёрида йўл қўйиб бериш билан уларни ўрганишни аралаштирмаслик керак. Лекин, масала шундаки, чет истилоҳни, ўз онгингизда айни луғавий маъно ифодаси – миллий сўз бўлмаса, қандай англайсиз, ўрганишда нимага суянасиз, хорижий истилоҳни нимага қиёсан тушунасиз? Англаган онг – тафаккурнинг сийрати бу сўз. Миллий сўз чет тилни ўрганишда замин, шу боисдан ҳам она тилимизни қанча теран билсак, чет тилни шунча пухта ўзлаштирамиз. Бу оддий аксиома.

Мана ўйланг, масалан, ўзи асли ўзбек бўла туриб болалигидан русча боғчага қатнаб, русча мактабда ўқиб ва, табиийки, кейинги ҳаёти давомида оврупоча ҳаёт (бу ҳам бир гибрид тушунча, таъсири жиҳатидан саёз) муҳитида яшаган одамларнинг тили ҳаминқадар, фикрлаш тарзлари на у, на бу бўлиб қолади. Тил заминидан оёғи ўзилгандан кейин, тафаккур таркиби ҳам ўзгаради, бузилади. Бунга, бадий адабиётимиз ҳам бир мисол. Ўзи ўзбек бўла туриб бошқа тилда ёзган истеъдодларнинг асарлари ўзбек заминидан унча илдиз ота олмади, ҳатто уларни таржима қилганда ҳам ташқаридан қараш, бадий тафаккур бегоналиги аён сезилиб қолади. Чет тилни ўртадаги бошқа тил орқали ўрганишда шуурда шу ҳол юз беради.

Тилимиздаги асл сўзлар маъноси, оҳанги билан тушунча, кечинма, ҳаракат, нарса, ашё, манзара, ҳолатни аниқ кўз олдимизга келтиради, фикрни теранлаштиради. Бошқа тил, бошқа маданиятдаги одамни тўла англамаганимиз каби ўзимиздаги нарса ва ҳодисаларга уларнинг атамаларини қўлласак, ақлимиз ҳам шундай ётсираб туради, тушуниб турганимиз билан, сўзнинг ички маъно ифодалари шуурга бегоналигича қолади.

Миллий истилоҳларни излаб топиш, янгиларининг қандай илдиз, аффикс, суффикс, префикслардан ясалиш қоидаларини тилчиларимизга қўйиб берайлик, бу иш уларсиз битмайди ҳам. Бизнинг фикрларимиз ундаш, холос. Миллий тилнинг истеъмолда келаётган сўзларидан сўз яшаш, буни билган тилчиларимиз учун тинкани қуритадиган оғир, кенг кўламли, лекин қилиб бўлмайдиган иш эмас. Худди шундай, шеваларимиздан сўзлар олишнинг меҳнати бор, менимча. Яъни улар адабий тилнинг меъёр, қоидалари ва орфография шартларига мослаштириб истеъмолга киритилиши лозим, бу ҳам мутахассислар юмуши. Фақат тайсалламаслик керак. «Ўқувчи», «ёзувчи» каби нисбатан «ёш» ўнлаб истилоҳлар ҳам илк истеъмолга киритилганда ғалати туюлган бўлса керак: «адиб», «нависанда», «талаба», «толиб» каби ўрганган сўзларимиз турганда буларга на ҳолат деб. Лекин ҳозир муомалада табиий бўлиб кетди, арабий «адиб», «талаба»га қараганда кенгроқ кўламда истифода этилади. Шеваларимизда эса адабий тилдан четда қолаётган бошқа муқобил-

лари ҳам бор: «ёзарман», «ўқирман». Негадир, шу «+ман» қўшимчали сўзлар адабий тилда жуда сийрак, бу суффикс имкониятларидан янги сўз ясашда фойдаланмаймиз. Аҳоли тилида эса кенг қўлланади: «Бу сотарман, у оларман бўпти. Бу оларман, қиз тегарман». Мана, «Зоминнинг тил қомуси»да шунақа «-ман» қўшимчаси билан ясалган, адабий тилга кирмаган йигирмадан ортиқ сўз келтирилади. Яна бир мисол: «+гилик», «+гулик» каби қўшимчалар билан ясаладиган «боргулик», «кетгулик», «келгулик», «ўтгулик» («ўтгилик») адабий тилда жуда сийрак, аҳён-аҳёнда, бу ҳам бадиий асарларда қўлланиб қолади. Истанбул кўчаларида енгил уловлар кўчада қатор териб сотувга қўйилган, ҳаммасининг олд ойнасида «сатилик» деган ёзув. Демак, сотилади, тушунарли, лекин бизга ўхшаб «сотилади» тарзида китобий эмас. Бизда унинг айнан шундай түб туркий, лўнда муқобили борми-йўқми деб роса ўйлаганман. Яқинда «Қашқадарё халқ сўзлари»ни варақлаб айниятини топиб олдим: «сотқилик!» Ўзимизнинг сўз! Ёнимизда турган! Халқ бемалол қўллайди. Биз эса русча «продажа»дан олиб, мас., «уй сотилади» («дом продается»), «сотиладиган уй» («дом на продажу») деб бирикмани сўлжайтирганмиз. «Балиқлар тозаловчилик вазифасини бажаради» – бу не жумла эканини баҳолашни ўзингиз «амалга оширинг»!

Бунақа ҳолатларда, майли, луғат титкиламайлик, ўзимизга қулоқ солайлик: сўзлашув – жонли авом тилимиз минг кўргиликка дуч келаётган бўлса-да, ҳали ҳам бой, асл сўзларимизнинг маъноси теран, кўлами кенг.

Ўзимиз ҳар куни тасарруф қиладиган таниш сўзларнинг жуда кўп нотаниш маъноларини топиб ҳайратга тушаман. Кундалик истеъмолда бисёр сўзлар қўллаймиз, кўпинча унинг келиб чиқишига эътибор бермаймиз. Мана, «боқиш», «боқмоқ» сўзини олинг, ўндан ортиқ маъноси бор. Ҳазрат бобомиз «Мухокамат ул-луғатайн»да «йиғламоқ»нинг ўн тўққизта синонимини келтиради. Профессор Тўра Нафасов ўз тадқиқотида «қора» сўзининг ўндан ошиқ маъноси ва етмишдан ортиқ маъно товланишини мисол қилади. Гапим ҳавойи бўлиб қолмаслиги учун шу парчани кўчирма қилай. Ўқинг, сизга ҳам қизиқ:

«1. Пишган гўштнинг ёғсиз қисми*. Гўштнинг қорасини

ҳамма яхши кўради. 2. Жонли мавжудотлар тўдаси.* Қора-да кўрсам, кўнглим тўқ. 3. Улоқни чавандозлар тўдасидан олиб чиқиб маълум бир масофадаги белгига олиб бориб ташлаш.* Қорани олдим. Қорани олчикди. 4. Қорамол.* Беш-ўнта қорам бор. 5. Эр.* Мени қораси йўқ аёл деманг. 6. Эга.* Ҳамманинг қораси бўлсин».

Энди яна қаранг:

Қора бермоқ – пайдо бўлмоқ.* «Бирдан отаси қора берди. **Қора босмоқ** – оғир хасталанмоқ. **Қорага бормоқ** – каттароқ ёшга етмоқ.* Бир қорага бориб қолибди. **Қорага етмоқ** – бирон мақсад, мартаба, обрўга эришмоқ. **Қора йўл** – юриш қийин, созланмаган (йўл). **Қора қиш** – ёғин-сочин (қор)ли, қаттиқ совуқ пайт.* Қора қишда мол боқиш ҳазилми? **Қора овқат** – гўштсиз пиширилган (овқат). **Қора пиёда** – улов (эшак, от) ёки транспорти (енгил ё юк машинаси) бўлмаган.* **Қора пиёдаман**. Қандай бораман қора қишда? **Қора хуптон** (хуфтон) – қоронғи тушиб, атроф қоп-қоронғи бўлган вақт.* **Қора хуптонда танимадик**. **Нарса-қора** – бисот, бойлик, уй анжомлари ва моллар. * **Нарса-қораси кўп**, тўй қилса бўлади.

Шевашунос олим «қора» сўзи иштирокида ясалган яна етмиш битта истилоҳни луғавий маъноси билан бирма-бир кўрсатади!

Бир истилоҳнинг кўлами шундай кенг ва теран! Ўзингиз Б.Тўйчибоев, Қ.Қашқирлининг «Зоминнинг тил қомуси» китобини варақлаб кўринг, адабий тилда ишлатилмайдиган ана шундай сўз, мақол, маталларнинг юзлабига дуч келасиз. Шеваларимизда бойликларимиз кўмилиб, устидан шўро тупроғи тортиб қўйилган. Биз эса сўз ахтарамиз, ўз истилоҳларимиз жўн, примитив, бугунги кун терминологиясига тўғри келмайди, тилимизда чет атамалар муқобили йўқ, деб ўзимизни таназзулга ростлаймиз.

Излаш, изланиш керак. Сўз ҳам тирик, тил дарёси оқи-мида нафас олиб яшайди, таъбир жоиз бўлса, урчийди ҳам. Биз эса ўз сўзларимизни жонсиз қиялпмиз ҳамда уларнинг устига кўп кушанда қўйиб юборяпмиз.

Бугунги кунда гўё соф ўзбекча сўзлардан тузилган бирик-маларларнинг сунъийлиги, бир сўз ифода қиладиган тушун-чани тўрт-беш сўз билан ифодалашга ўтиб кетаётганимизга

ажабланасиз. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» қирқдан ортиқ йўналишда парвозларни амалга оширади», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» истиқбол сари дадил қадам ташламоқда», «Бундай уйғунлик ҳамма ўсимликлар томонидан амалга оширилавермайди» – сиртдан ўзбекчага ўхшаган мазкур жумлаларни тилчи олимларимиз бир лексема қоидаларига солиб текширсалар нима бўляпти ўзи деб ташвишга тушиб қоладилар.

Сўзга эътиборсизлик, бепарқликдан у ўлиши ҳам, аниқроғи, бошқа сўз унинг ўрнини эгаллаб, ўлдириши ҳам мумкин. Мана, ҳаммамиз «ахлат»ни оғизга оладиган ва бунинг нақадар бемаънилигига эътибор қилмайдиган бўлиб кетдик: «Ахлат ташлама! Ахлат мошин келди. Ахлат челакни тўкиб келаман». Миллий ахлоқу одобимиз тагида покизалик ётади. Ахлат эса нажосат, инсоннинг экскременти. Маъноси-ни билган одам шу сўзни ёзишга ҳам ийманади. Ахир, уйимиздан чиққан сабзавоту мева пўчоғи, овқат сарқити, супуриндини шундай деяпмиз! Фариштали келинлардан тортиб нуроний тақволи буваларгача. Жонли, авом тилида ҳам, ОАВ ёзма нутқида ҳам эътиборсиз «ахлат» деб қўллайверамиз. Ҳолбуки, тилимизда асл маъносини берадиган «чиқит», «чиқинди» каби беш-олтита истилоҳ безга ётибди. Аммо буларнинг устидан русча «мусорь»дан кўчирма ўгирилган «ахлат» босиб қолди. Қизиф-эй, «тезак», «тезаклади» турганда, каптару чумчуқдан каркидону филгача – ҳаммаси «ахлат ташлайдиган ё сочадиган» бўлиб кетди. Дарвоқе, телевидениега раҳмат, яқиндан бери ора-сира «чиқит»ни қўллайдиган бўлди.

Бунақа бесўнақай, русчадан ҳайдашовур ўгириб олинган сўз ва мантиғи бетайин иборалар умумтилимизда симга тизилган очофат чуғурчуқдек қатор-қатор. Юқорида айтганим, спорт шарҳларининг шу жиҳатига бир зеҳн солинг, абракадабра гаплардан эсингиз оғиб кетади. Лекин шу рус-инглиз-немис-француз-лотин лаҳжаларини солиб (спортнинг истилоҳ-атамалари ҳам бор-ку) ўзбек бўтқасини «қайнатишни бемалол амалга ошириб» ётибмиз, «жараён қойилмақом ташкил қилинган». Ҳамма жойда ҳам таржима ишларида бир гуруҳгина одам бор, улар эса ўзлари билган бир туркум сўз ва иборалар билан чекланиб қолганлар. Лексикон деган

нарса жуда қашшоқ! Дейлик, шу «ҳужум уюштирди», «нападал» таржимасида ўрнига қараб «ташланди», «босди», «даф қилди», «қувлади», «изига тушди», «дориди»... Масалан, битта дарранда ўзи қанақасига ҳужум уюштиради? Билмадим, бунақа ёзиш, гапиришни энди тузатиш қийин-ов, лекин шу ҳолида қолдириш ҳам она тилимизга нисбатан нонқўрлик!

Ўтириб олиб тилимизда бугун истеъмолда бўлаётган сўзларни бир тафтиш қилиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш, яъни тилимизни тозалашимиз керак. Чунки чиқитга тўлиб боряпти, чиқит асл истилоҳларни босиб кетяпти.

Она тилимизга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Тилимиз хароб аҳволга тушиб боряпти, уни қайта жонлантириш учун ҳаялламай иш бошлаш керак.

Ўзим унча чуқур билмайдиган мавзу устида беш-олти ойдан бери ўтириб анча ёзиб енгил тортганимдан кейин иккилана бошладим: тилимиз аҳволи ҳақиқатан ҳам шундай таҳликалими ё таҳлика меникими? Чунки ўйлаганим сари гирдобга ютилиб кетаётгандекман, тилимизни асраш борасидаги муаммолар ҳам ниҳоятда чуқурлашиб, сира кечиктириб бўлмайдиган доли зарбдек. Бошқа мамлакатларда ўз миллий тиллари аҳволи қандай экан, уларда ҳам ўз тилига қайғуриш борми-йўқми ё иллатлар қўрққанимдан кўзимга шода-шода кўриняптими? Рус тилининг Россияда қандай улуғлангани ва бу жаҳоний тилнинг бугунги аҳволи ҳақида унча-мунча биламан: жуда кўйиниб ёзишларига қараганда, биздагидек глобаллашув экспансиясига учраган. Бўлмаса, дунёни лол қилган доҳиёна асарлар яратилган ноёб ақиқ тил! У ҳам худди биздагидек чет истилоҳлар, чет тамойиллар босқинида инграб ётибди.

Бу борада, масалан, французлар ҳар жиҳатдан ибратли. Умуман, ривожланган давлатларда ўз миллий тилларини асраб-авайлаш, янги имкониятларини очиш, тилни жамият ҳаётида муносиб ўринга кўтариш, мамлакат ҳудуди ва ташқида тасарруфининг меъёрларини белгилаш қонуний йўлга қўйилган. Бунда асосий урғу миллат тилига берилади. Қонун масаласида бизнинг ҳам нолишимиз инсофдан эмас. Давлат тили ҳақидаги қонунимиз анча эркин-у, лекин бизга бир дунё

имкониятлар очиб беради. Гап унга қандай амал қилишда, яъни ўзимизда. Худди шунинг учун ҳам, масалан, французларга эргашгулик. Энг аввало, ҳар бир француз ўз тилини миллий бойлик, француз руҳияти ифодаси деб ўрганган ва бундан ифтихор қилади. Тилни бузиб қўллашни ор деб билади. Француз тилига беписандлик ориятни поймол этиш деб қаралади. Улар фақат ифтихор қилибгина қолмайди, жаҳоннинг шундай маданият маркази, Оврупо борди-келдилари ва турли тиллари чорраҳасида француз тилининг асл софлигини сақлаш, муҳофаза этиш борасида аниқ чора-тадбирлар билан иш кўрадилар. Бўлмаса, таъсири дунёга ёйилган: Франция, унинг денгизорти мулки ўлкалари, собиқ мустамлакалари, Канада, Бельгия, Швейцария, Ливан, Люксембург, Монако, Марокаш, Жазоир, Тунис, Кот-Д'Ивуар, Конго Демократик Республикаси, Нигерия, Сенегал, Гаити, Маврикий каби Марказий ва Шарқий Африка давлатлари, Лаос, Камбоджа, Вьетнам каби Осиё мамлакатлари, Мексика, АҚШнинг Луизиана штати ва Бельгия, Швейцария, Канадада яшовчи француз аҳолиси (уларда француз тили расмий деб тан олинган)... Ўттиздан ортиқ мамлакатнинг миллий тили! Унда 130 миллион одам гаплашади, 200 миллион одам эркин фикр юрита олади. Франкофония (аҳолиси француз тилида гаплашадиган давлатлар уюшмаси) 56 давлатни аъзо ва 14 давлатни кузатувчи мақомида ўз атрофига уюштирган. Бу ишларнинг ҳаммаси француз руҳиятининг, миллий маданиятининг ифодачиси – тилнинг яшовчанлигини таъминлаш учун!

Қарангки, шундай қудратли, таъсири кенг кўламли тил глобаллашув гирдобининг кўзида ва уни бошқа тиллар таъсиридан ихоталаш керак экан!

Керак экан – қилиняпти! Айни шу глобаллашувдан ҳимоялаш учун қонунлар қабул қилинган. Жумладан, бири – 1975 йили француз тилини ёт таъсирлардан муҳофаза қилиш, иккинчиси – 1995 йили француз тилини англо-американ ва бошқа тиллар, ўзга маданиятлар таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида (Жак Тубон қонуни). Айнан ҳимоялаш учун, бўлмаса, давлат тили ҳақидаги қонунлари азал-азалдан бор. Бу қонунларда француз тилининг расмий, норасмий муомалада қандай қўлланиши, унга хорижий истилоҳлар киритиш

тартиблари, жамоат жойларидаги эълон, реклама, дўкон, ресторан, қаҳвахона, нақлиёт, умуман, кўз тушадиган барча жой ва ўтадиган тadbирлардаги ёзувлар, ҳатто мамлакатда бўладиган халқаро учрашув, илмий конференцияларнинг ҳам француз тилида бўлишигача мажбуриятлар белгиланган. Айтишадики, француз тилида муқобили ва ё ясалиши мумкин бўлгани ҳолда четдан истилоҳ киритилган расмий ёзишма ҳам инобатга ўтмайди. Ҳатто кўча нақлиёти, реклама матнлари, жамоат жойидаги ҳар қандай ёзув, ёрлиқларда француз тилида муқобили бўлган ё ясалиши мумкин чет сўз ишлатилса, жаримага тортиш, ўша мулкни, кимга тегишли эканидан қатъи назар, мусодара қилишгача борилади. Ёзишлари, ўтган йили махсус рейд ўтказилиб, 1236 та тилда қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилган, 33 ҳолатга нисбатан суд ҳукми чиқарилган.

Бу ишга бош вазир ҳузуридаги Олий комиссия бош-қош; Институт (Фанлар академияси шундай номланади) ҳузурида бешта ассоциация нафақат англо-американ экспансиясига учраётган француз тилининг тозалиги, балки француз руҳияти ва миллий ўзига хослигини сақлаш учун ҳам масъул. Ёзувчилар, маданият арбобларидан иборат «барҳаётлар» (институтга аъзолик бир умр) давлатнинг француз тилини муҳофаза қилиш дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишини доимий назоратда ушлайди. Декрет, циркуляр, директива, инструкция... боринги, барча расмий ҳужжатларда институт розилиги ва рухсатисиз четдан биронта янги истилоҳ киритилиши мамну. Бунинг учун давлат қарамоғидаги «Журналь оффисье́ль» ва бошқа ассоциацияларнинг нашрларида янги атамалар, тавсиялар мунтазам бериб борилади. Яъни қонун амали ҳам давлатнинг зиммасида, тегишли ишларни у бошқаради.

Э-э, хуллас, «Ўзгага қилма ҳавас, сенга ҳам ҳавас қилгувчилар бор». Французларнинг қонунлари бизникига солиштирганда қаттиқ, қатъий, бизнинг қонунда «зарурат туғилганда»си кўп-у, барибир ўзимизники. Асосийси, бор! Биз шу бориға қатъий амал қилайлик. У ёғига тилнинг ўзи руҳиятимизга, ориятимизга йўлини очиб олади, бебаҳо миллий бойлик сифатида қайта жилоланади, ўзлигимизни ёриштиради. Ҳозир уни тушовлаб турибмиз, гўё ўз-ўзича

яшайверса бўладигандек. Миллий ғурур эса барчамизда бўлиши керак. Кундалик ҳаёт ташвишлари, моддий сиқинтиликлар кўнглимиз ўстуни, ўзлигимиз таянчи, миллий ориятимизни – тилимизни босиб кетмаслиги керак. Чунки бу она тилимиз минг-минг йиллардан қаддимизни тик тутиб келаятирки, энди замон шамолларида тиз бўкиб қолмайлик!

Хуллас, тилимизнинг бугунги аҳволи ҳақида гапирсак, гап жуда кўп-у, лекин бу ёғини ўзингиз ўйланг: хулосага келиш, хулосадан амалга ўтиш сиздан...

HA

HE

HF

HG

HH

HI

HJ

HK

HL

HM

HN

HO

HP

HQ

HR

HS

HT

HU

HV

HW

HX

HY

75

76

77

78

79

80

81

82

83

84

ҚАЛАМ АҲЛИНИНГ ЖОН ОЗИФИ – ТИЛ

таниқли адиб, таржимон
Аҳмад Аъзам билан мулоқот

Ў.М.: Аҳмад ака, она тилимизнинг жозибадорлиги, унинг софлигини сақлаш, шу билан бир қаторда, тил қонуниятларининг бузилиши ҳақида матбуотда қилган туркум чиқишларингиз барчага масъулият юклайди. Сиз тилни улкан бир дарахтга ўхшатасиз. Уни тарбиялаш, озиқлантириш, керак бўлса, бачки новдалардан тозалаб туриш зарурати ҳақида омади гаплар айтилган. Ҳақиқатан ҳам, тилимизнинг ҳозирги ҳолати бир дарахт мисолида жуда содда ва яққол ифодасини топган. Бугунги суҳбатимиз мавзуси – тил қонуниятларининг бузилишига сабаб бўлаётган омиллар. Бу ҳақда ўз фикрларингизни қисман баён қилгансиз. Мақсадга ўтадиган бўлсак, ўзингиз таъкидлаган «авом»да ҳам айб йўқ. У кўрганига, эшитганига амал қилади. Бизнингча, асосий муаммо она тилини ҳурматлаш, тўғри қўллаш, ундан фойдаланиш жараёнида савия, малака, балки масъулиятнинг етишмаётганидир. Бошқа миллатнинг тилида гапираётиб иборани хато қўлласангиз, дарҳол тўхтатади. Сўзни тўғри ифодалаб йўлга солади. Бу шахснинг кўникмасига боғлиқ. Ўзингизга маълум. Одам гапирмасдан туролмайди. Ёки ундай гапир, бундай гапирма ҳам деб бўлмайди. Шундай экан, инсонда тилга муносабатни, уни ҳурмат қилиш кўникмасини қандай шакллантириш керак? Одам гапираётганида қандай таомилларга риоя этгани маъқул, нима деб ўйлайсиз?

А.А.: Ундай гапир, бундай гапирма деган тарбия оиладан берилиб, тил муҳитида – жамиятда камол топиб боради. Бу камол топиш – ўсиш бесўнақай бўлиб кетавериши ҳам мумкинки, бу ҳам шу тил муҳитига боғлиқ. Ҳозир чет истилоҳлар аралашмаган, матбуот тили ифодаларини ўзгартир-

маган биронта мутлоқ соф шева қолмаган, энг овлоқ тоғларимизда яшаётган эл-элатларимиз борки, радио, телевидение, газета-журнал етиб бораётган бўлса, бу ердагиларнинг лаҳжалари замон равишидан таъсирда, яъни ўзгаряпти: ҳам бойимоқда, ҳам қашшоқланмоқда.

Мен Тошкентнинг қадим мавзеларидан бири қадим маҳаллада тураман. Маҳалламиз кўчаси ёқалаб четлари семон қилинган бир ариқча жилдирайди, унда сув бўлиб сув, маъзава бўлиб маъзава эмас, ишқилиб, ирганч бир суюқлик, одамларнинг уйидан чиққан ювинди, оқинди ва ҳатто... майли, бу ёғини айтмай, лекин оқади. Узоқдан росмана ариқчага ҳам ўхшайди. Бир куни ариқчамиз тўхтаб қолди – сув қувурларини таъмир қилаётгандилар. Бир ёши ўтган кўшним билан гаплашиб тургандим, шу киши: «Э-э, буни қаранг-а! Болалигимизда шу ариқда чўмилар эдик, нон оқизоқ қилиб ер эдик!» – деб ҳасратини айтиб қолди. Темир-бетон семон ўзанчасида алламбалоларни юмалатиб ўтадиган ариқча жониворга қараб ҳайфим келди: наҳотки, шундан бир вақтлар тоза сув оққан бўлса! «Эллик йилнинг нари берисида-я! – деб амаки яна ҳасратланди. – Ота-боболаримиз сув ичган ариқ! Яна эллик йилдан кейин нима бўлар экан?!»

Бу мисолни нимага айтаётганимни тушуниб турибсиз, буни ҳаммамиз тушунамиз: табиат ўзгаряпти, табиатни башарият бузаяпти – буни табиатнинг ичида кўриб-билиб ўтирибмиз. Э-э тавба, ҳатто ер курраси атрофи коинотни ҳам миллионлаб чиқитга тўлдириб ташлабмиз, ракета, сунъий йўлдошга ўхшаган ҳар хил ускуна қолдиқлари сайёрамиз теграсида фик-фик гужғон айланиб ётибди экан. Мошдайи тўқиниб кетса, ўша минг тоннали ракетани гранатадек портлатиб юборади. Астаффируллоҳ!

Нима қиляпмиз?

Мен туғилган қишлоқдан Булунғур ариғи ўтади. Тийрамоҳдан кўкламгача суви, тагидаги чашмалардан йиғилиб оққани боис, тиниқ, топ-тоза бўлар, ҳовучлаб ичиб, обкашларда уйга таширдик: рўзғор шу зилол сув билан эди.

Ҳозир унинг сувини ичиб бўлмайди.

Уйимизнинг олдгинасидан Қипчоқариқ ўтади, унинг суви оқова аралашгани учун сал бўтана, бўз тусда, лекин кўз-

қишларда уни ҳам ичса бўларди. Ҳозир... буни сиз ҳам ўз қишлоғингизда кўриб турибсиз.

Бунга ҳам ўрганиб қолдик, энг ёмони ҳам шу ўрганиб қолаётганимизда. Яна шу ўрганиб қолаётганимизни эслатиб бу яхши эмас деган гапга ғашимиз келишида. Бунинг ҳам сабабини биламиз: табиатнинг бузилишини тўхтатишга кўп уриняптилар, машварат-келишувлар бўляпти, халқаро қонунлар қабул қилиняпти, давлатларга мажбуриятлар юкланяпти, аммо барибир бузиляпти, уни барибир бузаямиз, тиклашга энди унинг ўзидек куч керак, ҳар хил техник харажатлардан орттириб техноген жараёнга маблағ ажратишга кучимиз етмайди.

Биз эса тилимизни гапиряпмиз.

Она тилимизнинг ҳозир ва тақдирида кўп кўргилик, синовлар бор, лекин бузилиши бу қадар муқаррар эмас деб банди оғиз умид қиламан. Негаки, у яралган – яратилган, ҳаётий, ўзини ўзи тузатади, жилла қурса. Ўзи учун ўзи курашади, унинг табиати шундай. Уни халқнинг минг-минг йиллик тафаккур тажрибаси вужудга келтирган, вужуднинг тирклиги эса одамларнинг ўзига боғлиқ. Бевосита қалам аҳлига, билвосита афкор оммага, кенг маънода бутун халққа. Бинобарин, маданий савиямиз тилимизнинг бугун қандай аҳволда эканини белгилайди. Бу муаммони ҳар биримиз ўйлашимиз керак десак унинг фақат юза қисминигина кўраётган бўламиз. Масала тубдан кўтарилиши лозим.

Ў.М.: Мақолаларингизда таъкидлаган сўзлардан ташқари турмуш тарзимизга компьютер баробарида у билан боғлиқ талайгина сўзлар ҳам кириб келди. «Ахборот-коммуникация технологиялари», «статистик», «Интернет глобал тармоғи», «мобиль алоқа», «интерактив хизматлар» «электрон тўловлар», «онлайн алоқа», «электрон тижорат», «СМС-банкнинг», «мобил-банкнинг», «пластик карта» ва ҳоказолар. Бундай бўлиши табиий. Чунки турмушимиз шиддат билан ўзгарапти. Бу каби сўзларнинг муқобилини топишга зукко тилчилар улгуролмайди. Инсоният эса кутиб турмайди. Кундалик ҳаётимизда маълум бир фикрни ифодалаш учун ўзлаштира сўзларга эҳтиёж шу тариқа ортиб борапти. Тараққиёт шиддатига назар солсангиз бу ҳол ҳали узоқ давом этишига амин бўласиз. Қайсидир маънода уларни асли-

ча қўллашга мажбур бўлаётган матбуот ходимларини ҳам айблаш ноўрин. Сабаби, ҳар ким билганича муқобил изласа, ҳар хиллик вужудга келиши тайин. Биласиз, кечувдан ўтаётганда отни алмаштириб бўлмайди деган нақл бор. Шундай кезде қандай йўл тутган маъқул?

А.А.: Шундай қўйиб қўйсак, тилимиз ҳам айни глобал гирдобга чўкиб кетади. Сиз мисол келтирган ва келтирмаган истилоҳ, иборалар ҳаводан тушмаган, ё лотиндан қолган, ё инглиз, ё немис, ё рус тилидан ўтган, ўша тилларда бу сўзларнинг маъноси, луғавий илдиэлари бор. Ўша жаҳоний тиллар ҳозир бизга янгидан кириб келаётган тушунчаларни ифода эта оладиган даражада тараққий топган, шу тушунчадаги сўзларни яратган. Шундоқ экан, биз нимага яратмаслигимиз керак? Албатта, бу эшикни батамом тамбалаб, биронта ҳам чет истилоҳни киритмаслик дегани эмас. Аммо... нимага ўзбек туркийсидан муқобилини изламаслик ёки ёндош маънодаги сўзлардан янгисини ясамаслик керак? Биз шуни қилмаймиз. Қилсак ҳам, она тилимиздан шу қадар ўзоқлашяпмизки, бир чет тилдаги истилоҳни ўзимизга яқин туюлган бошқа бир чет тилдаги истилоҳ билан алмаштириб оламиз: «цивилизация» – «тамаддун», «астроном» – «мунажжим». Бу чет атамалар азалдан истеъмолда бўлгани боис тилимизга сингиб кетган. Лекин янгиларини ҳам киритяпмиз. Чиқиб кетганларини яна қайтариб олиб кияпмиз: «бухгалтерия» – «муҳосиба»... Мустақилликнинг илк йилларида истилоҳларни ўйламай шунақа «миллийлаштириш» оқибатида луғатимизни форсий «гоҳ-гоҳ» босиб кетди: «илмгоҳ», «олийгоҳ», «ўйингоҳ», яна бир нима «гоҳ»лар бор эди. «Институт», «университет», «стадион» тураверсин эди, бутун дунё шундай ишлатади. Эсланг, ўзимизда «қўналға» атамаси тайёр турган ҳолда «тайёрагоҳ» деб қолдик: ярми арабий, ярми форсий бу «иждод»дан «аэропорт»нинг ўзи яхши эмасмиди? Байналмилал «район»ни форсий «ноҳия»га алмаштирдик. Яхшики, кимдир барака топгур, ҳай, нима қияпсизлар деб қолди, шекилли, бу оламшумул «миллий тажриба» вақтидан сал ўтиб тўхтатилди. Лекин батамом эмас, форсий «-нома»лар қолди: «далолатнома», «баённома», «ишончнома». «Мажлис баённомаси» деймиз, ўзи шу мажлиснинг баёни ёзилса, яна нимага нома қиламиз? Ахир,

номанинг ўзи ҳам баён-ку. «Бухгалтерия», майли, арабий бўлсин, ўрганганимиз «ҳисоб» десак бўлади, шундай ишлата бошласак, сўз айна бухгалтериянинг маъносини қамраб олади. Аввал «ҳисоб бўлими» дейлик, кейин жараёнда ихчамлашиб «ҳисоб» сўзи «бухгалтерия» тушунчасини ифодалайдиган бўлади. Буни бошлаган ҳам эдик, лекин яна «бухгалтерия»га қайтиб олдик. Мана яна бир мисол, «танқидчи», «мунаққид» истилоҳини биз арабчадан олганмиз, шу маънони берадиган туркий атамани ишлатмаймиз. Ҳолбуки, ўз тилимизда бор – «синчи». Қўллай бошлайлик шуни, дастлаб ғалати туюлади, кейин ўрганишга айланиб, айна шу танқидчи маъносини тўла ифодалайдиган бўлиб кетади. Дейлик, мисол учун, уйғур тилида «телевизор» – «синолғу», «радио» – «унолғу». Бу билан уйғурлар замондан орқада қолгани йўқ, мазкур атамалар ўз маъносини тўла оқлайди («син» – ҳам кўриниш, ҳам сифат, ҳам қиёфани билдирадиган кенг маъноли умумтуркий сўз, «синолғу»ни мен қиёфа, манзарани олиб кўрсатувчи, «унолғу»ни, табиий, ун – овоз, товуш, оҳангни олиб берувчи деб тушунаман). Биз шундай ўзгартирайлик демаягман, мисол қилиягман. Мана, ўзим ҳам гапларим тил ҳақида бўлгани учун «тилшунос» истилоҳини қўллаягман, ўрганиб қолганман, нимага «тилчи» демайман? Ўрганганимиз – кўпчилик қилган ишни қилиш керак! Кўп фан соҳаларини форсийдан олиб «...шунослик», олимларни «-шунос» деймиз, туркий «-чилик» ва «-чи» қўшимчалари билан ясаладиган сўзлар қашшоқлик қиладигандек. Ўз тилимизни ўзимиз қадрламаймиз.

Тилимиз тарихига қарайлик, қандай йўл тутиш кўрсатилган, тажрибадан ўтган: атамалар муқобили билан баравар қўлланган, натижада кераги керак ўринда сақланиб қолган. Масалан, «Банотуннаъш – «Етти қароқчи» (китобларда русчадан ўгириб олинган «Катта айиқ» истилоҳи-да бор); «Каҳкашон» – «Сомон йўли»; «Дубби акбар» – «Темир қозик», баъзан «Олтин қозик» (халқ тилида), китобларда «Қутб юлдузи».

Бизда мазкур тушунчаларни берадиган истилоҳлар йўқ, бу жараёни тўхтатиб бўлмайди энди деб ўтиравермаслик керак. Тилни қандай секин-секин бузган бўлсак, энди шундай секин-секин, аммо муқаррар тиклашимиз шарт. Аввал,

мисол учун, байналмилал терминини муқобили ё таржима-си билан берайлик, «байналмилал», «яъни миллатлараро» тарзида, аралаш ишлатайлик, вақти билан саралангани тасарруфда ўзи қолади, униси секин чиқиб кетади. Биз эса бунақа ишларга ҳали қўл урганимизча ҳам йўқ. Бошлайлик, йўлнинг ўзи кўриниш беради.

Ў.М.: Ўзингизга яхши маълум, халқ оғзаки ижодидан ҳам, мумтоз адабиётдан ҳам замона зайли билан эндиликда талаффузимизга кириб келаётган халқаро миқёсда қўлланаётган сўзларнинг муқобилини излаб топиб бўлмайди. Шундай деймиз-у, аммо Владимир Далнинг луғатшунослик фаолиятидаги фидойилиги, она тилини бойитиш борасидаги жонбозлиги кишида ҳавас уйғотади. Сизнинг туркум мақолаларингиз туфайли тилга ҳурмат, эътибор масаласи яна юзга қалқиб чиқди. Бунинг учун раҳмат, албатта. Айтинг-чи, луғатшунослигимизнинг юзини ёруғ қила оладиган тажрибали қалам соҳиблари топилади, бор бўлса, кимдир масъулиятни ўз зиммасига олади деб ўйлайсизми?

А.А.: Бу улкан юмушга бир ёки икки одам ақл бўлолмайди. Айтяпман-ку, масаланинг туби жуда чуқур, мен юза қисмини ўзим билганча айтяпман.

Тил жараёни ўзича осойишта оқаётган дарёга ҳам ўхшайди, аммо унинг гулларида нима бўлаётганидан беҳабар қол-япмиз.

Тажрибали қалам соҳибларимиздан бир неча мард, балки, ўз зиммасига олар, аммо иш айна шу луғатчиларимизсиз унмайди. Тилшунослик – тилчилик фанида неки соҳа бўлса, ҳаммасининг билимдонлари нафақат бош қўшиши, бошларни қовуштириши керак. Чунки қилинадиган ишнинг кўламиниҳоятда кенг, эътиборсизлигимиз эса баттар ялпайтириб юборган.

Солиҳ Муталлибов нашрга тайёрлаб берган «Девони луғатит турк»нинг босилганига қанча бўлди? 1960 йили экан, эллик уч йил бўлибди. Буюк тил обидаси «Қутадғу билиг» заҳматкаш олим Қайом Каримов тенгсиз меҳнати билан табдил қилиниб, 1971 йили босилган (айтишларича, шу киши «Қутадғу билиг» луғатини ҳам тузган, афсус, бу луғат дунё юзини кўрмаган, қўлёзмасининг тақдири ҳам номаълум). Кейин Боқижон Тўхлиев, Саъдулла Аҳмад табдилла-

ри босилди, яхши, лекин Қаяом Каримов табдилни асл матн билан ёнма-ён берган. Нимага бу асарни мустақил бўлганимизга шунча йил ўтиб ҳалигача қайта нашр қилмаймиз? «Санглоҳ», «Абушқа», «Ғиёс ул-луғот», «Луғати чигатой» каби тилимиз хазинаю сафиналари нимага нашр этилмайди? ФА Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги музей фондларида яна нима хазиналар очилмай ётган бўлса. Ҳали-ҳануз халқ оғзаки ижоди, дostonларимиз луғати йўқ. Шева, шевалараро луғатлар яратилмаяпти, яратилаётган бўлса-да, дунё юзини кўрганича йўқ. Туркий тилларнинг қиёсий, солиштирма, аралаш луғатлари йўқ. Буларсиз она тилимизга қандай яқинлашамиз? Айни бугунги кунда чет тилоҳларнинг ўрнини босиши мумкин бўлган, бугунги замон тафаккуридаги тамойил-тушунчаларни ифода эта оладиган қанчадан-қанча дуру гавҳар тарих қатларида кўмилиб қол-япти. Албатта, олма пиш – оғзимга туш эмас, уларни излаш керак, устида ишлаш керак.

Сиз Владимир Дални айтяпсиз. Русларда бундай олимлар кўп эди, Дал – кўзга кўринганларидан бири. Уларда тилчилик бўйича бугун қилинаётган ишлар ҳам ибратли биз учун. Лекин бизда ҳам тил заҳматкашлари анча бўлган, ҳозир ҳам бор, аммо уларга эътибор кам, ички рағбат ҳам етмайди. Фитрат, Аюб Ғуломов, Олим Усмонов, Худойберди Дониёров, Болта Жўраев, Эргаш Рустамов, Раҳматилла Қўнғуров, Қаяом Каримов, Қозоқбой Маҳмудов (ўтганларини Аллоҳ раҳмат қилсин!) қилган ишлар ҳазилакам эмас. Бугунги кунда Алибек Рустамий, Бозорбой Ўринбоев, Тўра Нафасов, Босим Тўйчибоев, Қозоқбой Йўлдошев каби тилчи домлаларимиз ўзларининг тажрибаю тадқиқотлари билан қани шогирд, қани нашриётлар деб турибдилар. Бу устозлар менинг билганларим. Лекин, гап шундаки, энди тилчиликини кимлар давом эттиради, кимлар яратилган ёки янги йўлдан олға кетади? Умид қиламиз, шу кимлар ҳам етишиб чиқар. Агар бир жойда депсиниб қолмасак, ўзимиз олдинга юрсак. Университетда ўқиганда «Ҳозирги замон ўзбек тили» курсларидан ташқари «Эски ўзбек тили», «Диалектология» дарсларини тинглаб, синовлар топширганмиз. Ҳатто эски ўзбек тили – ўрхун-энасой ёзуви, яъни ўша тилимизда баён ҳам ёзганмиз. Ўша «билга», «будун», «қоон», «очун» каби қадимий

туркий сўзлар ҳалигача ёдимда. Эсласам, айтсам, томирдаги қон экан-да, ширин титроқ беради. Демак, илдизларимиздан узилиб кетганимиз йўқ, аксинча, ўша илдизлардан янги ниҳоллар, тилни дарахт десак, янги новдалар ундиришимиз керак, бу новдалар барг берсин.

Ў.М.: Табиийки, «тил дарахти» ўсишдан тўхтамайди. Аммо унинг бачкилаб кетиши ҳам яхши эмас. Маълумки, талаффузимизга «инфаркт» деган сўз кириб келганига анча бўлди. Авом орасида аёллар кўпроқ қўллайдиган бир қарғиш бор. Ёмон кўрган одамга нисбатан «Ху, юраккинанг ситилсин» деган ибора ишлатилади. Юракнинг ситилишини тасаввур қилинг. Яъни қайғу-аламга ботган одамнинг юраги зардобга тўлади ва у бир кунмас-бир кун ситилади. Инфаркт ҳолати ҳам деярли шундай. Демак, изланса сўзларнинг муқобили ё бўлмаса халқона бирор-бир тушунарли ибора топилади. Шундай эмасми? Сўзга чечан адиб, публицист, таржимон сифатида фуқаролик бурчи нуқтаи назардан бунга ҳақлисиз. Сиз тил қўрғонида қалам кўтариб юрган ёш ижодкорларга яна қандай талаблар қўйган бўлардингиз?

А.А.: Мисол учун, Босим Тўйчибоев билан Қозоқбой Қашқирлининг «Зоминнинг тил қомуси» китобини бир ва рақланг, шу биргина ҳудуд шевасидан ҳозир сиз айтганга ўхшаган маъно кўлами кенг ва айни замонга мос ўнлаб истилоҳ, сўз, иборалар топасиз. Тўра Нафасовнинг «Қашқадарё халқ сўзлари» китобида шунақа теша тегмаган, адабий тилимизга кирмай қолган гуруҳ-гуруҳ сўзлардан ҳайратга тушиб: «Э-э, ўзимизда ҳам бор экан-ку!» – деб юборасиз. Ўзбек адабий тилига қарлуқ-чигил шевалари асос қилиб олингани билан ҳали бу шеваларнинг ўз сўз бойликлари ҳам батафсил ўрганилмаган. Ўғуз лаҳжаси борасида ҳам бирон каттароқ тадқиқот қилинганини эшитмаганман. Муҳим маданий, маърифий ва, табиийки, сиёсий марказ Тошкент шевасининг, хусусан, луғавий хазинаси махсус ўрганилганми, йўқми, масалан, мен беҳабарман. Ўзига хослигини фақат «вотти-вотти»да деб ўйлаймиз. Унда адабий тилга кириши керак бўлган, лекин кирмаган нимагиналар бор экан? Қипчоқ лаҳжасида эса хазиналар кўмилиб ётибди. Тўғри айтяпсиз: саволингиз жавобини адабий тил тарихи билан бир қаторда шевалардан излаш керак. Изланса, чет истилоҳларга муқо-

бил ё муқобилликка номзод кўп «зирава» чиқади.

Талабга келсак, уларни ёшларга биз қўйишимиз эмас, ёшлар биздан сўраши керак – қани бизга нима қилиб бердингиз деб. Улар биз қилган ишларни, агар қилолсак, ўрганиши лозим. Бизнинг қилолмаётган ишларимизни баъзиларини айтдим. Ўзбек адабий тилининг олис ва яқин тарихида яратилган шоҳ асарларимиз, шоҳона обида – тил ёдгорликларимиз бор: «Девону луғатит турк», юқорида тилга олинган бошқа луғатлар, «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Қисас ул-анбиё», «Бобурнома», Лутфий, Атоий, Саккокий ғазалиёти, халқ дostonлари, қиссалари... Уларни қўлга олинг, ўқийсиз, тушунишга бирпасда кўникасиз, сўз, маъно товланишлари оҳангларидан олам-жаҳон завқ оласиз, ҳам... тилимизни бирмунча асл ҳолида ўрганасиз. Яссавий ғазалларини қаранг, бугун худди табдил қилинганга ўхшайди – асл матни шу қадар равшан, кўнгилга қадрдон. «Бобурнома»ни (табдилини эмас!) мен бир дoston қадар кенгайган ғазални куйга солиб ўқигандек бўламан. Одамнинг руҳиятида шундай бир муаззам куй туради. Мен ёшларга талаб қўймаган, балки улардан ўтиниб сўраган бўлур эдим: буюк тил обидаларимизни сўзма-сўз ўқинг, ҳар бир ифодаси устида тўхтанг, ўйлаб олинг – шу сизни ёзувчи қилади. Шу пайтгача биз қилган хатолар ҳаммамизга кўп йиллар етиб ортади. Сиз ўз тилингизни пухта-пишиқ эгаллаб жаҳон тил муҳитига чиқинг, у тиллардан ҳам, жилла қурса, икки-учтасини эгалланг: бундан кейин замоннинг равиши шундай кетади. Она тилини пухта билишингиз эса ҳамиша ўзлигингизга замин. Унутмангки, қалам аҳлининг жон озиғи – тил!

Ў.М.: Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат, ижодингизга барака, умрингиз зиёда бўлсин.

Ўктам Мирзаёр суҳбатлашди.
«Хуррият» газетаси. 2013 йил 1 май

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД ШАРПАСИ

«Ёшлик» журналининг бир саволига жавоб

Алишер Назар: Назаримда, одамиятнинг онгли ҳаёти бошланган кундан ер юзида курашлар даври бошланди. Яратган зот улуг китобида дарж этганидек, уларни бир-бирларини танишлари ва дўст тутишлари учун халқлар ва қабилаларга ажратиб қўйгандан эса бу курашларнинг кўлами кенгая бошлади. Асрлар келди... бутун бошли миллатлар ер юзидан супуриб ташланди. Айримлари миллат сифатидаги қиёфасини йўқотиб қўйди. Баъзилари таланди, ўлдирилди, қул қилинди. Аммо кураш шу билан тўхтагани йўқ. У шаклан бўлмаса-да, моҳиятан давом этмоқда ва инсон табиятидан келиб чиқсак, бундан кейин ҳам давом этажак.

Эндиликда бу курашнинг тактик усуллари ўзгарди. Фанимлар билвосита инсонлар қалбига, онгига ҳужумга ўтдилар. Ҳозирда турли маданиятлар ўртасида кураш авжига чиқди. Дунё аҳлининг бир бўлаги сифатида биз ҳам бу талотўплардан четда турганимиз йўқ. Душманлар минг йиллар давомида шаклланиб келган, энг асосийси, имон ва ислом булоғидан сув ичиб камолга етган миллий маданиятимизни йўқ қилиб, ўрнига ўзларининг маслаклари сингдирилган маданиятини жорий этишга уринмоқдалар. Бу иш учун жуда катта маблағлар ажратилмоқда, сармоялар тикилмоқда, ўқув муассасалари ташкил этилмоқда. Миллионлаб тиражда китоблар, газета ва журналлар нашр қилинмоқда. Бу ҳам камдек, эшикма-эшик юрадиган миссионерларни тарбиялашдан ҳам эринмаяптилар.

Бу жараёнда инсон қалбини турли мафкуравий бўронлардан омон сақлашнинг ягона йўли бор. У ҳам бўлса инсон онгида маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришдан

иборат. Адабиёт яралганидан буён унинг бирламчи вазифаси инсон қалбини тарбиялаш экани ҳақида жуда кўп гапирилган. Айтинг-чи, замонавий ўзбек адабиёти бугунги глобаллашув даврида зиммасидаги масъулиятни кўнгилдагидек адо эта оляптими? Сўнгги пайтларда «мустақиллик даври адабиёти» деган атама пайдо бўлди. Бу атаманинг пайдо бўлишига қандай асосларимиз бор? Мустақиллик даври адабиёти кечаги адабиётдан нимаси билан фарқ қилади?

Аҳмад Аъзам: Мустақиллик даври адабиёти деб мен фақат вақт, давр нуқтаи назаридан ажратаман. Адабиёт оқаётган бир дарё, у ери ё бу еридан чизиқ тортиб, бўниси бу ёққа, униси у ёққа деб айириб бўлмайди. Энди, табиий, унинг усти сокин, туби теран жойлари бор, баъзи жойларида саёзликка чиқиб шағиллаб қолади. Шағиллаб бўлдик! Менимча, умидим ҳам шу, дарёмизнинг теранлиги айни бошланаётган палладамиз.

Ана шу оқаётган дарё лабида ўтириб ўйласангиз, ўй сизни ҳар ёқларга тортиб ҳушёрлантиради. Биринчиси: миллат тафаккури билан миллат, тафаккур эса тил билан. Миллат ўзини тафаккур билан кўтаради, тафаккур билан ривожланади ва айни шу тафаккур билан ўзини ҳимоялай олади. Ўз-лигининг қўрғони – тафаккур. Айни шу қўрғонни миллатнинг афкор қисми қўриқлаши, ҳимоялаши ҳам керак. Ёт таъсир, ёт оқим, ёт ақида, ҳаттоки, дунёнинг жозибали ёт қонунларидан ҳам. Бу шунчаки сиёсатнинг зарурати эмас, миллатнинг яшаб қолиш, бузилмаслиги ва шу глобал гирдобга ютилиб кетмаслик шарти. Дейлик, дунёдаги барча динлар, барча илмлар қарши бўлгани ҳолда инсон табиатига зид, башар зотига мамну бир жинсли никоҳ қонунини яна шу инсон ҳақ-ҳуқуқлари тенглиги бандлари билан паналаб, бугунги кунда ўн тўртинчи мамлакат парламенти қабул қилди. Ўша мамлакатлар аҳолиси кўпчилиги қаршилигига қарамай, демократияда озчиликнинг фикри ҳурмат қилиниши керак деб. Биз учун бу гапни айтиш ҳам ҳазар! Ўша томонларда ҳали бунақа мамлакатлар сони кенгаяди, чунки ОАВ тинмай жаврайди, телевидение ҳар куни ўнлаб марта кўрсатади, тарафу бетарафларни тортиштириб, шу билан ҳам тарғиб қилади, ана шу биз отини тутишга ҳам ҳазар қиладиган табиат, инсонга зид ҳайвоний нарсаларнинг ҳаммаси сўз

эркинлиги байроғи остида қилинади, оқибатда шу сарамас билан оғриганлар сони кўпая боради, улар тинмай намоёиш қилади, тўполон чиқаради, кўчада турган машиналаргача ёқади, уларнинг сарамаслик талабларига бўйсунмайман деган номзод, ҳар бир овоз ҳисобда бор, сайловдан ўтолмай қолади. Худо сақласин бизни бунақа тенгликдан! Бизга гоҳ табиий оқим билан, гоҳ эса бу оқимларни тағимиздан зимдан оқизаётган ҳар хил лойиҳаю жамғарма, кўрик-танлову шафқат ташкилотлари (булар юзлаб, минглаб), этиқодсизлик, фаҳш, очиқ шаҳват, беиболик, динсизлик каби талай-талай «таълимот»ни ошкора ҳам, яширин ҳам киритиб ётибди. Миллий руҳ, миллият тубдан емириляпти бунинг оқибатида. Фанимларимизга ҳам инсоф берсин деб ўзимизни фақат Худога ташлаб, оғзимизни очиб ўтираверсак, ўша ёқдан келган чиркинлик оғзимизга ҳам кириб кетади. Шусиз ҳам кўп нарсаларнинг сопини ўзимиздан чиқаришяпти, билиб-билмай эргашиб кетадиганларни топаётирлар, сийлиқлар билан сийлаётирлар. Бу ирkit нарсалар чексиз-чегарасиз ахборот технологияси – чекланмаган эркинлик шарофати билан ҳар куни, ҳар соатда уйимизда меҳмон. Бугун телевизорга қараганда нафратимизни келтираётган ёт исқот беш-ўн йилдан кейин эшигимиздан сўрамай ўзи кириб турган бўлади. Агар ўзимизни асрашни, дунёнинг яхшиси билан ёмонини фарқлашни ўрганмасак. Нима демоқчилигим тушунарлидир. Бу нечадан бир мисол, холос. Мен ўзимни жуда демократ ҳисоблайман, лекин демократиянинг чиройли пардасини кўтариб, қани, бунинг орқасида нималар бекиниб ётибди деб қарайман ҳам. Қонуну ҳуқуқларни юзига чаплаб гўзал нозанин бўлиб олган ялмоғиз чилтон кампир шу ёқда эмасми деган шубҳага бораман. Бўянган нозанин ялмоғизнинг човут солишидан хавфсирайман доим.

Нуқул ўзбекчилигимизга фахрия ўқийвермай, ҳақиқатда ўзимизни ўзбек деб билишимиз ва бундан ғурурланиб иш кўришимиз шарт!

Тафаккур ўзлигимиз қўрғоними, о-о, унинг деворлари қандай баланд қурилган, қандай кунгураю миноралари бор, ота-боболаримиз ғайратига балли деб салламно айтавермай, нураётган, тўкилиб бораётган жойларини тузатиб ҳам туришимиз керак. Глобаллашув – маънавиятга интервенция.

Биргина бизда эмас, бутун дунёда, ҳатто ўзини энг ривожланган ҳисоблайдиган мамлакатлар ҳам унинг истилосида. Замон шамоли гоҳ илиқ, гоҳ аччиқ, лекин муқаррар эсяпти. Шамол тоғларни ҳам қум қилган. Шуни унутмайлик. Оддий ҳақиқатлар эсимизда турсин: келажакини ўйламаган миллатнинг бугуни йўқ, у фақат ўтмиш мазорларини улуғлаш билан қолиб кетади.

Кўп асрлар таназулда, кейин юз йилдан ортиқ мустамлакада яшаганимиз учун ўтмиш ва бугунимиз Шарқдан ҳам, иқтисодиёт, технологияда илгарилаб кетган Ғарбдан ҳам ўзимизни паст оламиз. Ўз қадриятларимизни уларчалик қадрламаймиз, Шарқдан оппоқ кўринган тегирмончини бувам деб ўйлаб, кўзимизга ёш олиб эргашиб кетамиз, Ғарбнинг ашқол-дашқолидан тортиб чиқитга ташлаб юборганларигача ҳавасда юрамиз. Таъсирларнинг қайсиси яхшию қайсиси ёмон эканини аввал ўз танимизга ўйлаб олайлик. Балки, ҳаммасидан ҳам яхшилари ўзимизда бордир. Бор, лекин кўрсатиш учун, аввало, ўзимиз билишимиз – ўзлигимизни билишимиз зарур. Бошқалар буни биздан олдинроқ билган ва ҳавасини яширмайди ҳам.

Миллатнинг билик борлиғи – тафаккур, тафаккур эса меҳрталаб нозик тилдан тикланган, тил билан мустаҳкамланади, тил билан ўсади, теранлашади. Аслида, барча бадий, маънавий, руҳий, фалсафий, илмий – жамики бойликлари-миз тилимизда. Унинг ўзи энг бебаҳо, қутлуғ маданий обида, ёт таъсир, бузилишлардан қўриқчимиз! Масаланинг ана шу томони ўйлантиради – ўзбек руҳияти қўриқчиси, валинеъматининг ўзини асрамаяпмиз, давлат мақомига кўтариб, қонун билан ҳимоялаган ҳолимизда биз, қалам аҳли, афкор омма уни ўз ҳолига ташлаб қўйдик ва ҳатто, уни бузувчилар чанқаганда, сув ҳам ташиб турибмиз.

Тили ғарибланган халқнинг тафаккури ҳам ўтмас бўлиб қолади, айти тафаккурнинг мағзи-мағзигача заха етади, бугунги замон талаблари даражасида фаолият кўрсата олмайди, шунчаки ҳавойиланиб қолади. Худога шукр, кўп ишлар қилиняпти, лекин ундан-да кўп ишлар қилинмай қолиб кетяпти. Бу эса бизни тутиб турган заминни бўшаштириб қўяётир. Шулардан бири – тилга бепарволик оқибатида адабиётда орқага кетиш. Албатта, мустақиллик руҳияти-

мизга, кўнглимизга эркин кенгликлар берди, лекин моддий сиқинтилик анча ижодкорларни «бортнинг у ёғига» чиқариб ташлади – қанча издошлар бўлгучи эди, улар ҳам бўлмади. Аммо... халқнинг фикрлайдиган қисми, афкор омма айна халқ олдидаги масъулиятини ҳар қандай шароитда ҳам унутмаслиги лозим. Ҳозирга келиб бу сиқинтилик даври ҳам ўтяпти, шекилли, янги адабий авлод шакллана бошлади. Бў, табиий, яна тафаккурнинг жонланиши, тилимиз аслиятларига қайтиб, унинг дунёнинг фаол тил муҳитига қўшилишига, бинобарин, ўзлигимизни кўрсата олишимизга олиб келади.

«Ёшлик» журнали. 2013 йил. 4-сон

АДАБИЙ АСАР – ТИЛ ҲОДИСАСИ

«Ёшлик» журналида суҳбат

С.Ў.: Аҳмад ака, ўзбек насрининг бугунги мавқеи ҳақида гаплашсак. Яхши биласиз, ўтган асрнинг 90-йилларигача кимдир бирор қисса ёзса машҳур бўлиб кетар эди. Нетонгки, ўшаларнинг айримларинигина бугун ёдга оламиз. Икки йил бурун Ёзувчилар уюшмаси йиғинида жонкуяр мутахассислардан бири мустақиллик йилларида юз йигирмадан ортиқ роман чиққанини таъкидлаб, уларнинг рўйхатини тақдим этди, бунинг устига, мажлис қатнашчиларига шу йўриқда анкета саволларига жавоблар йиғди. Табиийки, рўйхатдаги асарларнинг аксариятини адабиётчилар ҳам, ёзувчиларнинг ўзлари ҳам ўқимаган бўлиб чиқди. Ҳайронман, ҳозир ўқимаслик мода ё касалликка айланиб қолмадимикан?

А.А.: У пайтлари... бошқа кўникма ҳам бор эди – катта асар ёзишга, эълон қилишга унча-мунча одамнинг ҳадди сифмас, қиссани ҳам насрнинг равиш-йўналишларини яхши ўзлаштирган, поэтикасини ҳис эта олганлар ёзган, бу ҳам, аввало, муаллифнинг малака чиғиригидан ўтиб, жамоатчиликнинг яхши кутиб олишига шуури етгани тақдирда эълон қилинар эди. Тоғай Мурод, Мурод Мухаммад Дўст каби у пайтлари ёш адабларнинг қиссалари тили, бадиияти, поэтикаси билан ярқ этиб кўзга ташланган. Адабиёт олдида, сўз олдида масъулият жуда катта, кейин асарнинг ҳар бир жумласи, ҳар бир сўзига қарайдиган Ваҳоб Рўзиматов каби қаҳри қаттиқ синчиларнинг назаридан қолиш, бемаза ёзибсан деб нишини санчиб қоладиган Маҳмуд Саъдий каби таҳрир пирларига рўпара бўлиш доим кун тартибида турар эди. Ёшларнинг ўз адабий давраси ҳали яхшигина ҳакам, янги чиққан асар, аввало, шу давранинг ўзида муҳокамадан ўтар, бемаза нарсаси босилиб қолса, ўқиган одамга ҳам худди

беҳурматликка учрагандек таъсир қилар эди. Шунинг учун ҳам оз ва соз ёзилган аксарият асарлар. Адабий тилимиз мартабаси ортган, бўшроқ ёзадиган ёш ёзувчиларнинг асари ҳам ишлов берилмай, пухта таҳрирсиз чиқмас эди. Адабий тилимизнинг катта ривож босқичи ҳам шу даврда кечди. Ҳа, дарвоқе, ҳозир бир нечта ёзувчиларимизнинг ёзганларини эълон қилмаётганлари сабаби ҳам шунга келиб тақалади – бугун текин таҳрир қилиб берадиган заҳматкаш «марди-кор»лар замони ўтди. Кўп нарсалар қандай ёзилган бўлса, шундай чиқиб ҳам кетяпти. Бунинг бир яхши томони ҳам бор: шерикликка сунъий асар яратилмайди. У даврларда, очик гап, баъзи ёзувчиларимиз романлари ҳам унинг устида нашриётдами, редакциядами бировнинг етти букилиб тер тўкиши билан қаторга кирарди. Қандай ёзган бўлса шундай эълон қилаётганларнинг миси ўз-ўзидан чиқяпти, буларнинг тили пала-партиш, тозаланмаган, албатта, бунақа асарни қўлга олган китобхоннинг умуман китобдан кўнгли қолади.

Тил масъулиятининг йўқолиши сўз санъатига яқин ҳам келмайдиган нарсаларни ўрчитиб юборди. Тўғри келган одам ҳаёлига келган нарсани ёзяпти, қўлбола ривоятлардан тортиб қотирма романларгача. Илоннинг нималигини билмаган болакай чақишидан қўрқмай уни ушлайверади, тарих нима, унда ҳақиқатан нималар кечган, одамлар қандай яшаган, руҳияти қандай бўлган, қанақа шеваю оҳангларда гаплашган, буни ўйлаб ҳам ўтирмай, бир манбани ўқиса, шунга суяниб ёки «бадий» кўчириб, «бородурман-келодурман» деган ясама «тарихий» тилда жилд-жилд романлар ҳам ёзиб ташланыпти. Майли, ёзсинлар, шу ёзганлари ҳужжат, манба асосида бўлса керак, уларнинг маърифий қиммати ҳам бор, лекин тадқиқот десинлар, изланишлар, таассуротлар десинлар, лекин роман нималигини билсинлар, бу жанрнинг обрўсини тўкмасынлар.

Ёшлар ўқимайди деймиз, шунақа нарсаларни ўқийдими? Ўзимизнинг ҳам савияси паст нарсаларга кўзимиз нурини кеткизишдан бошқа юмушимиз йўқми? Ахир, ўқийдиган нарсани ўқиймиз-да. Менга, очик гап, асарнинг бошланишидан ярим саҳифа, ҳаттоки, биринчи жумласини ўқиб кўриш кифоя, тортса, калла ташлаб ўқийман, ёқмаса, жойига қўйиб, қайтиб қўлимга олмайман. Тил бадииятини эгалламай асар

ёзиш – ўзига нисбатан беҳурматлик ва китоб аҳлига нисбатан ахлоқсизлик. Ахлоқсизликни сўккандан кўра уни қулоқни бекитиб эшитмаган маъқул деб биламан.

С.Ў.: Албатта, одамнинг ўша романларга бирваракай баҳо беришга журъати етмайди (Адашмасам, ўша мажлисда ўша «мутахассис» томонидан «нега Эркин Аъзам роман ёзмайди?» деган хурмача дўқ ҳам урилган эди). Биринчидан, уларни ўқиш керак, иккинчидан, вақт ва ундан сўнг ҳафсала ҳам зарур. Назаримда, биргина Қозоқбой Йўлдош уларни муттасил ўқиб, эринмай фазилатлар топиб мақола ёзиб ётибди. Ҳеч ким баҳсга ҳам киришмайди. Биз талаба эдик, Аҳмад Аъзам деган танқидчи бот-бот адабиёт газетасида енгшимариб катта олимларга ҳам қўрқмай ташланиб қоларди ва ҳақ гапини исботлар эди.

Нега, ахир, бугунги 60 ёшлилар ўша фаолликдан безиб қолишдимиз?

А.А.: Айни кунларда адабий танқидчилигимизда мезон бўла оладиган фикрлар, етакчи танқидчиларимиз йўқ. Бевосита адабий жараёнга ижобий таъсир ўтказадиган фикр дарғаларини назарда тутяпман. М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов сингари салобатлари билан кўр тўкиб, адабиёт дарвозасига кирмоқчи шунчаки ҳавасмандларни ҳайқитириб турадиган устозларимиз ўтиб кетдилар. Адабий-танқидий тафаккур беэга қолгандек, унинг майдони ҳам ниҳоятда торайиб, таъсир кучи йўқолиб, ўзи таназзулга юз тутди. Ўзингизни ёши ўтган танқидчи ўрнига қўйиб кўринг: бир умр бу борада меҳнат қилгансиз, ёзганларингизни илгари ўқувчилар назардан қолдирмаган, қайси асарларни таҳлилга олган бўлсангиз, ўшаларни ҳам излаб топиб мутолаа қилган, бугун сизни ҳам, сиз умр бўйи таҳлилу тадқиқот қилган асарларни ҳам ўқимайди. Замонга мослашиб янги нарсалар бозорига тушишга эса оёғингиз тортмайди. Нима қиласиз? Нима қиламиз? Э-э, бу замон қаёққа қараб кетяпти, ўтган ўртача ёзувчиларимиз майли, лекин нимага буюқларимиз ҳам эътибордан қоляпти, ҳа, ҳаммасига ОАВ, кўча матбуоти, Интернет сабабчи, адабиётга эса ғарбдан модернизм балоси кириб келяпти деб ёмоннинг кучини япалоққа кўрсатамиз; кучимизни ўзимизга нисбатан ёш, лекин аллақачон элликни қоралаб, олдинга ўтишга одоб сақлаб турган адибларимиз

ё шоирларимизга кўрсатамиз, янгича бадий тафаккур ўзгаришларини ёт таъсирларга йўйиб, қани анъаналаримизга садоқат, қани буюкларимиз хотирасини ҳурматлаш деб наъра тортишга чоғланамиз – бефойда, ёшлар гадир-будур бўлса-да ўзлари кашф қилган йўлдан кетаверади, ўтмишимизнинг чўнг қояларини дарсликларда тиклаб қўйган бўлсак-да, уларга қарамайди. Ҳа-я, тортадиган наърамиз ҳам ичимизда – китоб ўқимагандан кейин ўтмиш изтироби билан ёзилган мақоламизни ҳам ўқимаydi-да. Кейин, ўн кун, бир ой ўтириб ёзган мақоламизга ўзи зўрға кун кўраётган газета ҳемири ҳам бермайди.

Дамимизни ичимизга ютиб ўтираверамиз. Ҳаёт эса илгарилаб кетиб бораётир, адабий жараёнда, истаймизми, йўқми, ўтмишга тармашган иродамиз билан ҳисоблашмай, ботиний ўзгаришлар кечаётир. Оқим ишини қияпти, қирғоқнинг тагидаги қумларни аллақачонлардан бери ювиб ўтпти, юпқагина юза турибди хотирамизда қуриган чинорлари билан. Ўзимизни ҳали ҳам рўйхатдаги шу чинорлар соясида деб ўйлаймиз...

Тўғри, вақт ўтиши билан адабиёт ёзадиганларни саралаб, ўзи ҳам сараланиб бораверади, анча-мунча асарлар эскириб, тасарруфдан чиқади, уларнинг ўрнига янада янгироқ, янада тозароқ асарлар кириб келади. Бу – муқаррар кечадиган ички ривож қонунияти, усиз сўз санъати яшай олмайди. Лекин сиз айтаётган тўқсонинчи йиллар бошида фақат саноқли асарлар эмас, адабиётнинг янгиланиш жараёнининг ўзи тагдан бўҳронга учради, айти пайтда, шу бўҳрон тубидан адабиётимиз келажаги ўлароқ янгича бадий тафаккур қоялари ўса бошлади. Бу фақат шўро тузумининг патарот топиши билан боғлиқ эмас. Тўғри, янги мустақиллик давридаги фикр эркинлиги айти бадий тафаккурнинг эски маҳсулларида қониқмай, унда ҳам ўзгаришлар қилиш талабини қўйди. Бу табиий ҳол, лекин бозор талаблари, эркинлик ҳавоси деб адабиётни ўз ҳолига ташлаб қўйишда жамият ўзгариши билан бирга ўзимиз «яратган» сабаблар ҳам бор. Китоб тарқалиши, савдоси буткул издан чиқиб, бадий адабиётни тарғиб этадиган матбуотнинг номи кўпайгани ҳолда тиражининг тамом тушиб кетгани ҳам бир омил.

Вакуум бўш турмайди, профессинонал бақувват асарлар

билан ўзини тўлдиря олмаган вакуум бозор орқали савияси паст, адабиёт эмас, бизнесни кўзлаган олди-қочди бежама-ларни сўриб олди. Ҳозир китоб дўконлари шуларга тўла.

Бунинг янада ўзимизга, адабий жамоатчиликка тегишли жиҳатлари бор. Янгиланиш тарихи бошланганига йигирма йилдан ошиб кетди, биз эса ҳалигача ўтган устозлар етагида юрибмиз. Ёшлар китоб ўқимайди, ҳамма Интернетга ёпишган деймиз, лекин нимани ўқимаяпти, нима яхши асарлардан юз буряпти китобхон? Эскидан қолаётган, эскираётган асарларни ёшимдагилар ҳам ўқимайди, чунки шўро замонда яратилган асарлардан ҳидини бир чақиримдан билиб қочамиз, янгилари эса ё йўқ, ё уларга дидимиз кўникмаётир. Ёшларга эса адабиёт дарсликларидаги шу эскилар ҳам юқмайди, ўзларига тўғри келадиган янгилар жуда кам. Нима ўқисин улар? Энди тил тарбиясини қаердан олади, бадий асар ўқимаса? Очиги, шу саволни қўйяпман-у, жавобига худди адабиётимиз ўтмишига тош отаётгандек қийналяпман.

Албатта, янги асар, янгича тафаккур йўқ ердан пайдо бўлмайди, адабиётда давомийлик бор, адабий тилнинг равнақи шундай, бунда ўзилиш бўлмайди. Лекин А.Қодирий асарлари яратилганига саксон-тўқсон, А.Қаҳҳор асарлари яратилганига эллик йилдан ошяпти, ҳозирги шаклланган авлод ёзувчилари шу асарлардан тил тарбиясини олган. Бироқ адабий тил чиққан доводнида қотиб турмайди, ўсади, устозларимиз ҳам бир жойда қотиб турмаган. Улар ҳам мен келган чегарадан у ёғига ўтмайсизлар деган ўгит бермаган. Тоғай Муроднинг халқона сўйкумли, Мурод Муҳаммад Дўстнинг баланд ҳаволи, теран фалсафага бой, Эркин Аъзамнинг ҳар бир сўзи чертиб олиб ёзилган тили ярала бошлаганига ҳам ўттиз қирқ-йил бўляпти. Тил туйғуси она сути билан, ақл билан бирга берилади, кейин ўзгаради, сайқал топади, аммо ёзувчининг тили илк асарлари тилидан унча узоққа кетмайди. Демокчиманки, адабий тилимиз ривожини саксонинчи йиллар охиригача келди, кейин ҳаёт ташвишларига ўралашдик, бозор тамойили деган гаплар чиқди, хуллас, унга эътибор ўлди. Ана шундан сўнг, сиз айтгандек, дўкон пештахталарини ўз дидини аяйдиган, ўзини ҳурмат қилдиган одамлар ўқимайдиган китоблар истило қилди. Ҳозир шунақа китоблардан неварангизга эртак ўқинг, йўқ, қизиқ.

эмас экан, ўзингиз айтиб беринг дейди. Чунки янги чоп этиладиган эртакларимизнинг тили ҳам болага суйкумли эмас.

Эркин Аъзам нимага ёши олтмишдан ошиб роман эълон қилди? Ҳалиги мутахассис иддао қилганидек, олдинроқ нимага ёзмади? Нимага биз ҳавас қиладиган истеъдодларнинг бор-йўғи битта ё иккита романи бор? Бу кучи етмаганидан эмас, балки роман нималигини, унга қандай тил тажрибаси зарурлигини англаб, ўзини тайёр билмагунча қўли бормаганидан. Эркин ҳозир ҳам ёзиб ташлайвермайди, бундай ёзувчилар учун ёзиш – сўз масъулияти, виждон иши. Ҳозир қаранг, буларни айрим ҳам дея олмайсан, қўш жилдлик, трилогия, ҳатто тетралогиялар чиқиб кетяпти, икки хатбошисини ўқийсиз-да, қайтиб қўлингизга олмайсиз – тили ёзувчининг тили эмас, тасвир ясама, диалог сунъий, поэтика ғариб, бадииятнинг асос хоссаси – тили йўқ...

Китоб дўконларида савлат тўкиб турган муҳташам безакли ёстиқларни кўриб ҳайиқасан: э-э, бунга озмунча меҳнат сарф бўлганми, қогозию бошқа харажатини қўяверинг, қанча умр сарф бўляпти; майли дейсан, катта қисми яхши ниятда қилиняпти-ку, эртами-кеч бу оқим ҳам тиниқлашиб, ичишга ярайдиган бўлиб қолар деб тилингни тиясан.

Олтмишни уриб қўйганларнинг фаол эмаслиги... ёш, оилавий, турмуш ташвишлари кўпайишига, моддий манфаат йўқлигига боғлиқдир. Лекин адабиётни кузатиб-ўқиб бориш сўнмаган бўлса керак дейман. Мен кўп гаплашадиганлардан Иброҳим Ҳаққул, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммадоим ўқиб бориши мисолида тенгқурларимиздан кўпчилиги адабий жараёнга бефарқ эмас деган хулосага келаман. Шоир Хуршид Давронни гапирмайман, унинг фаоллигини ҳамма билади, тарихий сиймоларимиз ҳақида қатор насрий асарлар, тадқиқотлар яратиш билан бир қаторда Интернетда туркий адабиётлар, тиллар, маънавият ҳақида ҳар куни ўнлаб(!) китоблар эълон қилади, баҳсларга аралашади, ўз фикрларини мунтазам билдириб боради. Энди, барибир, кўпчиликнинг бунча жимиб кетишини маъқул кўрмайман. Тенгқурларимнинг пастга тушиб, тортишув-олишувларда қатнашмаса ҳам, тўрда қўр тўкиб ўтиришларини истар эдим, чунки уларнинг борлиги мажлис аҳлига адабиётнинг юкини ҳар ким елкалаб кета олмаслигини эслатиб туради. Қозоқ-

бой акага келсак, у киши бизга тенгдош, демак, қаторимизда фаол мунаққидимиз ҳам бор, омон бўлсинлар, лекин бошқалари... бармоқ билан санашга ҳам етмайдими дейман. Энди бугунги кунда танқид билан шуғулланишни ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Бу иш жуда катта заҳмат ва рағбатни талаб қилади. Умид шулки, ёшлар етишиб келяпти, насрнинг йиллик муҳокамасида кўрдим, уларнинг чиқишларида асар ҳақида умумий гапириш йўқроқ, муайян концепция билан ёндашиш, аниқ фикрлаш бор. Шундоқ, кейинги авлодларнинг ўз танқидчилари бор, лекин менга улар ҳаддан ортиқ боадабдек, устозлар қошида тортиниб турадигандек туюлади.

С.Ў.: «Асқартоғ томонларда» деган қиссангиз босилганда, мен «Ёшлик» журнаlining кичик ходими эдим. Очиги, бу қиссада биз кўникиб қолган силлиқ мавҳумот ва мавҳумдай туюлувчи зиддиятларга қарама-қарши ўлароқ фавқулодда реалликни кўрганман. Ў.Усмоновнинг «Гирдоб» романидаги домлалар билан «Асқартоғ...»даги домлаларнинг, гарчи замон ўша-ўша бўлгани билан, фарқи анча эдида. Бу билан сизга пишанг бериб мақтамоқчи эмасман-у, ҳар қалай, вақти-замонида ўзингиз айтган бир гап миямда муҳрланиб қолган: «Проза одам одам билан бемалол, очилиб суҳбатлашгани сингари табиий бўлиши керак». Шундан бери қарайман, кузатаман, ўқийман (Ёзганларингизнинг деярли барини ўқиган чиқарман). «Эл қатори» анча жимиб кетдингиз ҳам. Кейин «Тиқин», «Ҳали ҳаёт бор», «Тугмачагул», «Дутор билан танбур», «Ўзи уйланмаган совчи», «Рўё ёхуд Гулистонга сафар» (шу романни андак истисно қилганда), табиий маромни кўраман. Ўйлаб қоламанки, бу бошқаларга ўргатиб ё татбиқ қилиб бўлмайдиган Аҳмад Аъзамнинг ўзигагина хос ижодий принципи бўлса керак...

А.А.: Адабиёт, сўз санъати ҳақида гапириб турганда одамнинг бирдан ўзига ўтиши жуда ноқулай. Саксонинчи йиллар жаҳон адабиётига, айниқса, ружу қўйган йилларим. Битта мен эмас, қирқ тўққизинчи йил авлоди деймиз, бизга дунёнинг сара асарларини мутолаа қилиш, ўрганиш бир ўрф эди. Мен рус тилини «твоя-моя» даражасида билган ҳолимда ўқишни ҳарбийда бирданига Ж.Д.Селинжернинг «Над пропастью во ржи» асаридан бошлаганман. Дивизи-

оннинг кутубхонасида бор экан, сўзни сўзга тўқиштириб, йигирма кунлар босиб ўтириб ўқидим ва шу билан рус тилидаги гўзал таржималар билан танишишга йўл очиб олдим. Хемингуэйнинг бир суҳбатини ўқиб у ўқиган ёзувчилар асарларини қидиришга тушдим, адабиётшунос бўламан деганим учун ёзувчиларнинг ўз ижодлари, адабиёт ҳақидаги суҳбатлари, улар ҳақидаги тадқиқотларни ўрганиб, хаёлимда дунёнинг сара ёзувчилари рўйхатини тузиб олдим. Шу билан аста-секин жаҳон бадиий тафаккур майдонини ўз билигимча кезишга тушдим. Ҳозир ҳам Ясунари Кавабата, Хорхе Луис Борхес, Жан Пол Сартр, Фуломхусайн Саидий (русчада «Сазди»), Макс Фриш асарларини қайта мутолаа қилиб тураман. Тили оҳорли-тоза асарларни севаман, табиийки, «Қисаси Рабғузий», «Бобурнома» тили қанақадир энтиктирадиган ҳаяжонларга тортиб кетади, ростдан! «Ўткан кунлар», «Ўтмишдан эртактлар». «Болалик», «Шум бола» – ёшлигимдан тилига маҳлиё бўлганим асарлар. Тили унча тоза бўлмаган асарларни ўқий олмайман, жумладан, қиёмига еткизмай қилинган таржималарни ҳам. Демокчиманки, мени танқидчиликни ташлаб, ёзувчи бўлишга ундаган омил шу. Дунёнинг сара асарларидан жуда кўпини ўқиб юрдим, рус тилига қилинган шу таржималар орқали шаклландим. Ёзувчи сифатида у-бу нарсаларга эришган бўлсам ана шу таржималар ва ўз адабиётимиздан териб-тергилаб олиб ўқишим туфайли. Бунда, албатта, Самарқанд университетида Навоий бобомиз ижодидан чуқур дарслар олганимизнинг ҳам улуши жуда катта. Қанақа ёзувчи эканим ҳақида ўзим бир нарса дейишим қийин, баҳони китобхон беради. Мен қанақа ёзувчи бўлишга интилганимни гапиряпман. Шу ўқиш, ўрганишлар маромида ўқувчи, китобхонни ҳурматлаб, унга ақл ўргатавермаслик, ҳаёт ҳақида унинг ўзи ҳам биладиган хулосаларни тиқиштирмаслик, тенденцияю мафкурадан қочиш, холис туриб, тасвирдан фикр чиқариб олишни ўқувчининг ўзига қолдириб ёзиш йўлини танлашга ҳаракат қилдим. Ҳа, сиз айтгандай, одам билан одам очилиб гаплашгандек тасвирлашни. Бунинг тагида, албатта, тасвирни худди расмга туширгандек ўзини бериш назарда тутилмайди, детал, тафсилот, воқеа ҳам ўқиган одамда бошқа таъсиротлар уйғотиши лозим. Ёзувчи холис қолади, ўзини билмасликка олади, баъ-

зан анойи тутади, тасвирлари кераксиз ҳам туюлади, лекин тил оҳанглари билан тортиб туради ва шу оҳанглар китобхон кўнглида акс садо бўлиб фикр уйғотади. Орзуим шунақа чиройли. Қани эди шундай ёза олсам дейман.

Бир маромда, узмай ёза олмаганман, бир ишда ишлаган пайтларим ёзмаганман, шунинг учун кўп жойда икки йилга бориб-бормай бўшаб кетаверганман. Фақат телевидениеда ўн бир йилдан ошиқроқ ишладим, шу пайти ҳам ёзмадим, орада муҳарририят алмашганда учта ҳикоя ёзиб қолганимни истисно қилса. «Рўё»гача бир маромда келган бўлсам, ўша ўзим эканман. «Рўё»ни дардда ётиб, дард билан ёздим. Ишқилиб, тугатай деган хавотир, М.М.Дўст айтгандай, «васваса билан» охирига етказдим. Ҳаммаси ўзининг табиий маромида, ютуғу камчиликлари билан бирга бўлсин деб одатимга хилоф равишда тилига ҳам қайта тегинмадим. Яна ёзишни мўлжал қилган, бошлаб қўйилган нарсаларим бор, уларга ҳам вақт қолиши, куч етиши керак эди. Худо хоҳласа, сиз айтган, менга хос ижодий принцип шу уринишларимда кўринса керак. Билмайман яна нима дейишни, куч берса, ёзавераёй-чи; ёзишнинг ўзидан ҳам каттароқ гап йўқ мен учун.

С.Ў.: Ёш ёзувчилардан бири бундан роса 15 йил бурун «бу ёғига адабиёт элитарлашади» деган фикр айтувди. Ўзику ёзувчи ўшандан буён тамоман жим. Лекин ҳар замонда ён-веримга қараб мен гафлатдалигимда адабиёт жонивор «элитарлашиб» қолмадимикин дейман... Сиз ҳам шунақа фикрга борганмисиз?..

А.А.: Бу саволга жавобни мисолдан бошласам. Саксон еттинчи йилмиди, ёзувчилар уюшмасига Париждан «Аксион поэтик» деган журнал вакиллари келди. Улар билан танишдик, суҳбатлашдик. Гапдан гап чиқиб, қайсимиздир бизда Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг шеърий тўпламлари саксон-юз минг нусхада чоп этилишини айтган эди, французлар анграйиб қолди. «Мен сизларда қанча нусхада босилади?» – деб қизикдим, э-э, буларни тоза уриб кетган эканку деган маънода. Улардан бири: «Юз-икки юз нусхада. Буни ҳам шоирнинг ўзи чоп қилдиради, ёру дўстларига тарқатади, ўтса, яна чиқаради. Катта тираж беш юзга боради-да», – деди. Мен ажабланиб: «Дунёга машҳур шоирларингиз ҳам

шу аҳволдами?» – деб сўрадим. «Ҳа, мен буюкларни айт-япман», – деди. «Шеърият бундай бўлса, прозанинг аҳволи қандай? Масалан, Францияда яшаётган Нобел мукофоти лауреати Семейоэл Беккет асарлари қанчадан босилади», – деб сўрасам, «Беккетни уни тушунган одамларгина ўқийди. Булар ҳам кўп эмас. Беккет театри ҳам бор, унга эллик-олтмиш хос мухлисларгина тушади», – деди. Мен Чингиз Айтматовни сўрадим, «Унинг асарлари катта тиражларда босилар экан-ку сизларда ҳам?» деган саволимга: «Ҳа, Айтматов катта тиражда босилади. Лекин у бестселлер», – деб гапни лўнда қилди.

Узун мисол бўлди, лекин нима демоқчилигимни билияпсиз. Китобхон деганимиз бир хил юксак дидли одамлардан таркиб топмайди, ўқиётган омма қизиқиши, диди, билими, савияси, дунёқараши турли даражада бўлган қатламлардан иборат. Бутун дунё китобхони шундай. Дўкон пештахталарини асар эмас, асарлар босиб кетди деймиз, демак, шунча нарсга талаб бор, уни ўқиётган омма бор-да. Нашриётлар ҳам ўтмайдиган молини савдога қўймайди. Бадиияти теран асарларни диди теран китобхонлар ўқийди, бу қатлам унча қалин эмас, озчиликни ташкил қилади, келиб чиқадики, адабиёт элитарлашяпти. Дунёнинг илғор адабиётлари шундай: ҳар бир китобхон қатламининг ўзига яраша маҳсуллари бор, лекин, келинг, шунақа дейлик, юксак адабиётни бозор адабиётидан паст кўрмайди, айни пайтда, бозор адабиётини ҳам юксакка кўтармайди. Ҳаммаси ўзининг ўрнида, ўз мароми билан ривожланади. Хусусан, ўзимизнинг шароитга келсак, адабиётнинг бачки новдалари ғовлаб кетиши бор, лекин бу шохлар мангу кўкариб турмайди. Элитар адабиёт, умуман, адабий жараёни озиқлантириб, бачки новдаларни қайчилаб туради, барибир.

С.Ў.: Адабиёт, хусусан, насрнинг ўзини олганимизда ҳам, ҳад-ҳудудсиз бир макон. Умрбод ўқувчи бўлиб яшаб унинг сарҳадига етиш қийин. Фақат машҳурларнинг асарларини ўқишга улгуриш ҳам маҳол. Бизда классик романчилик анъаналари бор. Ҳозирги кундаги проза барибир кечагидан фарқ қилади. Бу ҳам табиий. Сабаби, бугунги одам бугунги шарт-шароитга мослашиб яшаяпти ва ўз-ўзидан фикр-ўйи ҳам, муаммоси ҳам кечагиникидан фарқли. Кеча сокин ва

турғун бир кечмишда яшаётганимизда Тоғай Мурод халқона оҳанг ва дардлар билан қиссалар ёзганида севиниб, севиб ўқишга тушиб кетганмиз. Бугун, масалан, шу кайфиятдаги ёзувчи чиқишига ва сўнг одамлар унинг асарларини ёпирилиб ўқишига кишининг кўзи етмайди. Пафос дегани ҳам айрим замонларда кўтарилиб, бошқа вақтда тушиб йўқолиб кетади, шекилли-да. Умуман олганда, бугунги ўзбек насрининг ўрнини қандай баҳолар эдингиз?

А.А.: Нима бўлганда ҳам, насрининг ўзи ҳам, аҳамияти ҳам йўқолмайди. Ўзгаришлар тубдан ё очик кечиши мумкин, лекин миллатнинг маънавий эҳтиёжи бир-икки давр ё навбатдаги мафкура билан қониб қолмайди. Бадиий тафаккур ҳаракати – азалий-мангу жараён. У ҳозир сустлашгандек, унинг гуркираб кетишига ҳаво етмаётгандек туюлар, лекин туб оқимлар ҳаракатдан тўхтамай, ўзи ишини қилиб янги истеъдодларни етиштириб ётибди. Мен, масалан, ўзимга нисбатан ёш, лекин аллақачон катта адиб бўлиб танилган Назар Эшонкул, Собир Ўнар, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам кабиларни назарда тутяпман. Бир давр шеъриятини бадиий тафаккурдан айрича олмаслик керак, бизда кейинги йиллари, мустақиллик замонида шеърият янгича талқинлари билан олдинга ҳам ўтди, унинг Фахриёр, Абдували Қутбиддин, Баҳром Рўзимухаммад, Азиз Саид, Хайрулло Файз сингари устунлари борки, булар ўзларидан кейингиларининг эркин фикрлашига кенг йўл очиб беряпти, жуда ёшлар орасида унда-бунда чиқиб, ўзларининг янгича фикрлаш тарзини намойиш этаётганлари бор, мен шуларга қараб жараёнга неқбин ёндашишга уринаман. Ҳозир бугунги ўзбек насрига бир қарашда аниқ ташхис бўладиган баҳо бериш мушкул масала. Изланишларнинг жуғрофияси жуда кенг, кўпи юза қатламда, ҳали шаклланмаган, айтганимдек, туб оқимлар кечяпти, ҳали унча юзага чиқмаган, кейин, адабиётимиз, жумладан, наср тарғиботи шу реклама замонида ўғай соҳа бўлиб келяпти. Ҳозирча эртанги наср ҳам аниқ билги бераётгани йўқ, лекин тагдан қалқиб турибди, ёриб чиқиб қолар деб умид қиламиз. Зеро, ҳар қандай шароитда ҳам адабиёт ривождан тўхтамайди. Янгиланиш руҳи, янгиланиш эҳтиёжи бугунги ўзбек насрининг хос аломати бўлса керак.

С.Ў.: Таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст шоир Фахри-

ёр билан суҳбатида («Ёшлик». 2012 йил. 4-сон) япониялик Х.Муроками, бразилиялик П.Коэльоларни пуфлаб шиширилган «даҳо»лар деб атади. Тўғримикан? Шунингдек, «Уруш ва тинчлик», «Ака-ука Карамазовлар», «Уста ва Маргарита», «Арсеньевлар ҳаёти», «Доктор Живаго», ҳатто Айтматовнинг айрим романларини ҳам «орқаси кенг» баъзи зиёлиларгина ўқияпти десак бўлади. Ўзи адабиётда қандай асарлар яшаб қолади?

А.А.: Кейинги ўн беш йиллар мобайнида иш, сиёсат ва турмуш ташвишлари билан бўлиб илгаригидек кўп ўқий олмаганман. Жараёндан узоқлашдим, ёшликдаги ишонч кетди, ҳакамлик қилишга ҳаддим сифмайди. Кейин, рус тилидан бошқа хорижий тилларни билмайман, бинобарин, чет адабиётни аслиятида ўқиш имконим йўқ. Мен ҳам кўп қатори жаҳон адабиёти намуналарини рус тили орқали, русларнинг танловида, улар тавсия қилганларини ўқийман. Масалан, Муракамини ҳам, Коэльони ҳам мутолаа қилганман. Кафкани, Сартрни, Борхесни севиб ўқиган одамда кўтар-кўтар бўлган бу ёзувчилар ўнча ҳайрат уйғотмайди. Масалан, буларнинг ҳеч бирини Камю даражасига қўймайман. Памук асарлари ҳам менга халқаро Нобел мукофоти оладиган даражада туюлмади. Сиз тилга олган асарлардан Толстой ва Достоевский романлари баҳодан баланд туришини таъкидлашни истардим, Ч.Айтматов асарлари эса ҳали вақт, замон синовиди.

Ҳозиргиларидан қандай асарлар яшаб қолади деган саволнинг жавоби келажак китобхонига ойдин бўлади. Ҳар ҳолда, аччиқ ҳақиқат, шаккоклик эмас бу, кўп асарларимиз тарих чиғиригидан ўтмайди. Кимдир ё кимларнингдир хоҳиш-иродаси билан эмас, замон ўзгариши, мафкура – фикрлашимиз янгиланиши билан қанча асарларимиз ўтмиш мулкига айланди, бу жараён ҳали давом этяпти, адабиёт, эҳтимол, шафқатсизларча ўзини тозалаяпти, бизнинг ёзганларимиздан қанчаси бир куни ўтмиш мулки бўлиб қолади, бу – бошдан дўппини олиб хотиржам ўйлаб кўрадиган масала.

С.Ў.: Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги ташкил этилган «Ижод» жамоат фонди кўмагида адабиётимизнинг кўзга кўринган асарларини инглиз, испан, немис, рус тилларига таржима қилиш ишлари бошланяпти. Ўзбек адабиётининг

қайси намуналари дунё миқёсида бизнинг юзимизни ёруғ қилади деб ҳисоблайсиз?

А.А.: Э-э, шу саволнинг жавобига қийналаман. Гап ўзинг кимсан деган эътирозга рўпара келишимда ҳам эмас. Адабий танқид билан шуғулланмай қўйганим боиси шунда. Дунё адабиётининг энг зўр асарларини ўқийвериб, ўзимизга чоғиштириб кўра бошлаганда, очиги, айти шу янгиланишни «уриш» эмас, қўллаб-қувватлаш кераклигини англаб, «оташин кураш»нинг бефойдалигига ақлим етди. Чунки шўро даврида шунча довруғ қозонган адабларимиз бўлишига қарамай, бадиий тафаккурда ёш, навқиронлигимизча қолганмиз. Адабий тилимиз ҳали довлонлар ошиши керак. Бунинг нечоғлик зарурлигини бадиияти, дунёбинлиги бизникидан тубдан фарқ қиладиган, тафаккур тарзи ўзгача асарларни ўз тилимизга ўгирган таржимонлар жуда яхши билади. Таглама орқали биздан қилинган таржималарда ғалати ҳолат пайдо бўлади, тили, бадиияти ғариб, лекин воқеаси, сюжети чет эл китобхони учун қизиқ туюладиган хомашёдан бинойидек асар яратилади. Четга чиққан яхши асарларимизнинг ўзи ҳам жуда кам, бир миллат адабиётини таниш учун тўла тасаввур бермайди. Лекин ўзим ўқиб келаётган чет эл ёзувчилари асарларига хаёлан қиёсласам, биздан уни таржима қилса бўлади, буниси бўлмайди деган гапларни айтишга, очиги, иккиланаман, гапни бемалол қўйиб юборишга кўрпамиз калталиқ қилмасмикан дейман. Чўбир отлар пойгасидан воз кечиб ўзимизга қайтайлик, аслимизни тиклайлик, эгамен мамлакат, мустақил миллатмиз, тилимиз давлат тили, ўзимизга қолди деб уни бунча топтамайлик, ривожлантирайлик. Аввал адабий ўйни саришта қилиб олайлик, дунёга чиқиш қочмайди ва, кейин, у қадар муҳим масала эмас. Юзимиз, биринчи галда, ўз китобхонимиз олдида ёруғ бўлсин. Адабиёт, адабий асар, аваламбор, тил ҳодисаси, у миллий тилда яратилади, унинг миллий жаранги бўлса, четдагилар эшитади, йиртиқ қарнайу тешик чилдирма билан дунёга чиқишни ўйлаш... ҳай, билмадим.

«Ижод» фонди ғайрат қиладиган эканми, омадини берсин! Лекин бу ёқдаги эмас, у ёқдаги конъюнктурага қараши керак. Ўзимиз ошна-оғайнигарчилик қилиб тузган расмий

рўйхат бўйича қилган ишимиз у ёқда изсиз йўқолиб кетиши мумкин.

Ҳай, шу гаплар-да. Журналдаги ходимларга ғайрат, Қозоқбой ака топиб ишлатаётган ибора билан айтсак, ўқирманларига сабр-тоқат тилайман! Ҳа, бир гап айтмоқчиман, яхши асар уни ўқийдиган яхши китобхон бўлсагина ёзилади, бинобарин, китобхоннинг асар яралашида ҳиссаси катта. Бу учун ҳам унинг танглайи яхши китоблар билан кўтарилган бўлиши керак.

*Собир Ўнар суҳбатлашди.
«Ёшлик» журнали. 2012 йил. 6-сон*

МУНДАРИЖА

Бузуқ тил ҳавоси	3
Тилда маччойи сайил.....	14
Тилувзани мақиволпиза?	27
Она тилим – жону дилим	41
Қалам аҳлининг жон озиғи – тил	59
Маънавий таҳдид шарпаси.....	68
Адабий асар – тил ҳодисаси.....	73

Адабий-бадий нaшр

Аҳмад АЪЗАМ

ТИЛ НОМУСИ

Эссе, мақолалар, суҳбатлар

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир: Хуршид ИБРОҲИМОВ

Мусахҳиҳ: Дилрабо МИНГБОЕВА

Нашриёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 08.08.2013 й.

Босишга рухсат этилди: 21.10.2013 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108 1/32.

Таҳомта гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Ҳисоб-нашриёт т.: 4,05. Шартли б.т.: 4,62.

Адади 2000 нусха.

Буюртма №56

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.

100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^а-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77

e-mail: akademnashr@mail.ru

web-site: www.akademnashr.uz

«AL-ALKOM TRADE» МЧЖ босмахонасида chop этилди.

Тошкент шаҳри Чилонзор кўчаси 1^а-уй.